


АБДУЛХАЙ АБДУЛЛАЕВ



СУРИЯ РОМАНЧИЛИГИ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ


221
A-11

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

**АБДУЛЛАЕВ АБДУЛҲАЙ
БОЛТАБОЕВИЧ**

**СУРИЯ РОМАНЧИЛИГИ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(монография)



Тошкент - 2020

Абдуллаев Абдулҳай Болтабоевич, Сурия романчилиги тараққиётининг хусусиятлари. – Т., 2020.

Ушбу монографияда XX аср иккинчи ярмидан кейин Сурия романчилиги тараққиётининг асосий тамойиллари ва ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, араб адабиётининг ривожланишини ўрганаётган тадқиқотчilar, магистрантлар ва талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (*PhD*), доцент **Х.Х.Хамидов**

Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор **З.М.Исломов**
филология фанлари доктори, профессор **Ш.Шомусаров**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг
2020 йил 26 декабрдаги 8-сонли қарори билан
нашрга тавсия этилган.

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси охирги йилларда ўзининг маънавий-маърифий, интеллектуал қадриятларини тиклаш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошироқда. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сиёсатида Ўзбекистон дунёning барча мамлакатлари, Ғарб ва Шарқ давлатлари, шу жумладан, араб мамлакатлари билан ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни тобора кенгайтириб келмоқда.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатида тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мағкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик йўлида очиқлик, умуминсоний қадриятларга садоқат, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш тамойилларидан келиб чиқади.

Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида адабиёт ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дунё мамлакатлари билан турли соҳаларда ўзаро алоқалар тобора ривожланаётган бугунги кунда ҳар бир миллатнинг қиёғасини белгиловчи мезонлардан бири бўлган адабиёт масалаларини ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, руҳияти билан боғлиқ билимини оширишда муҳим омилdir. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик соҳасида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. Ушбу стратегик вазифалар адабиёт-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2017.8 февраль № 28 (6722).

шунослик, хусусан, бошқа халқлар адабиётлари қаторида араб адабиётини ўрганиш соҳасида ҳам чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Глобаллашган бугунги дунёда ҳеч қайси мамлакат “ўз қобиғига бурканган” ҳолда тараққий этиши мумкин эмас. Мамлакатимиз ташқи сиёсатда, авваламбор, маънавий соҳада, илм-фан, маданият, таълим ва ахборот соҳасида интеграция бўлишини ёқлади. Ота-боболаримизнинг қадимги маданиятига оид барча улуғ қадриятларни тиклаш, буюк меросимизни дунё цивилизацияси эришган барча ютуқлар билан бирлаштириш – бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган сиёсатнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7-8 август кунлари Тошкент шахрида бўлиб ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табригида “Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўймоқда. Биз миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришишни ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйдик. Бу улуғ мақсадга эса жаҳон аҳли билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшаш, очиқ демократик жамият куриш, ҳаётимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини янада кенг қарор топтириш орқалигина эришиш мумкинлигини биз яхши англаймиз” дея таъкидлар экан, илм ва ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини ошириш каби вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, Ўзбекистонда “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда, жаҳон адабиётининг дурдона асрларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қарати-

лаётгани, юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асрлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олганини алоҳида таъкидлаган эдилар¹.

Ушбу йирик халқаро тадбир иштирокчиларига йўлланган табриқда юртбошимиз бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққанлигига алоҳида урғу бериб, ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмагани, дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшашини айтган эдилар².

Шундан келиб чиқиб, ўзбек олимлари нафақат миллий маънавий меросимизни ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга, балки дунёдаги бошқа халқларнинг муҳим маданий ютуқларини ўзлаштиришга ҳам эътибор қаратмоқдалар. Шу нуқтаи назардан араб халқлари бадиий адабиёти соҳасидаги сўнгги ютуқлар тадқиқотчиларда алоҳида қизиқиши уйғотади, чунки бизни улар билан нафақат ўтмишдаги ягона исломий миңтақавий маданият бирлаштириб туради, балки янги даврнинг кўплаб муштарак муаммолари, хусусан, яқин ўтмишдаги мустамлака сарқитларини бартараф қилиш, одамларни ўз-ўзини англашнинг янги даражасида ўсиши, ҳозирги дунё ҳамжамиятида ўз мамлакати ва халқи учун муносиб ўринга эришиш имкониятининг таъминланиши ҳам бирлаштиради.

ХХ асрнинг 50-йиллари ўрталаридан 70-йиллари охиригача бўлган давр араб адабиёти тарихида, хусусан, Сурия адабий тарихида муҳим ўрин тутади. Ушбу даврни араб-мусулмон адабиёти анъаналаридан узоқлашиш даври

¹ “Ўзбек адабиёти ва санъати” газетаси, 2018 йил 8 август, №32-33.

² Ўша ерда.

деб аташ мумкин. Бу даврда анъанавий элементлар ҳали түлиқ сиқиб чиқарилмаган, Европа маданиятининг ютуқлари эса соф миллий эстетик дидлар ва қарашлар фильтридан ўтган. Бизнингча, бу давр араб дунёсидаги адабий жараённинг ривожланишнинг типологиясини тушуниш учун жуда муҳим. Мамуннинг ҳаққонийлиги ва воқеликнинг ҳар қандай ҳодисасини ижтимоий-ахлоқий ва эстетик қадриятларга айлантиришга уриниш – булар эҳтимол сўз бораётган давр адабиётининг икки асосий хусусиятидир¹.

ХХ аср араб мамлакатлари адиларининг асарларига диққат билан назар ташланса, аввало, уларнинг мавзуси, кўтарилган муаммолар ва муаллифларнинг бадиий манералари қанчалик хилма-хил эканлигини кўриш мумкин. Араб таңқидчиларининг фикрича, адабиёт, айниқса, роман жанрининг ижтимоий аҳамияти беқиёс даражада ўси, китобхонларнинг романга бўлган қизиқиши ортди. Араблар эътироф этган, умумараб минтақасида тан олинган бутун бир адилар авлоди юзага келади. Булар сирасига мисрлик Ҳамал ал-Ҳитоний, Юсуф ал-Қуайд, сурялиқ Ханна Мина, Хоний ар-Роҳиб, фаластинлик Ҳасан Канафоний, Эмил Ҳабибий, ироқлик Ғойиб Туама Фармон, Абдураҳмон Мажид ал-Рубоий, суданлик Солиҳ ат-Тойиб, жазоирлик Ваттор ат-Тоҳир ва Абдулҳамид ибн Ҳадук ва бошқаларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган ёзувчилардан ҳар бири нафақат ўз мавзуси, балки ўзига хос ёзув услуби, ўз дунёқарashi, нуқтаи назарига эга. Бу ёзувчиларнинг ҳар бири ўзига хос, фарқли.

¹ Ушбу фикр В.Н.Кирличенконинг «Современная египетская проза. 60-70 годы» (-М. «Наука», 1986), шунингдек. З.И.Левиннинг «Развитие арабской общественной мысли» (-М. «Наука», 1971) ва А.А.Долининанинг «Очерки истории арабской литературы нового времени» (Египет, Сирия) (-М. «Наука», 1973) номли тадқиқотларида анча батағсил кўриб чиқилган.

Уларнинг умумий, ўхшаш жиҳатлари борми? деган савол туғилади. Бу уларнинг барчаси учун умумий бўлган, услуг бирлиги эмас, албатта, ёзиш услуги ҳам эмас, юқорида айтиб ўтилганидек, ўтган аср одамлари ҳаётининг энг муҳим томонларига мурожаат қилишларида, ва шу билан бирга, муаллифлар риоя қиласидан ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг барқарор тизимида¹. ХХ аср охири араб адабиётида реализм ҳукмронлик қиласиди, ва бу нарса китобхон билан мулоқот ўрнатишнинг ягона йўли эканига ишонч ҳосил қилиш учун кўплаб нотўғри тушунчаларни бартараф этиш керак эди.

Реалистик йўналиш Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ривожланди. Ўтган асрнинг 70-йилларида у кекса авлод ёзувчиларнинг беназир истеъоддларини намойиш этган ҳолда тобора ривожланиб борди (Х.Мина, Н.Маҳфуз, А.ар-Рубоий) ва ўрта ва ёш авлод ёзувчилари гуруҳининг миллий, биринчи навбатда реалистик анъаналарни ўрнатишга бўлган иштиёқ юзага келди (Ҳасан Канафоний, Солиҳ ат-Тойиб, Рифқат ас-Саид, Ҳамал ал-Ҳитоний, Абдураҳмон Муниф). Ижтимоий адабиёт, реалистик адабиётга қизиқиш тобора ортиб борди, турли муаммолар, мавзулар, жанрларни ривожлантиришда тўпланган тажрибани англаш ва сўнгги йилларда унутилган бўлиб кўринган адабиёт, ижтимоий типлар ва ҳаётнинг ижтимоий қатламлари, масалан, ишчилар, деҳқонлар ҳаётига, оддий одамлар ҳаётига бўлган қизиқиш юксалди.

Авлодлар бадиий тарихни ўнлаб йиллар, одатда асрлар, ҳатто бутун бошли юз йилликларни камдан-кам

¹ Таъкидлаш жоизки, ХХ асрнинг 60-йилари охири ва 70-йиллари бошида араб адабиётларида намоён бўлган бу тенденцияни аксарият ёзувчи ва мунаққидлар самарасиз деб англағанлар (бу ерда Ғарбий Европа эгзистенциалистик романни тажрибасига йўналтирилган, ҳозирги замон муаммоларидан узоқ, мавҳумлашган, ўта ниқобланган адабиёт кўзда тутилмоқда).

ҳолларда ҳисоблайдилар: Антик давр, Уйғониш даври, Барокко. Худди шунингдек, бир кун келиб бизнинг давримиз адабиёти ҳақида шундай дейишади – Йигирманчи аср. Вақт деган нарса ўзининг шафқатсиз ҳукмини ўқиди, шубҳасиз энг бебеаҳо асарлар адабиёт тарихига муҳрланади. Нима унутиласи-ю, нима сақланиб қолади, буни олдиндан айтиш қийин, лекин ҳозирги адабий ҳаётдан бироз четга чиқиб, маълум даражада эҳтимолийлик билан шуни тахмин қилиш мумкин: ўтган бутун аср давомида сўнгги давр араб дунёси адабиётида шоҳ асарлар сони кўп бўлмаган. XX аср 50-80-йилларда Сурияда ҳаёт чоғида классикка айланган адаб Ханна Мина ижод қилди. Ҳозирга қадар унинг ўрнини босадиган муносиб адаб кўзга кўринмайди. Назаримизда, Х.Минанинг тажрибаси адабиёт хотирасида “ўрнашиб”, бадиий тафаккур ҳаракатининг зарур қисми бўлиб қолади. Бўлажак “чўққи”лар шаклланишидан олдин ички, унчалик сезилмайдиган адабий асарларнинг тўпланиши даври келади. Адаб Исҳоқ, ал-Кавокибий, энди, эҳтимол, фақат мутахассисларни қизиқтиради, аммо уларнинг ижоди Н.Маҳфузнинг келишига замин тайёрлади.

Ушбу тадқиқотда фақат суряялик ёзувчи Х.Мина ижодини таҳлил қилиш билан чекланиб қолинмайди, балки араб адабиётшуносларининг ёзувчи ҳақидаги танқидий тадқиқотларига эътибор қаратишга ҳаракат қилинади. Чунки танқид ва адабиётшуносликни адабиёт тарихининг ажralmas таркибий қисми деб ҳисоблаш мумкин. Маълум бир даврга оид бутун бошли адабий-ижодий ҳаётнинг ҳеч бўлмаганда бир ёзувчи қаламига мансуб асар мисолида ҳар томонлама ўрганилишини, танқидни ҳар томонлама ўрганмасдан амалга ошириш имконсиз, чунки бусиз адабий жараённинг содда ва жўн бўлиб қолиши муқаррардир.

Замонавий араб насрини ўрганиш, унинг асосий тараққиёт босқичларини чуқур илмий ёритиш, жумладан, Сурия адабиётидаги роман жанрининг хусусиятларини

аниқлаш энг долзарб ва кўп қиррали муаммо ҳисобланади. Ҳусам ал-Хатиб (“Маданий ва ижтимоий-сиёсий юксалиш даври Сурия романи”), Муҳсин Жасим Али ал-Мусавий (“Замонавий араб адабиётида араб ҳалқининг озодлик ва тинчлик учун кураши мавзуси”), Аднан ибн Зурайл (“Арабларнинг замонавий романида”), Умар ал-Даққоқ (“Замонавий Сурия адабиёти”), Муртоз Абдулмалик (“Замонавий араб романини ўрганишга кириш”), Аднан ибн Зурейл (“Сурия ҳикояси”) каби араб адабиётшунос ва танқидчилар Сурия романнавислигининг ривожланиши муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Китобнинг бир бобини муаллиф Сурия романнавислигига бағишилаган¹.

Шу ўринда қайд этмоқ жоизки, бу илмий ишларнинг барчасини ягона хусусият бирлаштириб туради. Тадқиқотларнинг муаллифлари кўпинча бадиий асарлар поэтикасини тадқиқ этмасдан ва таҳлил қилмасдан асарлар мазмунини батафсил баён қилишга уринадилар. Баъзан композиция, услуг, асарнинг тили, бош қаҳрамон образи, муаллифнинг позицияси ва умуман, таҳлил қилинаётган бадиий асар олдига қўйилган муҳим вазифалар ва бу билан боғлиқ бошқа муаммолар эътибордан четда қолади.

Сўнгги давларда роман жанри араб танқидчилари, адабиётшунослари ва ёзувчиларининг эътиборини торта бошлади. “Ал-Маърифа” (1980 йил октябрь), “Ат-Ториқ” (1981 йил август) ва “Ал-Мавқиф ал-Адабий” (1982 йил январь) журналларининг Сурия адабиётида роман жанрини ривожлантиришга бағишиланган маҳсус сонлари ҳам буни тасдиқлади.

Таниқли араб адаби Набил Сулаймон ўзининг “Танқид ва Сурия романи” (1981) номли мақоласида шундай ёзади:

¹ Тадқиқотда арабча матн таржима қилиб берилди. Агар таржима бизга оид бўлмаса, бу тегишли тарзда таъкидлаб кетилади. عدنان بن ذريل، أدب القصّة في سوريا. بيروت

“Сурия романи ҳозирга қадар адабиётимизда хукмронлик қилиш мавқени эгаллашга даъвогарлик қилувчи мустақил жанр сифатида ўз ўрнини топгани йўқ. Шеър ва ҳикоя жанрлари турли авлод ўқувчиларининг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Романга келинса, ушбу жанр профессионал бўлмаган ёзувчилар учун имтиёз ҳисобланади, чунки улар учун адабиёт иши қўшимча машғулот саналади. Роман ёзиш билан эса атиги бир неча профессионал ёзувчи шуғулланади, бироқ уларнинг ушбу жанр устида олиб борадиган ишлари баъзан йиллар мобайнида тўхтаб қолади”¹.

Яна бир таниқли суриялик ёзувчи Абдусалом ал-Ужайлийнинг таъкидлашича, турли ёзувчилар ижтимоий воқеаликни турли шаклларда ифодалайдилар. Баъзи роман муаллифлари воқеаликни худди суратга тушираётгандек акс эттириш билан чеклансалар, бошқалари эса ҳаётдан завқ олиб, уни турли рангларда тасвирлайдилар. “Яна бир гурух муаллифлар эса унинг камчиликларини кўриб, танқид қилишади. Ёмон иллатлардан халос бўлиш йўлини улар мавжуд воқеалиқдаги ёзувларга қарши курашда кўрадилар ва ундаги энг яхши хусусиятларни сақлаб қолишни ёқлаб чиқадилар. Яна шундай ёзувчилар борки, улар учун атрофдаги олам билан ўзаро муносабат ундан қочиши англаатади, улар ҳаққоний ҳаётдан узоқ нарсалар ҳақида ёзадилар. Ўзим ҳақимда айтишим мумкинки, мен воқеаликни рад этадиган ёзувчиларданман, баъзида мен уни пушти рангда кўраман, аммо у менга баъзан қора рангда кўринади. Ҳаётнинг ёрқин томонлари ҳам бор, мен унда қувончу шодлик борлигини инкор этмайман... лекин умидсизлик, тушкунликка тушиш учун сабаб кўпроқдек туюлади менга, ёки менинг кўзимга жамият ҳаётининг қоронғу томонлари кўпроқ ташланади. Агар қайғуларимнинг сабаблари менга маълум бўлса, унда мен ёмон-

¹ نبيل سليمان، النقد و الرواية السورية، دمشق، 1981. ص. 7.

ликларни йўқ қилиш ёки ҳеч бўлмаганда уларни юмшатиш учун ишлай оламан. Масалан, мен бадавийлар (саҳро одами) мухитида қасос, қишлоқдаги қолоқлик, учинчи дунё мамлакатларидағи хукмдорларнинг золимликлари ҳақида ёздим¹.

Ал-Мавқиф ал-Адабий (1982 йил январь) деб номланган бошқа бир журналда Хусам ал-Хатибининг “Сурия романининг миллий ўзига хосликлари”², Аднан ибн Зурайлнинг “Суриядаги араб романининг шакли ва мазмуни”³, Самар Рухий ал-Файсалнинг “Сурия тарихий романида “Сирлар” шакли”⁴, Ханна Аббуднинг “Сурия романида қаҳрамон образи”⁵, Муҳаммад Мунқиз ал-Ҳошимийнинг “Сурия романида романтизм” сингари адабиётшунослик ва танқидчилик йўналишида ёзилган мақолалари нашр этилган. Шундай қилиб, роман жанри замонавий сурия танқидчилигигида кенг кўламда ўрганилмоқда. Бу бутун араб дунёси ижтимоий ҳаёти, хусусан, Сурияда юз берган ижтимоий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ.

Академик И.Ю.Крачковский⁶, А.Е.Кримский⁷ ва бошқалар асос соглан араб адабиётини ўрганиш анъаналари ҳозирги вақтда А.А.Долинина⁸, И.К.Усманов¹, В.Н.Кирпичен-

¹ مجلة الموقف الأدبي، دمشق، 1982، كانون الثاني. ص. 139-138.

² د. حسام الخطيب، تبعات قومية في الرواية السورية، مجلة الموقف الأدبي، دمشق، 1982، كانون الثاني. ص. 9.

³ عدنان بن ذريل، القرآن و المعنى في الرواية العربية السورية، مجلة الموقف الأدبي، دمشق، 1982، كانون الثاني. ص. 20.

⁴ سمر روحى الفيصل، شكل السيرة في الرواية العربية السورية، مجلة الموقف الأدبي، دمشق، 1982، كانون الثاني. ص. 40.

⁵ حنا عبود، صورة البطل في الرواية السورية، مجلة الموقف الأدبي، دمشق، 1982، كانون الثاني. ص. 66.

⁶ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.3. М. - Л., 1956.-С. 470.

⁷ Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX - начало XX века. М., Наука, 1971. - С. 794.

⁸ Долинина А.А. Заметки о египетской литературе нового и новейшего времени//Фольклор и литература Африки. М., 1970; Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и

ко², Э.А.Ализода³, М.Х.Акбарова⁴ ва бошқа тадқиқотчилар, замонавий араб адабиётшунослар олимлари томонидан аъло даражада ривожлантирилмоқда. Улар томонидан янги араб адабиёти муаммоларини ўрганишга бағишлиланган қимматли илмий асарлар ёзилган.

Сурия адабиётига бағишлиланган қатор илмий ишлардан бири сифатида А.А.Долининанинг 1968 йилда нашр этилган "XIX аср сўнгги чораги ва XX асрда Миср ва Сурия публицистикасига бағишлиланган янги давр араб адабиёти тарихи (Миср ва Сурия)" монографиясини алоҳида кўрсатиш мумкин (1870-1914). Ушбу китобда сўз бораётган давринг умумий тавсифи, шунингдек, йирик ёзувчиликнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги очерклар берилган бўлиб, муаллиф ўйлаган араб маърифатпарварлик адабиёти ҳақидаги очеркларнинг биринчиси ҳисобланади. Айнан публицистикада араб ижтимоий тафаккури тарихи-

Сирия). М., Наука, 1973.- С.272; Предисловие, Арабская романтическая проза XIX-XX веков. М., 1981.- С. 5-22.

¹ Усманов Н.К. Проза Тауфика аль - Хакима. М., Наука, 1979.- С.114.

² Кирпиченко В.Н. В поисках своего лица (современный египетский роман) // Иностранный литература. 1983. № 9; Возмужание героя (Заметки о египетском реалистическом романе второй половины 60-70-х годов) //Литература стран зарубежного Востока 70-х годов. 1982.- С.311; Выбор пути Предисловие // Нагиб Махфуз. Избр. романы. 1990; Египетская проза 60-70-х гг. (В поисках путей и форм художественного освоения действительности). Автореферат диссертации. М., 1986; Новеллистика «Новой волны в Египте» // Идеологическая борьба и современные литературы зарубежного Востока. 1977.- С. 274-295; О путях развития реализма в египетской прозе // Народы Азии и Африки. 1976.- № 5; Современная египетская проза.60-70-е годы. М., Наука, 1986. - С. 295; Юсуф Идрис. М., Наука, 1980. - С. 207.

³ Ализаде Э.А. Египетская новелла. М., Наука, 1974.- С. 152; Ализаде Э.А. Махмуд Таймуру. М., Наука, 1983.- С. 182.

⁴ Акбарова М.Х. Сирийский рассказ. Т., Фан, 1975.- С. 68. Актуальные проблемы изучения литератур Африки. Сб. ст. М., Наука, 1969.- С. 168.

даги қарама-қаршиликлар ҳам ёрқин акс эттирилган, адабий услубни янгилаш учун кураш бўлмаганида у йиллар араб адабиётининг бутун тарихи тушунарсиз бўлиб қолар эди. XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Миср ва Суриянинг бир қатор йирик ёзувчиларининг фаолияти бевосита публицистика билан боғлиқ. Шу сабабли, муаллиф ўша давр публицистикасининг умумий тавсифи билан чекланиб қолмайди, аксинча унинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва унинг энг обрўли вакилларининг адабий фаолияти очеркларини беришни зарур деб ҳисоблади.

А.А.Долининанинг "Янги давр араб адабиёти тарихидан очерклар" номли китоби Миср ва Сурия адабиётига бағишлиланган бўлиб, ўз давринг маърифатпарварлик романи сифатида эътироф этилган. Маърифатпарварлик даври сифатида таъриф этилган 1870-1914 йилларга бағишлиланган китобда муаллиф бадиий наср жанрларини таҳдил қилиб, уларни араб жамоатчилик фикрининг асосий йўналишлари билан чамбарчас боғлади. Бу йўналишлар араб Шарқининг тарихий тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, анъаналар ва европалик таъсирнинг ўзаро таъсирини очиб беради, маърифатпарварлик романи жанрининг энг йирик вакилларининг ижодларини кўриб чиқади.

Ҳикоянинг шаклланиши ва ривожланиши йўллари тадқиқига бағишлиланган Сурия ҳикоянавислиги ҳақида М.Х.Акбарованинг (1975) илмий тадқиқотини эслаб ўтиш керак бўлади. Тадқиқотда прогрессив суриялик ҳикоянавис ёзувчиларнинг асарлари таҳдил қилинади, Сурия адабиёти тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар ўрганилади.

Собиқ Совет Иттилоғи давридаги олимларининг замонавий араб адабиётининг ўзига хос муаммоларини ўрганишдаги хизматларини таъкидлаган ҳолда шуни ҳам

таъкидлаш керакки, "совет" адабиётшунослиги фани билан ҳамкорлик ғоявий нуқтаи назаридан назарий жиҳатдан мукаммал бўлган, араб мамлакатларининг бир қатор олимларига ҳам таъсир кўрсатган. Бу эса Алауддин Мажид Салимнинг 1979 йилдаги "Совет адабиёти ва Сурияниг замонавий ёзувчилари ижоди" мавзуидаги номзодлик диссертацияси, Муҳаммад Абдо ан-Нажарийнинг 1980 йилдаги "М.Горький ва замонавий араб адабиёти" мавзусидаги диссертацияси каби тадқиқотларни юзага келтирди. "Совет адабиёти ва 50-йиллардаги Сурия насрининг ривожланиши" тадқиқотида муаллиф Ханна Мина, Аниш ал-Матнийнинг (1982) романнавислигида рус ёзувчиси М.Горький анъаналари қисқача кўриб чиқилади. Тадқиқотда сobiқ совет адабиётининг араб адабиётига таъсири муаммолари кўриб чиқилган. Саммак Файсалнинг 1983 йилдаги "Замонавий Сурия романидаги реалистик йўналиш" мавзули диссертациясида Сурия романидаги реалистик йўналиш умумлаштирилиб, тадқиқ этилган.

Сўнгги тадқиқотда йирик фактик материал асосида 1979 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган Сурия насрининг энг муҳим жанри ҳисобланган роман жанрининг ярим асрлик тараққиёт йўли реализмга мувофиқ кўриб чиқилган. Сурия романига классицизм, романтизм ва реализм йўналишларининг таъсири даражаси белгиланган, умуман реалистик тенденциянинг чуқурлашиби ва реализм тамойилларига асосан ёзилган илк романларнинг пайдо бўлиши кўрсатиб берилган, хусусан, тарихий, ижтимоий, ижтимоий-маиший романларнинг турлари аниqlangan.

Замонавий Сурия адабиёти ҳануз етарли даражада ўрганилмаган. Ҳозирга қадар бирорта монографик тадқиқот амалга оширилмаган, Сурия адабиётида роман жанрининг юзага келиши муаммоси ҳал этилмаган, Сурия

насрининг миллий ўзига хослиги масаласи кун тартибиага қўйилмаган.

Хусам ал-Хатиб, Муҳсин Жасим Али ал-Мусавий, Муртоз Абдулмалик, Аднан ибн Зурейл ва бошқа араб адабиётшуносларининг бир қатор асарлари Сурия адабиётида роман жанрининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган. Бироқ азалий анъаналарга кўра, юзага келган тасаввурлар таъсирида адабиёт тарихидаги муайян давр тавсифи берилган умумий шарҳларнинг муаллифлари етакчи ёзувчиларнинг ишлари билан боғлиқ материаллардан тўла фойдаланишдан ўзларини тийгандар. Бу ёзувчиларнинг ижодий амалиётларида адабий жараённинг муҳим хусусиятлари ва объектив қонуниятлари чуқур ва ёрқин намоён бўлган, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, урушдан кейинги давр Сурия адабиёти тараққиётининг асосий тенденцияларини аниқлаш ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади этиб белгиланди. Ушбу тадқиқотда биз Сурияниг энг йирик ёзувчиси Х.Минанинг ижодида умуман араб дунёсига хос адабий жараённинг муҳим типологик хусусиятлари чуқур ва ёрқин жиҳатлари билан намоён бўлганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Назарий вазифалардан ташқари, ёзувчининг монографик портрети қуидаги аниқ вазифаларни олдиндан белгилашни тақозо этди:

Х.Минанинг Сурия адабиёти тараққиётида тутган ўрни ва ролини белгилаш;

ёзувчи асарларининг сюжет ва композицион хусусиятларини аниқлаш;

ёзувчи услубининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

Ҳар бир даврда дунёда кечётган ҳодисаларни ўрганишда ўзига хос назарий ёндошувлар бўлади. Яқинда, ярим асрдан кўпроқ вақт давомида биз, сobiқ Совет Иттилоғининг кучли мафкурага асосланган жамиятида

тарбия топган адабиётшунослар, ўзимизнинг ҳам, бошқа халқларнинг бадий маданиятини умумий методологик маънода ўрганар экан, "диалектик материализм" дея номланган тамойиллардан келиб чиқсан ҳолда санъат оламининг бутун ўзига хосликларини "социалистик" ёки "буржуа реализми" қобиғига тиқишига уриндик. Бугунги кунда тоталитар мафкуранинг мажбурий шартлари ўтмишда қолди. Шунга қарамай, ҳар қандай жиддий илмий излашишда аниқ, умумназарий қоидалар ва умумметодологик ёндашувларсиз иш олиб бориш имконсиз. Агар илгари сиёсатчилар биполяр (икки кутбли) дунё тамойилларидан келиб чиқсан бўлишса, XXI аср бошларига келиб, инсоният бизнинг дунёмизнинг кўп қутблилик тамойилини эътироф этиш зарурлигини англай бошлади. Бу дунёда халқлар кўпроқ эркинликка, ўзаро бир-бирини тушуниш ва маънавий тараққиётга интилоқда, зўравонлик ва диктаторлик, жоҳиллик ва ақидапарастликни рад этмоқда.

Ушбу кўп қутбли дунёда шахснинг маънавий дунёси, мустақил қадрият ва ҳар бир инсоннинг хилма-хилманфаатлари биринчи ўринда туради. Ушбу умуминсоний принципдан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон ўз тараққиётида демократияни, очиқ жамиятнинг тамойилларини кенгайтириш орқали ҳаракат қилмоқда. Айнан барча халқларнинг барча даврларда бадий адабиётларида ҳар бир инсон ҳаётининг қадр-қиммати алоҳида таъкидланган. Шу маънода араб халқларининг замонавий адабиётлари ҳам бундан мустасно эмас.


Тадқиқот жараёнида адабиётда содир бўлаётган ҳаётий жараёнларнинг барча макон ва замон ичидаги ўзгаришларда кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳолатлар асосий концептуал ғоядир. Араб адабиётининг ўзига хос муаммоларини ўрганишда М.Акбарова, Р.Ходжаева, А.Долинина, З.Левин каби шарқшунос-филологларнинг

тадқиқотларида ишлаб чиқилган қонуниятларнинг объектив тарихий таҳлил усулидан фойдаланилган.

Ушбу тадқиқотнинг янгилиги урушдан кейинги йилларда Сурия адабиёти тараққиётининг асосий тенденциялари аниқлангани, Сурия адабиётидаги романларнинг бадий ва таркибий таҳлили амалга оширилгани, таниқли сурялик романист Ханна Миннинг адабий ва илмий мероси ўрганилгани ва унинг суря романнавислиги тараққиётидаги муҳим ўрни ва роли аниқлангани, Ханна Мина романларининг сюжет-композицион услуг хусусиятлари очиб берилганлигида намоён бўлади.

Тадқиқотда чиқарилган хулосалар араб тарихи, хусусан, XX аср Сурия адабиёти бўйича университетда ўқитиладиган маъруза курсларида, шунингдек, Сурия адабиёти тарихини ёзишда, умумжаҳон адабий жараёни тараққиётини ўрганишда, бундан ташқари Ғарб ва Шарқ адабиётининг ўзаро таъсири ва муносабатларида қўлланилиши мумкин.

Ханна Миннинг 1945-1975 йилларда яратилган бадий асарлари, хусусан, унинг машҳур "Мовий чироқ" (1954), "Елкан ва бўрон" (1966), "Деразадан ташқарида қор ёғмоқда" (1969) "Булутли кунда чиқсан қуёш" (1973), "Лангар" (1975) ва бошқа асарлар ишнинг асосий манбалидир. Шунингдек, таниқли сурялик адабиётшунос ва танқидчилар Хусам ал-Хатиб, Мұхсин Жасим Али ал-Мусавий, Умар ал-Даққоқ, Муртазо Абдулмалик, Аднан ибн Зурайл, Файсал Саммак ва бошқа араб олимлари ҳамда Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари шарқшунос-адабиётшуносларининг асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.



I БОБ. ЗАМОНАВИЙ СУРИЯ АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ҳозирги янги давр ва энг янги даврлар шарқ адабиётларини ўрганиш тадқиқотчилар олдига одатда Шарқ мамлакатларининг миллий ва тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг маданияти билан боғлиқ бир қатор муаммоларни қўяди. Шарқда, хусусан, араб дунёсида ёш миллий адабиётнинг шаклланиш жараёни бир томондан кучли барқарор ўрта асрлар маданияти анъаналарининг мавжудлиги, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий эволюция суратининг ўсиши ва дунё маданияти билан алоқаларни доимий равишда кенгайтириб бориш каби омилларга ўз таъсирини кўрсатди. Улардан бири бошқасига устун келди ва араб мамлакатларидаги ёш миллий адабиётчилар ушбу омилларнинг турли хил элементларини ўзлаштиридилар. Араб адабиёти йилдан-йилга вақт ва инсон ҳаётининг чуқур оқимларига тобора кўпроқ кириб келмоқда. Ундаги тарихий ўзаро тўқнашув кўп қиррали бўлиб боради, инсон тақдирни мураккаблашади, хулқ-авторнинг ижтимоий ва психологоик манбалари янада мустаҳкамланмоқда. Бу нарса адабиётшуносларни адабий жараённи ҳозирги ижтимоий-фалсафий ва эстетик тафаккуримиз даражасида тавсифлаш учун доимо янги параметрларни киритишга мажбур қиласди.

Сурия адабиётида роман жанрининг янги эпос жанри сифатида юзага келиши, юқорида ёзилганидек, XX аср бошларига тегишли. XX аср Сурия адабиётининг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўладики, унда ижтимоий кучларнинг қайта гурухлаштирилиши ва мавжуд феодал-мустамлака тизимиға танқидий муносабатнинг кучайиши маърифатпарварлик реализми ўзининг "паст", ҳаётнинг реал жиҳати ва ўткир ижтимоий муаммолари билан юзага келди.

Аммо шу муносабат билан бадий насрнинг жадал ривожланаётганига қарамай, маърифатпарварлик реализми адабиётида журнallарда чоп этилган публицистик наср, мактублар, саёҳатлардан парчалар, ҳар турли кундалик тасвирлар катта аҳамият касб эта бошлади¹.

Роман жанри эпик насрнинг етакчи жанрига айлана бошлади. Бу борада суриялик маърифатпарварлардан ташқи мухитни ўта механик ва эмпирик (амалий) тарзда идрок этиб ижод қилган Адип Исҳоқ, Абдураҳмон аль-Кавокибий, Нажиб аль-Хаддод, Фарах Антуан каби адабларнинг яна бир хусусиятини алоҳида таъкидлаш керак ва бу уларнинг дунёқарашларининг бир томонлилиги билан изоҳланади.

Амалий жиҳатдан ҳодисалар ҳақиқатни эмас, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий моҳиятини аниқлай олганлар. Воқелик Ҳақиқат кўпинча "тизим" сифатида эмас, балки фактлар занжири сифатида намоён бўлган. Ва, табиийки, аниқ фактларни тасвирлашга мурожаат қилган ҳолда, улар бадий образларнинг яхлит тизимида ўз воситалари билан вазиятлар ва белгилар ўзаро таъсирининг табиий натижаси сифатида маълум бир ижтимоий можарони очиб бера олмадилар, ўз фикрларини сюжетга асосланган ҳолда ифодалай олмадилар, кузатилган ҳодисаларни шунчаки тиклаш, уларни тўғридан-тўғри сатирик жиҳатдан тавсифланиши билан чекланганлар.

Адабиётдаги эволюция, хусусан XX аср араб адабиётидаги эволюцияни тўла ишонч билан эволюция асли деб ҳисоблаш мумкин² - бу, биринчи навбатда, эстетик идрок

¹ Бу тўғрида араб мамлакатларидаги адабий жараёнларни ўрганган рус тадқиқотчиси А.А.Долинина ёзган. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия). М., Наука, 1973,- С.272.

² Бу ҳақда қаранг: В.Н.Кирпиченко. о путях развития реализма в современной египетской прозе. // Народы Азии и Африки. 1976, №5. - с. 86.

ва воқеликни тафаккур қилиш тамойилларини янгилаш, типиклаштириш усулларини ва умуман адабиётнинг структурасини, миллий анъанани ўзгартиришдир. Адабиёт ҳавосиз маконда, бошқа адабиётлар билан, у ерда бўлаётган жараёнлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлмайди. Бизнинг назаримизда, адабиётнинг тузилишидан келиб чиқадиган ички ва ташқи (ижтимоий тараққиёт, фалсафий тизимлар, мафқуравий таълимотлар ва бошқалар) ўзгаришларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш муҳимдир.

Тирик адабий жараён бирон бир меъёрий эстетика талабларига жавоб бермайди. Бунда ҳамма нарса олдиндан тузилган режага мувофиқ жойлаштирилади. Шунинг учун адабиёт тараққиётининг дихотомик концепциясидан (реализм-антиреализм) қатъян воз кечиш керак. Бунга кўра ўтмишдаги барча муҳим ҳодисалар реалистик деб эълон қилинди. Шу билан бирга, XX аср адабий жараёни ичидаги кўплаб ҳодисаларига нисбатан қатъий меъёрий талаблар қўйилди ва уларнинг аксарияти антиреализмнинг кўриниши сифатида кўриб чиқилди¹.

Биз адабий жараёнга таъсир кўрсатувчи икки омил ҳақида сўз юритдик. Агар замонавий араб адабиётига ўз манфаатимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, миллатлараро адабий мулоқотнинг шакл ва усуллари, унинг бир лаҳзали намоён бўлиши ва узоқ давом этадиган оқибатлари кўзга ташланмаслиги мумкин эмас. Бу ерда кўр-кўрона тақлид, қатъий танлов, оддий маълумот алмасиш (ҳар доим зарур ва фойдали) ва чуқур сингиб борувчи таъсир, ижодий тажрибанинг асл талқини ва адабий ҳодисаларга муносиб жавоб, дунё санъатида эришилган ютуқларини чинакам ўзлаштириш ва ўз эстетик

принциплари, анъаналар ҳимоя қилинганлигини кўриш мумкин. Миллатлараро мулоқот жараёнида ғоявий ва эстетик бойиш муаммоларига мурожаат қилган ҳолда биз илк бошдан адабиёт деб аталган нарсани бадиий тасвирнинг бутун бошли тизими ёрқин илгари суриласдиган ҳамда янги адабий шакл ва жанрлар ишлаб чиқиласдиган, янги ижодий методлар ривожлантириласдиган бошқа мулоқот турларидан алоҳида ажратиб олишимиз лозим.

Араб мамлакатларида ёш миллий адабиётларнинг шаклланиш жараёни

Тадқиқотчилар одатда араб мамлакатларида ёш миллий адабиётнинг шаклланиш жараёнини адабиётшунослиқда илмий муомалага "ан-Наҳда" уйғониш даври сифатида мустаҳкам кириб ўrnashgan маданий ҳаётни жонлантириш даври билан боғлайдилар¹. Айнан шу даврда адабиётга янги эстетик қарашлар ҳамда янги адабий йўналишлар шаклланди. Ан-Наҳдани маърифатпарварлик даври, Европа маърифатпарварлигига ўхшамаган, ўзига хос, аммо тарихий маънога тўла бўлган давр сифатида тавсифлашга имкон берадиган бир қатор характерли хусусият ва аломатлар мавжуд². Суриядаги биринчи маърифатпарварлардан бири Франсис Марраш (1836-1873) эди; Суриядаги маърифатпарварлик йўналишида иш олиб борган тадқиқотчилар учун муҳим материал унинг "Тарози палласи" китобидан ўрин олган. Китобда мажозий шаклда, суря фольклори руҳида маърифатпарварлик ғояларини баён қиласди. Иван Крилов масалларининг араб тилига ўғирган биринчи таржимон, арабларнинг маданий ўтмишини қайта тикланиши ғояларини тарғиб қиласди.

¹ Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия), м.: Наука, 1968.

² Левин З.И. Развитие арабской общественной мысли. 1917-1945; м.: Наука, 1979.

¹ Кирличенко В.Н. Современная египетская проза. 60-70-е годы, м.. Наука, 1986. - с. 295.

газета ношири, публицист Ризқалла Хассун (1825-1880) таниқли арбоб эди.

Ижтимоий фикрни ривожлантириш учун публицист ва маърифатпарвар Абдураҳмон ал-Кавокибий (1849-1903) жуда кўп иш қилди. Адабий анъана изларини аниқ акс эттирган “Истибоддинг табиати ва қулликка қарши кураш” китобида у Султон Абдулҳамид¹ режимини ғазаб билан фош қилди. Суриядаги Араб маърифатпарварлигининг арбоблари тўғрисида батафсил маълумотлар биз кўрсатган россиялик шарқшунос А.А.Долининанинг тадқиқотидан топиш мумкин.

XIX асрга қадар Сурия кейинги давр араб классикларининг анъаналарини сақлаб қолди: шеъриятдаги атайлаб мураккаблаштирилган услуб, шеърий қўшиқлар илова қилинган қофияланган наср, Ўрта аср қўлёзмалари остида стилизацияси ва б. 1920 йил – француз мандати ўрнатилган йил Ғарбий Европа маданиятининг кириб бориши ҳолати кучайди².

Дамашқдаги Фанлар академиясининг ядросини ташкил этувчи, анъанавий араб адабиёти шаклларига амал қилишга чақирувчи, Ўрта асрлар адабий ёдгорликларини ўрганган сурялик филолог-олимлар Муҳаммад Курд Али, Халил Марданбей (1895-1959), Бадриддин ал-Хамид, Салим ал-Жундий ва бошқа гурухларнинг фаолиятлари онги реакция сифатида намоён бўлди.

1920-йилларда Сурияда анъанавий адабиёт ҳимоячилари билан бир қаторда ёзувчиларнинг янги авлоди пайдо бўлди, уларнинг кўпчилиги Европа мамлакатларида, аксарият ҳолларда Францияда таҳсил олишди. Ғарбий Европа адабиётини тарғиб қиласр экан, улар ўзлари билан

¹ Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия), М., Наука, 1968.

² Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX - начало XX века. М., Наука, 1971. -с. 293-300.

янги ғоялар ва жанрларни олиб келишган. Бироқ, уларнинг таъсири кейинги ўн йилликда сезила бошлади. XX асрнинг 20-йиллари сурялик ёзувчиларнинг услубларидан, уларнинг насрларининг публицистикасига оидлигидан воз кечиб¹, 30-йиллар янги авлод ёзувчилар қисқа ҳикоя жанрини такомиллаштириди, бадий адабиётни ривожлантириш учун кўп иш қилди. Ушбу авлод ёзувчилари орасида биринчи ислом даври ҳақидағи бир қатор тарихий романлар муаллифи, Сейид ал-Қурайш (1929-1931) ва Умар ибн ал-Хаттоб (1936) деган илк ислом даври ҳақидағи тарихий романлар цикли муаллифи, Маъруф Аҳмад ал-Арнаутни (1892-1948) алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ал-Арнаут нафақат ёзувчи, балки йирик адабиёт назариётчиси ҳам эди. Унинг тил, услуг ва бадий образлар тўғрисидаги мақолалари Шакиб ал-Жобирий (1818 йилда туғилган), Фуад аш-Шайб, Муҳаммад ан-Нажар ва бошқалар каби ёзувчиларнинг шаклланишига катта ёрдам берган.

1925-1927 йиллардаги миллий қўзғолоннинг бостирилиши зиёлилар муҳитида умидсизликларга сабаб бўлган, кўплаб ёзувчиларнинг асарларида из қолдирган². Ўттизинчи йилларда, миллий озодлик кураши кескинлашувган даврда адабиёт яна жанговар куролга айланди. Шеърлари халқни иш ташлаш ва намойишларга чорлаган шоирларнинг пайдо бўлди. Хайруддин аз-Зирекли, Муҳаммад ал-Бузий (1887-1955), Умар Абу Риша каби шоирлар француз мустамлакачилигини тўғридан-тўғри фош қилганлар. Лирика юқори бадийлик чўққисига чиқди. 1930 йилларнинг

¹ Насрнинг публицистик хусусиятлари ҳақида қаранг: Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия), М., Наука, 1968.

² Миллий озодлик курашининг батафсил тадқиқ этилиши билан В.Б.Луцкийнинг «Национально-освободительная война в Сирии». -М., 1964 номли монографиясини ўқиб танишиш мумкин.

ўрталарига келиб, "Ат-Талиа" журнали атрофида бирлаштирилган янги йўналишда ижод қилган ёзувчиларнинг овозлари (Авангард, 1937 йил) Суриядга янада юксала бошлади. Журнал атрофида бирлашган ёзувчилар, жаҳон адабиётига оид кўплаб асарларни, шу қаторда таникли намояндаларнинг асарларини арабчага таржима қилдилар.

Ана шу авлод ёзувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли новелла (ҳикоя) жанри шаклланди. Психологияга, оддий одамнинг ички дунёсига эътиборни қаратган ҳикоя пайдо бўлди, сюжет тузилиши, композиция усуллари, пейзаж, ташқи портретни ўзлаштириш давом этмоқда, бир сўз билан айтганда, адабиёт буларсиз роман каби мураккаб шаклларга ўта олмайди.

Замонавий роман шаклланишининг ilk босқичида (Суриядга бу босқич фақат XX асрнинг 20-йилларида тўғри келади), жанрнинг шаклланишига кўмак берган адабий манбалар, келиб чиқиши жиҳатдан ранг-баранг ва эстетик материаллар аниқ-равshan намоён бўлади. Суриядга роман жанрининг шаклланиши замонавий адабиётнинг пайдо бўлиши ва умуман замонавий санъатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда кечади. Буларнинг барчаси, маълум маънода, узоқ давом этган жараён - Суриянинг кенг дунё маданий алоқалари тизимига қўшилиши жараёнининг бир қисми эди. М.Бахтиннинг "жанр - бу санъатнинг хотираси" формуласи, авваламбор, жанр муаммоларига аниқ тарихий ва типологик ёндашибга йўналтирилган. У адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бирини аниқлашга имкон берадиган энг муҳим нарсани ўз ичига олади - жанрлар узлуксиз ривожланиш ҳолатида бўлади, улар ҳаёт ўзгариши билан туғилиб, йўқ бўлиб кетади, бинобарин, бадий асар мазмуни ҳам. Суриядаги адабий жараён бизга буни кўришга кўмак беради¹.

¹Веселовский А. Историческая поэтика. -М., 1990.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. -М., 1973.

XX асрнинг 30-йилларида йирик араб адиларининг деярли барчаси анъанавий равишда пайғамбар Мұҳаммад (С.А.В.) ҳаётлари тасвири - Сира матнлари - Таҳа Хусайн (1889-1956), Тавфиқ ал-Ҳаким (род. 1848) ва суриялик Маъруф ал-Арнаут (1892-1948), уч жилдли тарихий роман - «Сайд ал-Қурайш» (1929), икки жилдли роман - "Умар ибн ал-Хаттаб" ва "Фотима она" романларига мурожаат қилдилар. Аслида бу адиларнинг барчалари қадимги матнларни янги замон таълимотлари даражасида муаллиф сифатида қайта ишлаган ҳолда Сира ва ҳадисларни талқин қилишга уриндилар. Бундай тарихий романларни яратишга адиларнинг ўз мамлакатининг қаҳрамонона ўтмишини кўрсатиб бериш, қадимги даврлар араб жамиятининг манзарасини қайта яратиш саъй-ҳаракатлари рағбат бўлди. Тарихий роман жанрида асар яратган ёзувчилар озодлик учун кураш идеаллари ўз аксини топган халқ тарихи даврларига мурожаат қиласидилар

Ҳар бир адабий давр ўзига хос жанр тизимини түғдиради. Жанрларнинг умумий манзарасида йирик санъаткорларнинг ижодий ютуқларида мустаҳкамланган даврнинг бадий қиёфаси ҳам намоён бўлади.

Табиийки, маданий юксалиш ва Суриядаги маърифатпарварлик ва мустамлакага қарши ҳаракатларнинг ривожланиши шароитида очик-ойдин саргузашти роман китобхонларнинг талабларини қондира олмаётган эди. Янги даврда тарихий роман жанрнинг шаклланиши жараёнда ҳал қилувчи рол ўйнашни давом эттириб, аввало маърифатпарварлик ва ватанпарварлик вазифаларидан келиб чиқсан тарихийликнинг юкори даражаси билан тўлдирилган.

Ўз халқининг ва улуғвор ўғилларининг тарихини бадий асарларда тирилтирад экан, ёзувчилар чет эл маънавий ҳукмронлигига қарши туришга, замондошларнинг ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга ва кэс-кинлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Шундай қилиб, сюжет,

тарихий воқеалар Арнаутнинг олдинги планига чиқди. У ўз романларининг бадий шаклига унчалик аҳамият бермади. М.Арнаут жамиятнинг аристократик қатламлари ҳаётини тасвирлаган ва камдан-кам ҳолларда оддий одамлар ҳаётига мурожаат қилган. М.Арнаут романларининг айрим камчиликларига қарамай, улар ушбу жанрда ёзилган илк адабий тажрибалар ҳисобланган. А.А.Долинина таъкидлаганидек, насиҳатомуз элементлар маърифатпарварлик мавзусидаги асарларга хос муҳим роль ўйнайди¹.

Сурия адабиётида романнависликнинг ривожланишида Шакиб ал-Жобирий муҳим роль ўйнайди. У ўзининг адабий фаолиятини XX аср 30-йилларда, Сурия Европа маданияти билан кўпроқ танишишни бошлаганида бошлаган. Шакиб ал-Жобирий ижодининг бошларида француз ва немис адабиётининг таъсири сезилади.

Шакиб ал-Жобирий ўз адабий фаолиятини “Очкўзлик” романидан бошлаган (1937). У ўзининг “Тақдир ҳазил эмас” деб номоланган иккинчи романини Иккинчи Жаҳон уруши арафасида, яъни 1939 йилда нашр этди. Адибнинг навбатдаги асари 1946 йилда ёзилган, “Камалак” романи эса 1961 йилда нашр этилади.

Агар М.Арнаут тарихни ўз романлари учун мавзу сифатида олган бўлса, Шакиб ал-Жобирий эътиборини ўз замондошларининг феъл-атворларига қаратади, уларнинг ички дунёсига кириб боришга, ўз қаҳрамонларининг ўзига хослигини очиб беришга интилади. Шуни таъкидлаш керакки, бу давр немис романтизмининг таъсири адабиётда сезилди.

“Романлар Фарбий Европа адабиётлари ва миллий анъаналарининг охиригача ўзлаштирилмаган ўзаро боғлиқлик изларини акс эттиради. Бу фикрларнинг мавхум-

лигига ҳам, бадий гавдалантиришда ҳам ўз тасдиғини топади. Жанр шаклининг мўртлиги, жанрнинг хомлиги, хилма-хил адабий анъаналарининг кучли таъсирини ҳали ўзлаштирганлиги жуда аниқдир»¹. Гиунашвилиниң форс романи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлари Сурия насридаги жараён билан мутаносибdir.

Бадий ва ғоявий маънода маълум муайян ривожланиш ал-Жобирийнинг “Тақдир ҳазиллашмайди” ва “Камалак” двулогиясида сезилади. Гарчи ушбу икки романнинг асосий воқеалари Европада рўй берган бўлса ҳам, ёзувчи арабларга руҳан бегона бўлган “Очкўзлик” романида етарли бўлмаган қаҳрамонлар ва воқеаларга миллий бўёқ беришга интилган. Шунинг учун, ҳам баъзи араб адабиёт-шуносларининг фикрича, “Очкўзлик” асари унинг Эльза дастлаб ёқтириб қолган “эркин” (ноқонуний) ҳаёти ҳақида. Сўнгра унинг ва унинг дўстларининг жазманига айланиб қолди ва ҳомиладор бўлди, ва ниҳоят, у Эльзани тақдирнинг ихтиёрига ташлаб қўйди.

Романнинг иккинчи қисми уларнинг ўғли Муҳаммад Алига бағишлиланган. Эльза ўғли билан бирга Австридаги бир қишлоққа кўчиб ўтади. Муҳаммад Али тиришқоқ бола бўлиб вояга этади, ўз устида кўп шуғулланади, Исломни ўрганади. Онаси эса ўз эри ва унинг араб дўстларини унута олмайди. Шундан кейин Эльза ўғли билан Берлинга кўчиб кетади. У ерда унинг ўғли очлиқдан, ёмон овқатланиш туфайли сил касалига чалинади ва вафот этади, Эльза эса Гамбургга қайтади. Эльза бу ерда болалиқдаги дўстини учратади. У раққосалик қиласи эди. У Эльзани ўзи билан бирга ишлашга кўндиради ва шу тарзда Эльза Байрутга келади, у ерда ўзининг собиқ севгилиси Алаа билан

¹ Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия). -М.. Наука, 1968.

¹ Гиунашвили Л.С. Проблемы становления и развития реализма в современной персидской прозе. Тбилиси, Мецниереба, 1985.

учрашиб қолади ва ўғлининг ўлими ҳақида унга сўзлаб беради. Кўриниб турганидек, асар Эльза ва Ала ўртасидаги романтик ва баъзан фожиали муносабатлар романнинг асосини ташкил этади. “Шарқ – Ғарб” мавзуси ҳар доим араб ёзувчилари ижодида муҳим ўрин тутган. Ал-Жобирий қаҳрамонлар орасидаги мураккаб муносабатларни тасвирлар экан, шарқ ва ғарб дунёсининг ҳеч қаҷон бир бўлмаслиги, улар орасида муроса бўлмаслигига эътибор қаратди. Инсонлар характеридаги тафовутлар, фикрлаш тарзи, турмуш тарзи орасидаги фарқлиликлар оиласидаги келишмовчилик, ихтилофларга сабаб бўлади.

Алаа ва Эльза образлари муаллиф томонидан илиқлиқ ва лиризм билан ёзилган, баъзан бу сентименталликка айланиб кетган. Араб ёзувчилари, шу жумладан, ал-Жобирий ўз ижодий услубларидаги романтик ва сентиментал хусусиятларни енгиб, реалистик роман сари йўл олдилар. Қаҳрамонларнинг ички дунёсига, уларнинг ҳис-туйғулари ва азоб-уқубатларига ҳаддан ташқари эътибор ал-Жобирийга севги, никоҳ ва аёлларнинг жамиятдаги мавқенини янада чуқурроқ акс эттиришига тўсқинлик қиласди. Ал-Жобирий романнинг мураккаб композицион шаклини ўзлаштирган ҳолда сюжетни моҳирона чизади. Роман воқеалари шундай изчил кетма-кетликда баён этиладики, ўқувчининг романга хос интригалар, тугун (конфликт)-ларга бўлган қизиқиши сусаймайди¹.

Араб адабиётшуноси Умар ал-Дакқоқнинг таъкидларинида: “Шоқиб ал-Жобирий ўз маҳорати билан адабиётда катта роль ўйнаган. У ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини очиб беришга қодир бўлган, уларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ кўрсатиш ва таҳлил қилишга

ҳаракат қиласди. Сурияда бу ёзувчининг романлари пайдо бўлиши билан янги бадиий роман дунёга келди”¹.

Сурия адабиётининг янада юксалиши урушдан кейинги даврда адабиётга кириб келган ёш авлод ёзувчиларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган 1935 йилда “Ат-Талиа” журналиниң пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Айнан ана шу жараён ҳақида И.Ю.Крачковский шундай деган эди: “Яқин келажақда янги араб адабиёти замонавий дунё адабиёти хазинасига улкан ҳисса бўлиб кўшилади”².

Шундай қилиб, Сурия адабиётида роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ўрганиш сирасида икки бир-биридан фарқли босқични ажратиш мумкин. Биринчи босқичда (20-йиллар ва 30-йилларнинг ўрталари) француз мандат режими шароитида миллий-озодлик ҳаракатининг кўтарилиши туфайли юзага келган, мамлакатдаги маданий кучларнинг бирлашиши рўй беради.

ХХ аср 40-йилларнинг ўрталарида Сурия жамиятининг янги, демократик онгини акс эттирувчи наср жанрлари жадал (интенсив) шаклланади, замонавий Сурия адабиёти тарихининг иккинчи босқичи бошланади.

Араб мамлакатларида таржима қилинган ва нашр этилган Ғарб реалистлари, рус ва совет ёзувчиларининг асарлари таъсири остида араб адабиётида реалистик йўналишни шакллантирган кўплаб ёзувчиларнинг шахсиятлари шаклланди.

А.А.Долинина «XIX-XX асрлар араб романтик насли» (1981) китобининг сўзбоши қисмida таъкидларинида: «Араб ёзувчилари Европа классикасини яхши билишган. Уларнинг кўпчилиги Мопассан, Чехов, Белинскийларни ўзларининг устозлари ҳисоблаганлар, реалистик тамойил-

¹ Қаранг: Ламидзе г.и. Проблемы творческого взаимодействия национальных литератур, м., 1961. - С.61.

¹ عمر دقاق، الأنواع الأدبية في سوريا، دمشق، 1971، ص. 21.

² Крачковский И.Ю.Избранные сочинения, Т3. МЛ., 1956. - с. 470.

лар эса янги араб адабиёти классикларининг ижодларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган”¹.

Сурия адабиётида ҳукумат ва ер эгаларининг ўзбошим-чаликларидан азият чекаётган меҳнаткаш халқнинг ма-шаққатли ҳаёт шароитлари билан боғлиқ ижтимоий тенг-сизлик, ишсизлик мавзулари юзага келади.

Бадиий асарларда ижтимоий мавзуларни акс эттириш натижаси ўлароқ шуни айтиш мумкинки, уларда жамиядаги ўзининг ўрнини яхши англовчи ва ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи фаол қаҳрамон пайдо бўлди. Бу XX аср 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг биринчи ярмида юз берди.

1950 йилларнинг ўрталарида, умуман араб адабиётида, хусусан, Сурия адабиётида “роман ҳукмронлиги” даври бошланади. “Бошқа жанрларнинг деярли барчаси озмикўпми даражада романлаштирилади. Романнинг адабиётда мавжудлиги туфайли қаттъий каноник жанрлардаги шартли тиллар жаранглай бошлади”².

Бу билан бошқа адабий жанрлар ҳам “романлаштирилди”ми деган савол туғилади? Ушбу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин – роман жанрининг таъсирида янада пластироқ, эркинроқ бўлиб борди, уларнинг тили диалектизмлар эвазига янгилана борди, кулги, истеҳзо, ва энг муҳими, ҳаёт билан алоқада бўлишга имкон берадиган баъзи бир семантик кемтиклик унинг ичига сингиб борди³.

Ханна Минанинг асарлари ҳақида ўз даврида жуда кўп ёзишган. Романнавис адиб, жамоат арбоби Ханна Минанинг исми Нагиб Махфуз, Юсуф Идрис, Ҳусайн Муррув ва

¹ Долинина А.А. Предисловие. Арабская романтическая проза XIX-XX веков, -М., 1981.-с. 5-22.

² Мухаммад Комил ал-Хатиб Абдураззоқ Аид. Мир Ханны Мина. -М., 1979. - с. 7.

³ Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. -М., 1973. - с. 449.

бошқаларнинг номлари билан бир қаторда араб дунёсида яхши маълум ва машҳурдир. Араб китобхони учун Сурия шаҳарлари – Латакия, Дамашқ, Ҳалаб аҳолиси билан танишиш кўп жиҳатдан Ханна Минанинг китоблари орқали юз беради, дейиш муболаға бўлмайди. Бундай ҳолат, шубҳасиз, ёзувчининг, танқиднинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Танқид кенг омма эътиборига ҳавола этилган муаллифнинг китобларида ҳақиқат нақадар чуқур ёритилганлигини аниқлашга интилади.

Х.Мина 1924 йилда Суриянинг Латакия деган кичик бандаргоҳ шаҳрида камбағал бир оиласда туғилган. Отасини эрта йўқотган Ханна катта оиласи боқишига мажбур бўлди. Чунки у оиласда ягона эркак эди. Унинг дастлаб хизматкор, кейинчалик, қаҳва сотувчи, сартарош, журналист ва таржимон бўлиб ишлашига тўғри келди. У журналистик фаолиятини “Ал-Инша” газетаси муҳаррири сифатида бошлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, албатта, Ханна Мина ҳақида танқидий адабиётларда ёзувчи ижоди диалектикаси ҳисобга олинган кўплаб объектив мулоҳазалар берилган. Аммо, айтиш лозимки, унинг нуқтаи назарлари ўзига хос: улар ўзининг ҳаддан ташқари кескинлиги билан ажralиб туради. Улар Ханна Мина фаолиятида мавжуд бўлган ҳақиқий қарама-қаршиликлардан юзага келган. Бундан ташқари, улар ушбу қарама-қаршиликларнинг табиати, бу санъаткорнинг дунёсини белгиловчи мураккаб муносабатларни соддалаштирадилар.

Ханна Минанинг ижоди, унинг кучли ва заиф томонларини ёзувчининг бадиий шахсиятининг табиати ва унинг белгиловчи (асосий) хусусиятларини аниқламасдан туриб англаб бўлмайди.

Ханна Минанинг ижтимоий романлари характери ушбу адиб ҳақида баҳслар марказида туради. Бундай баҳс-мунозаралар сирасида у кескин иш тутишга мажбур бўлади.

Адібнинг ижодий оламини тадқиқ этган ва сўзсиз қабул қилган танқидчилар Ханна Минанинг ўта ростгўй, жасур эканлигини таъкидлайдилар¹. Ханна Мина Иккинчи жаҳон уруши даврида Суриядаги икки томонли аҳволни тасвирлашдан бош тортмайди, – улар орасида А.Гитлерга хайриҳоҳ бўлганлари, инсоний ахлоқсизлиги ҳам мавжуд, – ва уни танқид қилиш – бу адібнинг жасоратига суиқасд демакдир. Ханна Мина, адіб қилаётган нарсаларга ўта қаттиқ муносабатда бўлган танқидчиларнинг айтишича, ижтимоий аниқликдан онгли равишда қочади. У салбий ҳодисаларни кўришга анча мойил эди, у ҳаётнинг илфор тенденцияларидан юз ўгиради ва ҳақиқатни кўра-била туриб ғализлаштиради”².

Табиийки, Ханна Мина ижоди ҳақидаги кенг танқидий адабиётларда ёзувчининг ижоди диалектикасини ҳисобга оловучи жуда кўп объектив фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бироқ яна шуни таъкидлаш жоизки, кескин нуқтаи назарлар ўзига хос: улар, Ханна Мина ижодида мавжуд реал зиддиятлар сабабли юзага келган. Яна бир хусус, улар бундай зиддиятларнинг хусусиятларини, адібнинг дунёсини белгиловчи мураккаб муносабатларни соддалаштиради. Ханна Минанинг ижоди, унинг кучли ва заиф жиҳатларини адібнинг бадиий шахсиятининг табиати, шахсиятни асосий белгиловчи хусусиятларини аниқламай туриб уни тушуниш имконсиз.

Юқоридаги далилларга асосланиб, қуйидаги холосага келиш мумкин:

1. Сурияда замонавий адабиётнинг вужудга келиш жараёни роман жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунда XX асрда ижод қилган

баъзи ёзувчилар анъанавий араб романи ("сира") тажрибасини янги талқинда қўллашга уринишган (Маъруф ал-Арнаут) бўлсалар, бошқалари Европа романнавислиги анъаналарига (Шакиб ал-Жобирий) кўпроқ эргашганлар.

2. XX аср 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Сурия замонавий адабиёти, шу жумладан, дунё тажрибаси таъсирида реал тенденцияларнинг кучайиши билан тавсифланаидиган янги жанрнинг ривожланиш босқичи бошланади.

3. Бу даврда Сурия адабиётида ижтимоий мавзуларга нисбатан алоҳида қизиқиш кучаяди, бадиий асарларда жамиятдаги ўрнини тан оловучи ва ўз ҳуқуқлари учун курашувчи фаол қаҳрамон образи юзага келади. Бу нуқтаи назардан замонавий сурялийк ёзувчи Ханна Минанинг ижоди ўзига хос воқеа ҳисобланади.

¹ Мухаммед Камал аль-Хатиб, см. Вступление к книге «Художественный мир Ханны Мина». Бейрут. 1970.

² Абделрраззак «Художественный мир Ханны Мина», 1979. - с. 75.

II БОБ. ХАННА МИНА РОМАНЛАРИНИНГ БАДИЙ ТУЗИЛИШИ: МАВЗУ ВА ЖАНРНИНГ ЯНГИЛИГИ

2.1. Ханна Минанинг бадиий олами

Ханна Минанинг номи XX аср ўрталари араб адабиётіда ижод қылған машхұр адаблар сирасига киради. Бунинг ташқы аломатлари қуидагилардир: адеб қаламига мансуб ҳар бир янги асар – бестселлер ҳисобланади ва унинг жамоатчилик ёки публицистика соҳасидаги ҳар бир чиқиши бутун араб дүнёсида әзтироф этилади ва севиб ўқылади, танқидчилар адебни араб дүнёсининг реалистик услуг позициясини әгаллаган энг йирик ёзувчилардан бири деб атайдилар¹. Аммо бу оммавий шұхрат, жамоат арбобига хос шон-шараф, таниқли шахснинг бошқа фазилатлари ҳам бор: адебнинг нафақат ўз шеърий, сўз қўллаш маҳорати, қобилиятида, балки кескин ҳиссиёти, сезгирилиги, замон руҳига, унинг аниқ-равшан кўриниб турган ва ҳатто яширин жиҳатларини илғай олиш ва ифода этишдаги ўзига хос бадиий истеъдодида ҳам намоён бўлади. Шу маънода, Ханна Миннинг ёзувчилик тақдири унинг замондошлари саналган араб ёзувчилари – Юсуф Идрис, Абдураҳмон ал-Шарқавий, Саид Ҳаврония, Маҳмуд Амин ал-Алим ва Ҳусайн Муррува сингари адебларнинг маънавий биографияларини ўзида чуқур мужассам этган. Унинг энг машхұр романы “Елкан ва бўрон”²нинг нашр этилгандан кейин қарийб ярим аср ўтди ва уни адебнинг энг кўзга кўринган асари дейиш мумкин. Ушбу ярим аср ичida Сурия адабиёти тарихи, Сурияning маънавий тарихи

¹ Мухаммад Камил аль-Хатиб, Алам Ханна Мина ар-Риван. Дар ал-Адаб, Бейрут, 1979. -С.37 (Гарчи Сурия адабиётини тадқиқ этган рус тадқиқотчиси К. Чугуновга кўра Ханна Мина шунчаки реалистик анъянани қабул қилибгина қолмаган, балки уни янада ривожлантирган).

² “Парус и буря”, Радуга . 1985. Пер. л.Медведко, в. Шагаль.

Ханна Минасиз шунчаки кемтиқ бўлиб қолмас, балки у яшаган давр адабиёти тарихининг бутун мураккабликларини унингсиз тушуниб, англаб бўлмас эди¹.

Фашизм ва Иккинчи Жаҳон уруши келтирган фожиа, мустамлакачилик ва буларнинг мамлакат, ҳалқ тақдиридаги оқибатларини англаш – адабиётнинг асосий вазифаси бўлиб, Ханна Мина илк бошдан бу йўлни тутди. Аммо у ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий масалаларга мурожаат қилиб, шу билан бирга бу муаммолар билан боғлиқ мажбуриятларни тан олишни кескин равишда истамади.

Ўз-ўзидан “сиёсатдан юқори”, “мафкура тепасига” кўтарилишга уриниш, албатта, янгилик эмас; Ханна Мина ҳодисасининг ўзига хослиги шундаки, бу ерда ушбу принцип долзарбликдан маҳрум “эстет” деб әзълон қилинмаган, аксинча, ёзувчи, ўз ижодида сиёсатга содиқлигини ошкора әзтироф этган ва бу унинг таржимаи ҳолини биладиганларни ажаблантиrmайди.

Унинг номи 1945 йилда матбуот саҳифаларида пайдо бўлди. У “Бола сотилади” ҳикоясини нашр эттириди, 1954 йилда эса “Мовий чироқлар” қиссаси нашр этилди. Ханна Минанинг ушбу илк қадамлари матбуотдан кўра қўпроқ маълумот учун қабул қилинган. Аммо “Елкан ва Бўрон” романнинг муваффақияти Сурия адабиётида мисли кўрилмаган эди. Роман ўқувчиларнинг ҳаяжони (эмоциялари)га ва матбуотнинг шафқатсиз реакцияси (шов-шув)га сабаб бўлди. Суриялик ёзувчилардан биронтасининг Ханна Минанинг замондошларидан бирининг араб танқидий адабиётида бу қадар дикқатни ўзига тортганлиги маълум эмас (бу тўғрида қуйида ўқийсиз). Танқид ҳам жуда турлича эди: муаллифнинг бадиий ҳикоячилик истеъодига қойил қолишдан тортиб, унинг “цинизми”, “натура-

¹ Мухаммад Камил аль-Хатиб, “Алам Ханна Мина ар-Риван”. Дар ал-Адаб, Бейрут, 1979. -С.22-25

лизм"ига қадар у "Исломни булғовчи" деб атаганлар. Бу орада ёзувчининг китоблари бутун араб дунёсида ўқилди ва кўплаб тилларга таржима қилинди.

Энди, шунча йиллардан сўнг, ўша йиллардаги араб адабиёти учун одатий бўлмаган моддий ҳаётнинг тўлиқлиги, материализмнинг аниқ образлар ва вазиятларга уйғулиги ҳар доим иккинчи ва, эҳтимол, ёзувчи ижодининг асосий мазмунини ташкил этган бўлиши мумкин. Суриялик адабий танқидчи Абдураззоқ Аид айнан шу ҳақида Ханна Минанинг қаҳрамонларини "рамзий қаҳрамонлар" деб ёзган эди.

Ханна Минанинг бадиий олами ва умуман араб адабиёти тараққиётининг ушбу босқичи учун содда, симптоматиклигини англаш учун буни ҳар доим ёдда тутиш керак¹.

Кирқинчи йилларнинг охири – эллигинчи йилларнинг бошлари - Ханна Мина адабиётга кириб келган давр бўлиб, араб зиёлиларидан катта қисмининг онгидаги кескин юксалиш чоғи эди². Илғор араб адабиёти аср бошидан бўён олиб борган "ўтмиш билан ҳисоблашиш" ҳаракати сезиларли натижаларга олиб келмади, анъаналарга ва ўтмиш ҳали жамиятни оғирлаштириб турарди. Буларнинг барчаси ёзувчilar онгидаги "енгилмас ўтмиш"ни муҳрлаган эди. Бир вақтлар Уинстон Черчилл таъкидлаганидек, Сурия ҳокимиётни ташқаридан қабул қилмайди, лекин ўзи ҳам ичкарида туриб уни бошқаришга қодир эмас. Бундай ҳолатлар эса умидсизликдан бошқа нарсани келтириб чиқариши мумкин эмасди. Адабиёт майдонига шундай қаҳрамонлар чиқади, улар ёрдамида ёзувчilar француз андозасидаги фалсафа ва "абсурд адабиёт" бадиий услубига мурожаат қиласидилар.

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: عبد الخطيب، محمد كامل. الرزاق عبد "علم حنا مينة الواني". ص. 32-34، 60-61.

² Н.Махфуз, Хусайн Мурувва сингари ёзувчilar пайдо бўлади.

Юз берган ҳодисаларда, қайсиdir маънода, эски, жуда ўзига хос тафаккур акс этади. Булар араб ёзувчilarининг барчасига хос хусусият бўлиб, адабиётнинг тарбиявий ролини бўрттириб кўрсатиш демакдир. Буни таниқли рус шарқшуноси В.Н.Кирличенко ўзининг "Замонавий Миср насли" монографиясида (-M,1986) сал бошқача тарзда изоҳлайди. Ёзувчининг араб дунёсида маънавиятчилик ва ахлоқ тузатувчилик позициясини эгаллашга уринишини бугун биз ўзини оқлай олмаган даъво, содда "идеализм" сифатида қабул қиласиз¹.

"Сурия идеализми" – энг оддий ва ўта фалсафий маънода идеализм – Ханна Минанинг асосий душманларидан бири бўлиб, уни ёзувчи барча даражаларда, барча кўринишларда, бутун имкониятларини ишга соглан ҳолда тинимсиз таъқиб қиласиди. Баъзи танқидчilarга кўра, денгиз бандаргоҳлардаги фоҳишаҳоналар, қамоқҳоналардаги вазиятларни эслашнинг ўзи кифоя. Ханна Мина лексикасининг намойишкор наслий хусусияти кейинчалик муваффақиятсиз патетикага айланадиган ҳар қандай ахлоқийлашувни йўққа чиқаради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ханна Минанинг ёзиш услубининг эмоционал ва психологик манбаи жуда муҳим. Гап шундаки, Ханна Минанинг сатирик ёзувчи эканлигини нимагадир араб танқидчilari сезишмаган. Ҳар қандай сатирик ёзувчи каби Ханна Мина ўз асарларида, бадиий оламида ижобий образлардан ўзини олиб қочади ва камдан-кам ҳолларда тўғридан-тўғри, бевосита, шубҳага ўрин қолдирмайдиган нуқталарга ургу беради. Бунда адаб китобхон онгидаги айрим ахлоқий ғояларга суюнади. Масалан, Германиядаги

¹ Ю.Идриснинг "Гуноҳ" (1958 й.), Н.Махфузнинг "Байн ал-Касрейн" (1956) номли трилогияси, Аш-Шарқовий "Ер" романи ҳам шу тарзда қабул қилиниши мумкин.

фашизм – ёвузлик, қотиллик, хиёнат, Ватанни сотиш ҳам худди шундай ёвузлик ва ҳ.к.

Мавзу жиҳатдан, Х.Минанинг “Елкан ва бўрон” романи табиий равишда араб адабиётининг олдинги анъаналарини ушлаб олиб, уни давом эттироқда. Шунга қарамай, ёзувчи воқеликни англашнинг мутлақо бошқа бадиий тамойилини намойиш этади.

Ханна Минанинг романлари материалнинг янгилиги билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, унинг денгиз ва денгизчиларга бағишлиланган асарлари бадиий тузилиши консерватизмга асосланган – булар Ханна Мина насрининг ўзига хос хусусиятидир. У нафақат адабий қаҳрамон концепциясида, балки қандайдир бир миллий характерни яратишга уринишда намоён бўлди. Умуман олганда, Ханна Мина қаҳрамонлари ҳақида тадқиқотнинг бошқа бобида сўз юритилади. Ханна Мина насридаги ҳикоянинг ташкил этилишида бундай хусусият намоён бўлди. Ўйлашимизча, Ханна Мина янги йўлларни очишдан кўра, анъанага ҳурмат билан қараш, китобхонларнинг умидларига жавоб берган. Ханна Мина ҳикоя услугбининг ўзига хос хусусияти ўқувчи кўз ўнгидаги образлар, фикрлар, ҳис-туйғуларнинг аниқ идрок призмасида намоён бўлишидан иборатdir. Бундай усул “персонаж нуқтаи назаридан ташкил этилган ҳикоя”, “қоришиқ ҳикоя” деб номланади. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “XIX-XX асрлар адабиёти йўли – бу муаллифнинг субективлигидан персонажнинг субъективлиги сари кетган йўлдир”¹.

Рус адабиётида бу усул А.П.Чеховнинг кўпинча араб тилига кўп таржима қилинган, персонажларнинг “оҳанг” ва “руҳ”даги ҳикояларида юзага келган. Агар Х.Минанинг денгиз романларининг бирон бир саҳифаси очилса,

қаҳрамонларнинг фикрлари ва сўзлари ниҳоятда кўп иқтибос келтирилганини кўриш мумкин.

في رأسي أفكار لا أعرف كيف أشرحها. أنا عنيد، كافر و مؤمن، أربح و أنفق، أشرب و أحب و أخذ حظي من الحياة، أخالف الدين طمعا في المغفرة، ولكنني لا أشرب من بنر و أرمي فيها حجرا، ولم أقض ليلة مع امرأة إلا شكرتها تمنيت لو أن معى زهرة أتركها لها على الطاولة.

– Миямда тушунтира олмаётган фикрлар бор. Мен событ инсонман, ва Худога ишонаманми ёки йўқми, билмайман. Ичаман, юраман, ҳаётдан завқланаман, гуноҳлар қила-ман, лекин шу билан бирга барча гуноҳларим кечирилишини хоҳлайман. Мен ҳеч қачон одамлар сув ичадиган қудуққа тупурмайман. Денгиз ҳақида эса гапиришни ҳам истамайман – у бизни тўйдиради, боқади. Кечани бирга ўтказгандан кейин мен бир даста гул ташлаб кетмаган биронта ҳам аёл йўқ эди¹.

اسكتهم الرحمن.
لا تقولوا هذا. البحارة جسم واحد و روح واحد و لا عبرة لما يجري بیننا على
البر، نحن عائلة واحدة مهما اختلافنا.

– Бу ҳақда нима дейиш мумкин? – дея гапни бўлди ар-Рахмоний. – “Кема – бу ягона тан, ягона руҳ. Куруқликда ҳам, денгизда ҳам ҳар нарса бўлиши мумкин. Биз қанчалик бир-бирилиздан фарқ қилмайлик, биз бир оиласиз².

Қаҳрамонларнинг беҳисоб иқтибослари ва сўзлари, ҳақиқатдан ҳам усулдан онгли равишида фойдаланилганлигини кўрсатади, аммо ҳикоя сунъийлайштиради. Бундай стилистик услугбининг манбаларини, эҳтимол, ўрта асрлар араб насли анъаналаридан, хусусан, Ўрта асрлар машҳур саргузашт роман (“сирлар”)дан излаш керак.

Ўз-ўзидан, рус ёзувчиси қаламига мансуб асарларнинг араб тилига кўп таржима қилинганлиги унинг асар ёзиш услуби Х.Минанинг романлари билан таниш бўлган адабий

¹ Кожевникова Н.А., Типы повествования в русской литературе XIX-XX вв. м., 1994. - С.10.

الشرع والعاصفة، بيروت 1966، ص. 145.

الشرع والعاصفة، بيروت 1966، ص. 209.

анъаналарга яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун араб дунёсида энг кўп ўқилган ёзувчилардан бирининг бундай стилистик хусусиятлари унинг қаламининг заифлигини ёки унда адабий диднинг йўқлигини кўрсатмайди. Аниқроғи, бу ерда гап ўқувчида ва “ўрта асрлар ёзувчиси ўз асарини замонавий сўз устаси сифатида яратмайди, аксинча уни “ясади” деб ҳисоблаган Б.Л.Рифтин ёзган ўрта асрлар араб адабиётидадир. Шунинг учун ҳам араб ёзувчиси шахмат ўйини натижаси қандай бўлишини олдиндан билган ҳолда алоҳида юришлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмасдан, яна шахмат тахтасида ўйнаши лозим бўлган шахматчига ўхшайди¹. Араб ҳалқ романларида ҳикоянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Н.Иброҳимов шундай дейди: ўқувчи фикрларини муаллиф ҳикоясига киритиш орқали асар қаҳрамонининг нима ҳақда ва қандай ўйлаётганини билади².

Ёзувчи манераси (ёзиш услуби)даги бундай ўзига хос хусусиятлар адабий анъаналарнинг таъсири билан изоҳланади: тавсифга индивидуал жонли нутқнинг акс-садоларини киритишга уриниш билан бир қаторда кўп ишлатиладиган адабий штамплар, одатий китобий оборот (ибора)-лар кўп учрайди:

– لا يا مصطفى، لا تفعل يا ابني، ارحم شبابك، إذا فجعت أمك بأخيك فلا تجعلها
فيك، و إذا رفضت نصيحتي أخذت القيادة منه.

– Эсингни үиғ, Мустафо, ёшлигингни завол қилма! Онангни эсла! Агар у бир ўғли қолса-ю, иккинчи ўғлини ўйқотса, унда у икки фарзандининг доғига чидай олмайди. Агар менинг ўғитларимга қулоқ солмасанг, унда мен сендан воз кечаман³.

¹ Рифтин Б. Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока. м.¹ Наука, 1969. - с.81.

² Ибрагимов Н. Поздневековый арабский книжный эпос, т., 1994. - с. 158-159.

³ الشراع و العاصفة، بيروت 1966

المسافة بين العين و مرمى البصر ليست المسافة الوحيدة للرؤية، و ليست كذلك المسافة الأكثر طولاً أو بهجة.

Кўришнинг чекки нуқтаси, эҳтимол, фақатгина қўришнинг кескинлиги (кўзнинг ўтиклирлиги) билан белгиланмайди. Инсон ўз тасаввури билан уфқларини янада кенгайтириши ҳам мумкин¹.

و حين يلتقي القلب بتبدى له التهاویل صورا بحسبها على لوحه الفضاء.

Унинг қўзлари олдида ўтмиш манзараси эски фильм лавҳалари каби намоён бўлади².

إنه نصف حالة قمر على منبسط في سفر جبل.

Бутун соҳил ойнинг ўроғи остида узоқлардан қорайиб қўринаётган тоғлар этагида товланади³.

إن للصبر نهاية، و حين يفرغ صبر البحر فاحذر.

Ҳар қандай сабрнинг ҳам сўнгги бўлади. Бир кун келиб денгизнинг ҳам сабр косаси тўлиб-тошади⁴.

Она қайғуси ёки кўрфаз гўзаллигини янада аниқроқ ва ифодалироқ қўрсатиш мумкин эди, аммо бундай матн араб ўқувчисига яхши таниш ва китобхон уни осонгина тушунади.

Ханна Мина ўзининг биринчи “Елкан ва бўрон” романни орқали ўзини араб адабиёти учун янги материаллардан фойдаланган ҳолда ўзининг севимли бандаргоҳ одамлари, денгизчилар ҳаёти ва урф-одатларини тасвирилаган ўзувчи сифатида намоён қилди, унинг олдига реал воқелик белгилаб қўйган вазифаларни ҳал қилди.

“Елкан ва бўрон”да ҳикоя қилинган воқеа жуда таъсирили. Унда ўқувчи бандаргоҳнинг қандай яшаётганини тасаввур қила олади, унинг парда орқасини кўра олди, гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш, контрабандачиларнинг ноқонуний ҳаракатлари, арзимас нарса учун

¹ الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 11.

² الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 11.

³ الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 11.

⁴ الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 12.

инсонни майиб-мажруҳ қилиш, ҳатто ўлдиришга тайёр бўлган ёлланган йигитлар, ароқхўр, дарбадар кишилар ҳақида ёзди. Бандаргоҳда ҳаёт қайнайди, бу ердаги ҳаёт ўзига хос, у ўзгача – у на денгиз, на қуруқлик – мазлумлар руҳи жойлашган покиза макон...

Ёзувчига кўра Ат-Таруси – дунёнинг барча бурчаклари ни кезган собиқ денгизчи, денгиз бўриси (Роман бошдан охир унинг яна денгизга қайтиш истагига асосланган). У ўжарлик билан ўз ниятига эришишга уринади. Ҳалол, ростгўй, шон-шараф, виждон қонунларини биладиган одам. Қолган персонажлар эса кўпинча шунчаки, йўл-йўлакай қўрсатиб ўтилади, улар бир нечта эпизодларда тавсифлаб ўтилади, чала таассурот уйғотади. “Елкан ва бўрон” асарида ҳам “Денгизчининг тақдири” номли иккичи романнда бўлгани каби “экспериментал роман”га яқинлаштирадиган хусусиятлар мавжуд: воқеликнинг янги қирраларини ўзлаштириш, “омма” ва “муҳит”ни ўрганиш, ҳаётнинг паст томонларини акс эттириш. Унда бадиий жиҳатдан қайта ишланмаган (инқилобий кураш, бандаргоҳ ишчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, махфий ташкилотлар ва б.) хом материаллар (асосан араб адабиёти учун янги материаллар) устувордир.

Муаллиф ўз олдига ҳикоянинг юксак даражада шеърийлиги, денгиз тасвири, денгиз ҳаётининг романтик жиҳатдан кўтаринклигини таъминлаш вазифасини кўйган: “Ҳа, денгиз – бу буюк сир-синоат. Унда жуда кўп сирасор яширин, у (денгиз) сирларни ичига ютади, аммо ҳеч қачон ошкор қилмайди...”

Денгиз гўё ўйин-кулгиларга кўз юмади, ясама ўйинлар билан шуғулланадики, бу нафақат тасвири яратишида ташқи стилистик жиҳатдан ортиқча нарсаларга, балки унинг мазмунидаги катта ўқотишларга (масалан, бўрон тасвири) олиб келади. Бу ўзининг тарихий аниқлиги,

ижтимоий кескинлигини ўқотади, кўпинча у аслидан кўра қашшоқроқ кўринади.

Буларнинг барчаси, айниқса, айтиб ўтганимиздек, ҳикоянинг тузилиши даражасида намоён бўлади. Ханна Минанинг асарларида қаҳрамонларнинг ўзига хос сўз қўллаши ва тасвирланаётган муҳит ўз аксини топган кўшма ҳикоянинг ажойиб намуналарига дуч келинади.

Аммо бундай мисоллар бошқа принциплар асосига қурилган романнинг умумий матнига киритилган. “Елкан ва бўрон” ва “Дераза ташқарисида қор ёғмоқда” романларида зиёли ҳикоячи ўрта даражадаги ўқувчига мурожаат қиласи. Китобхоннинг диққат-эътиборига тасвирланаётган муҳитга бегона тилда баён этилган яхши таниш материал таклиф этилади.

و تراكمت الغيم السود الزاحفة من الغرب، فغطت البقعة المضينة، وامتدت طبقة اسفالية فوق الشغرة التي فتحتها اشعاعه القمر.

– Осмонни қора чакмон каби қоплаган зимистон тун булуутлар ортидан тонг саҳар ёриша бошлайди¹. فوقه كانت تتبسط سماء صافية، و نسمات تهب كأنها مدفوعة بمروحة، و أبنية شاهقة، ترتفع من الهضبة إلى البحر..

Унинг тенасида тоза, тиниқ, мовий осмон ястаниб ётар, майин шабада эса гўё вентилятор каби шамол бериб турарди. Денгиз бўйидаги баланд тоғ бағрида баланд уйлар қад кўтарган эди².

Айтайлик, туннинг бундай шеърий таърифи ва “қора чакмон” (хламида), “тонг саҳар” ҳикоячининг матнни бе-зашга уриниши деб қабул қилиниши мумкин. Аммо ҳикоячи худди шунга ўхшаш сўзларни шаҳарлик жинни, бозор ҳозири нозир кишилар ҳақида гапирганда ҳам қўллайди. Газета-журнал босма қолиплари фақат ҳикоячининг нутқини тўлдириб қолмайди.

¹ الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 266.

² الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 206.

قال الرئيس في نفسه: "ليس هذا بسؤال، إنه دعوة إلى الرجوع، لهاث إنسان تعب يفك بالكاف عن المقاومة.."

Ва капитан ўзига ўзи гапирди: "Бу савол эмас. Бу келгусида қаршилик кўрсатишнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа қилувчи ва шунинг учун қуролларини ташлаш таклиф қилувчини орқага чекинишга даъватдир..."¹

فایة کلمة يمكن أن تؤثر و تدفع هذه النفوس الواجهة المفتررة؟²

Ва ундан кейин энди уларнинг қалбларини иситадиган сўзларни қаердан топиш мумкин?²

Ҳикоячи ўқувчига ўз дўйстларини кутқармоқчи бўлган одамларнинг қийин руҳий ҳолатини кўрсатишга ҳаракат қиласи, аммо буни, юмшоқроқ тил билан айтиладиган бўлса, оддий, газета-журналларнинг шошилинч белгилари бўлган декларатив тарзда айтади.

Шунинг учун ҳам Ханна Мина ҳикояларидағи кескин тўқнашувлар, ўтқир ижтимоий конфликтларнинг бадиий тарзда гавдаланишини кўпинча топа олмаймиз.

"Франция Сурияга мустақиллик берган ҳолда у ерда қолиш учун режалар тузди: Англия Францияни сиқиб чиқариш ва унинг ўрнини эгаллаш учун қутурган фаолиятларни ривожлантирди". Бундай мисоллар кетма-кет эпик ҳикоянинг таркибий қисмига кирмайди; улар бу ерда маълум даражада "шахсий тажриба"ни чеклаш истаги сифатида сезилади. Ўз-ўзидан, бундай истак дунёни кенг ёритишга ҳаракат қилаётган ёзувчига нисбатан хурмат уйғотади. Бундай "жиловлаш" қандай усуllар билан амалга оширилаётгани бошқа бир масала. Ҳужожатли усуllар бадиий адабиётган кўпмалиётда янги далиллар билан тасдиқланади. Бироқ романнинг бадиий вазифаларининг бажарилишини таъминловчи универсал воситаликка ярамайди.

¹. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 268.

². الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 269.

Денгиз романларида Ханна Мина деярли маҳсус терминологиядан фойдаланмайди. "Елкан ва бўрон"да биз бор-йўғи учта ўзига хос сўзни топишга муваффақ бўлдик. Булар: фелюка, румпель, арқон, яъни денгиз терминологияси романларда тавсиф, сюжетнинг ривожланиши элементига айланмади ва бадиий вазифа юкланмади. Асосийси, ҳикоя мазмунга зид. Муаллиф ўртача зиёлиёна тилда оддий денгизчилар ҳақида ҳикоя қиласи ва таърифловчиларга рўйи рост ҳамдардлик билдиради¹.

- لا أريد مناقشة... أنا الرئيس هنا، والزروق في عهدي. خذوه كما قلت لكم و اذهبوا، أما أنا فسألقي بنفسي في الماء و أصعد إلى الشخورة.. لا تخافوا على فأنا سباح قديم.

- Мен сизлар билан баҳслашмоқчи эмасман. Мен капитанман ва қайиқ учун жавобгарман. Шунинг учун, айтганимдек, уни олинг ва боринг. Мен ўзим сувга тушиб, қайиқча чиқаман. Хавотир олманг. Мен сузишни биламан².

انتشله اسماعيل من أفكاره و هو يقول:
- لا تقبل رجائي؟

- Балки сен менинг илтимосимни бажаарсан? - деб сўради Исмоил ўйчан ҳолда³.

Кўриниб турган, объектив дунёни чизишга уринишда муаллиф баъзан оддий хроника воситаларига мурожаат қиласи, аммо яна ўша ҳақиқий, умумий аҳамиятга эга воқеалар шунчаки номланади. Бу ерда сўз бирлаштирувчи цемент вазифасини бажаради, яъни хусусий ва аҳамиятсиз таассурутларни бирлаштирувчи елим сифатида қўлланилади.

"Мустамлакачилар, албатта, мудраб қолмадилар ва юзага келган вазиятдан ўзлари учун фойдали бўлганини ажратиб олишга ҳаракат қилдилар. Улар орқада туриб

¹ Адабий танқидчиликда Ханна Мина характерлар яратса олмагани, характерлари тараққиёт ичидаги кўрсатиб берилмаганлиги кўп маротаба таъкидланган.

². الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 277.

³. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 279.

ҳаракат қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият ва мухолифат кучлари билан алоқа ўрнатдилар, уларни қўзғатдилар, улар орасида зиддият пайдо қилдилар, уларни парчалаш, ватанпарвар кучларни тарқатиб юбориш, уларни сўл унсурларга қарши гижгижлаш, уларнинг бирлашилари йўлига турли тўсиқлар қўйиш, улар қўлга киритган зафарларидан маҳрум қилишга уриндилар.

Ханна Мина романлари поэтикасида психологик тасвир воситалари – ички монологлар, қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи қиласиган баҳс-мунозара, ҳиссий ҳолати муҳим ўрин эгаллади. Бироқ, биз уларни психологик тасвир воситалари деб аташ фикридан узоқмиз. Х.Мина қаҳрамонлари жамиятнинг муайян гурухлари ва қатламларининг онгини ифода этувчи ижтимоий типлар бўлиб, уларни тавсифида асосий нарса вағантага бўлган муносабатдир.

Х.Мина романларининг асосий композицион усули – ёзувчи томонидан ўрта асрлар ҳикоя адабиётидан ўзлаштирилган цикллаштиришдир¹. Шунингдек, Х.Мина асарларида кўплаб образларнинг рамзийлиги, ҳатто роман номларининг ҳам қандайдир рамзларга тўла эканлигини таъкидлаш керак.

“Елкан ва бўрон” романидаги воқеалар қуйидаги ижтимоий фонда юз беради: бир нечта “катта одам” шаҳар мавзелари, иқтисодиётнинг бутун бошли соҳаларига ҳукмронлик қиласиган. Айрим истиснолардан ташқари, бутун шаҳар алоҳида оиласлар томонидан бўлиб олинган. Арзимаган кўринишда итоатсизлик қилишга журъат этганиларнинг тақдири оғир бўлган. Бандаргоҳнинг бутун фаолиятини монополлаштирган Абу Рашид, ўзининг ташқи мутавозеъ ташки кўринишига қарамай, маккор ва

¹ Бу араб танқидида ҳам таъкидлаб ўтилади. Қ.: Абдураззоқ Саид. Рихля ал-Кашф ва аль-Иқтишоф”. Алам тўпламида Х.Мина ар Риваи. Бейрут. 1979. 6.53. Бу ҳақда Қаранг: В.Н.Кирпиченко. Современный арабский роман и средневековая историческая хроника. М., Наука.

шафқатсиз одам эди: агар итоатсизлик – кема ёниб кетади, одамлар ўлдирилади. Шаҳарнинг маълум бир туманида пайдо бўлган янги келган киши вазиятни иложи борича тезроқ тушуниши ва итоатгўйлик кўрсатиши керак эди.

Аммо Муҳаммад ибн Зуҳди ат-Тарусий бундай қилмайди. Ўз саъй-ҳаракатлари билан тошлоқ қирғоқда жойлашган кичик бир жойни текислаб, у ерда чодир тикади ва ўзининг хусусий қаҳвахонасини очади. Унинг бандаргоҳ худудида қаҳвахона очганлиги –ғалаба моҳиятига эга эди. Бандаргоҳнинг хўжайини Абу Рашидга тадбиркорнинг бу иши ёқмайди. Ат-Тарусийнинг бандаргоҳ ишларига аралашиши ва денгизчиларни ҳимоя қила бошлагани уни жаҳлга мидиади. Абу Рашид қотил Солиҳ Баруний ат-Тарусийни ўлдириш учун ёллади. Аммо шиддатли жангда бир неча денгизчиларнинг кўз ўнгиди Ат-Тарусий ёлланма қотилни мағлуб этади.

Ўзининг қулай жойлашуви туфайли Ат-Тарусийнинг қаҳвахонаси гуллаб-яшнайди. У ерга ҳар хил одамлар тўпланади, албатта уларнинг кўпчилигини денгизчилар ташкил этади. Улар ҳамма нарса ҳақида гаплашадилар, албатта, кўпроқ сиёsat тўғрисида баҳслар бўлади. Баъзи вақтлар бу ерга келганлар Берлин радиосини тинглайдилар ва шу тахлит бир тингловчи доираси шаклланади. Кейинчалик Ат-Тарусийнинг ўзи эътироф этганидек, қиласиган иши қолмаганлиги учун бу доирага кириб қолган эди. Ушбу гуруҳ (доира)нинг ташкилотчиси темирчиси Абуҳамид эди. У Берлин радиосининг хабарларини омма орасида кенг ёйиш билан шуғулланди. Аммо бундай машғулот узоққа чўзилмади. Бутун шаҳарда германпастлар ҳибсга олина бошлади. Абуҳамид эса одамлар яшайдиган Шаҳодин мавзесига яширинишга муваффақ бўлди.

Орадан икки ярим йил ўтди. Бу вақт ичиди Сурия “мустакилликка” эришди. Бироқ Франция ва Англия истилочи кучлари ҳамон мамлакатда турар эди.

و كانت فرنسا تعمل لسلب الإستقبال، و بريطانيا تنشط لطرد فرنسا و الحلوى محلها، و دعاء الملكية يسعون لنسب الجمهورية، و الجماهير تطالب بالجيش و الجناء، و كان الكفاح يتسع، و المناقشات تحتم في كل مكان.

Франция бу халқнинг мустақиллигига чек қўйишга уринди, Англия Францияни сиқиб чиқариш ва унинг ўрнини эгаллашга тинмай уринди. Монархия тарафдорлари республикани тугатишга умид қилишар, халқ оммаси армия ва чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетилишини талаб қиласар, кураш кенгайиб борар, низолар-тортишувлар ҳамма жойда давом этарди¹.

Романда мамлакатдаги вазият ана шундай тасвирланади.

Бундай шароитда тайёрлов синфининг устози Шамил бандаргоҳ ишчилари касаба уюшмаси тўғарагини ташкил қиласди. Тўғаракнинг қароргоҳи Ат-Тарусийнинг қаҳвахонаси эди. Ат-Тарусийнинг ўзи дастлаб устози Шомилнинг фикрлари мантиғидан таъсирланиб, тез орада тўғаракнинг ишончли, содиқ аъзосига айланади.

Ат-Тарусий ўзининг балиқ овлайдиган қайиги билан шиддатли денгиз тўфонига дуч келиб қолган Ар-Раҳманийни кутқараётib, қаҳрамонлик кўрсатади. Оғир об-ҳаво шароитида қайиқ экипажини керакли ускуналар билан таъминлай олмаслигини сабаб кўрсатиб денгизга моторли кутқарув қайиғини юборишдан бош тортган бандаргоҳ бошлигининг тўсқинлик қилишига қарши бундай қаҳрамонликни кўрсатади. Бу воқеа Ат-Тарусийни шаҳарнинг машҳур одамига айлантириди. Хавф-хатардан халос бўлган Ар-Раҳманий Ат-Тарусийни янги кеманинг ҳамкор эгаси бўлишга ва капитан сифатида денгизга сафарга чиқишига кўндиради.

Бироқ, ўша пайтда мамлакатда ички реакция ҳаракатга келди. Латакия собиқ губернатори Сулаймон Муршид Жуба Бургал қишлоғида катта куч йиғиб, Латакияга бостириб бориш ва ўз ҳокимиятини тиклашга тайёрланмоқда эди. Бу 1936 йилда бўлганидек Сурияning яна қайтадан парчаланишини англатар эди. Мамлакатда ички реакция ва ташки босқинга қарши курашиш учун кенг оммалашган фронтни тузиш ҳаракатлари кенг ёйила борди. Шундай қилиб, Заки Кабурнинг уйида турли мавзелар, партиялар ва ташкилотлар вакилларининг йиғилишида иккита қўмида тузиш таклиф қилинди, бири пул маблағларини йиғиш учун, иккинчиси – қурол сотиб олиш учун. Ат-Тарусий қурол-аслаҳа ташиши ўз зиммасига олди. У жуда хавфли топшириқни бажариши куерак эди – Басит деган жойдан қайиқда учта денгизчининг ёрдами билан контрабандичилардан сотиб олинган қуролларни ташиши керак эди.

Ат-Тарусий қаҳвахонасини сотиб, сафарга отланди. Йўлда кетаётib қаҳвахонасида ишлаётган хизматчиси, мен энди қариб қолдим, дея у билан денгиз сафарига боришдан бош тортган Абу Мұҳаммад ҳақида ўйлади. Ат-Тарусий чолга ёрдам берди. Аммо у барча кекса одамларнинг баҳтсиз бўлиб қолишига тўсқинлик қила олармиди?

صدق الأستاذ كامل... القضية ليست قضية الفرد بل مجتمع، ينبغي إصلاح المجتمع.

Устоз Комил ҳақ гапни айтди: гап шахс муаммосида эмас, жамият муаммосида. Жамиятни тузатиш керак¹.

Бу романнинг қисқача мазмунини ташкил этади.

Ушбу романда Ханна Мина ўз олдига ўта масъулиятли вазифани қўйганди: халқ оммасининг миллий ва синий онги ўсиши ва озодлик ва мустақиллик учун курашини акс эттириш. Ушбу мафкуравий-мавзуий асос, энг аввало, асар

¹ الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 145.

الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 388.

қаҳрамонлари - халқнинг энг илғор вакилларини танлашда ўз аксини топди.

Табиийки, ушбу мағкуравий йўналиш қаҳрамонларнинг ривожланишда, олға силжишда намоён бўлишини белгилайди. Ханна Минани, авваламбор, биринчи навбатда, аста-секин пайдо бўлган одамларнинг ўзига хос хусусиятларидаги ўзгаришлар қизиқтириди, аммо ундан кейин маълум вақт ўтгач, бу одамлар озодлик учун курашибиларга айланди.

Албатта, фақат бир хил ўзгаришлар тасвири, уларнинг сабабларини асосламаган ҳолда, уларнинг ишончли бўлишини таъминлай олмасди. Кескин тўқнашувлар натижаси ўлароқ характерларнинг шаклланиши ва ўсишини намоиш этиш Ханна Минага хос хусусиятдир.

Роман қаҳрамонларининг характерларини ўйлаб ўтиришадан кўриб чиқишига ўтиладиган бўлса (чунки қаҳрамонларни тушунмасдан биз асарнинг ғоявий ва мавзуй моҳиятини тўлиқ англаб эта олмаймиз) характерлар бу мазмун кўринишининг шаклланишидан бошқа нарса эмас, бунинг учун зарур бўлган барча нарсани тўлиқ очиб бериш керак.

Ат-Тарусийнинг бутун ҳаёти бандаргоҳ ва денгиз билан боғлиқ. Болалигига у “бандаргоҳнинг тарбияси оғир боласи” бўлган, улфайгач эса – бандаргоҳда ишли, кейинчалик эса балиқчи кемасида ишли бўлиб ишлайди. Кейинчалик у дастлаб кичкина, ундан сўнг каттароқ қайиқ сотиб олишга муваффақ бўлади. Ва ниҳоят, у Ал-Мансур қайифи эгалигига шерик, ундан сўнг эса қайиқнинг ягона эгаси бўлади. Унинг жасур, тажрибали капитан сифатида шон-шуҳрат қозониши у ташриф буюрган кўплаб бандаргоҳларга қадар етиб боради. У ғамхўр капитан эди. Ўртаер денгизини у беш қўлдай билар, аммо бир куни шиддатли бўронда унинг кемаси чўкиб кетади. Шундан кейин Ат-Тарусий узоқ вақт мобайнода ишсиз қолиб кетади.

Бироз вақт ўтиб у балиқчилик қилишни бошлайди, лекин замон қанчалик ўзгариб кетганлигига гувоҳ бўлади: катта балиқчи кемалари кичик балиқчи қайиқларини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилаётганди. Денгиз иши тижоратга айланиб кетган эди. Савдогарлар меҳнат қилишмас, кемаларда ёлланма денгизчилар меҳнат қиласди. Ат-Тарусий ҳеч қаерда ёлланма ишчилик қилишни истамасди. Шундай қилиб, у денгизни тарк этади, лекин ундан узоқлаша олмайди. Соҳилдаги қоялар ва тоғу-тош орасида дайдиб юради. Бир куни, бир дўсти унга шу қирғоқдан озгина ер ажратиб, уларни тошлардан тозалаш, у ерга чодир тикиб, бир нечта стол ва стул қўйишни таклиф қиласди. У дўсти Ат-Тарусийга бир оз пул ҳам беради. Эртаси куни, Ат-Тарусий бу ғояни амалга оширади ва ўзининг кичкина қаҳвахонаси очиб ишлай бошлайди. Аммо бу қаҳвахонанинг очилиши Ат-Таруси учун кун кечириш воситаси, асосий мақсад-муддао эмас эди. У ўз вазифасини соҳилда қолиш, маблағ тўплашдан иборат деб биларди; у қайтадан денгизга қайтишни орзу қиласди.

Энди роман қаҳрамонларининг характерларини кўриб чиқишига ўтамиз, чунки қаҳрамонларнинг феъл-авторларини англаб етмасдан асарнинг ғоявий ва тематик моҳиятини тўлиқ англай олиш қийин. Зоро характер деганда мазмуннинг шаклий ривожланиши тушунилади. Асарнинг мазмун ундаги характерларга ҳаётнинг ўзи ва ёзувчи томонидан қўйилган барча нарсани тўлиқ очиб беришга хизмат қиласди.

Романда бош қаҳрамон Ат-Тарусийдан бошқа образлар ҳам бор. Улар орқали ёзувчи романнинг ғоявий вазифаларини бирма-бир ҳал этиб боради. Бу асардаги Абуҳамид, устоз Комил, Аҳмад ва бошқа образлардир.

Ат-Таруси романнинг бошланишида етарли ҳаётий тажрибага эга денгизчи сифатида ўқувчи кўз ўнгидаги намоён бўлади, аммо у ўз ташвишлари билан яшайди.

Роман охирида эса халқ учун қайғурувчи фаол курашчига айланади. Зеро Ханна Мина олдида турган асосий бадиий вазифа қаҳрамонни оддий денгизчидан фаол курашчига айлантиришни ишончли кўрсатиб беришдан иборат эди. Қаҳрамон Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Суриядаги шаҳарнинг одатий ҳолатига сингдирилган.

Ат-Тарусий ҳар куни бандаргоҳдаги қайноқ ҳаёт, ярим яланғоч ҳаммолларнинг эгилган жуссалари, денгизчиларнинг чорасиз ҳаёти ва баржалар эгаси Абу Рашиднинг чекланмаган ҳукмронлиги, куч-қудратини зимдан кузатарди. Баъзан у Абу Рашиднинг одамларидан чорасиз денгизчиларни ҳимоя қиласар, шундан сўнг ҳар сафар қилган ишидан пушаймон бўларди. Чунки у Абу Рашидга қарши чиқаётганини биларди. Аммо ўзини бандаргоҳда бўлаётган чиркин ишларга аралашмасликка аҳд қиласар, бироқ дарҳол буни унутарди. Бир куни у шунчалик ғазабланадики, Абу Рашидни сўкиб юборади. Бу гап Абу Рашиднинг қулоғига етади, шунда у Ат-Тарусийни йўқотишга қарор қилди ва ёлланма қотил сифатида танилган денгизчи Солих Баруни Ат-Тарусийни ўлдириш учун жўнатади.

Солих Бару билан жангда Ат-Таруси ғалаба қозонади ва бу ҳақда бутун шаҳарда гап тарқалади.

و قد أجمعوا على أن الطروسي كسر شوكة ابن برو، و لكنهم، في الأعماق من نفوسهم، كانوا يقولون: العداوة بدأت الآن، فكيف تنتهي؟!

Ат-Таруси Ибн Барунинг шон-шарафини ўйқقا чиқаргани билан у билан бирдам эди. Аммо юрагининг туб-тубида шундай бир нарса жаранглаб турарди: "Адоват энди бошланди. Қандай тугар экан?"¹

Ат-Таруси – ўзига хос феъл-атворга эга бўлган инсон. Соҳилда қолиш Абу Рашид билан доимий душманлик ичида яшашни англатишини билган ҳолда, у курашга тайёр бўлади. У шундай сўзларни айтади:

¹ الشراح والعاصفة، بيروت 1966، ص. 19.

أنا هنا و سابقي، و ليطبع أبو رشيد أحمسن ما عنده.

Мен шу ерда қоламан. Абу Рашид нима қиласа қиласверсин، мен нима қилиш، қандай иш тутиши биламан¹.

Биз бу ерда аниқ конфликт (тугун)га дуч келамиз. Драматик тўқнашув Абу Рашиднинг шахсан ўзи билан эмас, унга тегишли одам билан бўлсада, Ат-Таруси образининг ривожланишидаги янги босқичнинг бошланиши эди. Шуниси диққатга сазоворки, адаб образни ривожлантиришга шошилмайди.

Абу Рашид ўз тактикасини ўзгартиришга қарор қиласади. У Ат-Таруси билан “дўстона суҳбат қуриб, уни инсофга чақириш” учун бандаргоҳ хўжайнини бўлган Абу Аминни Ат-Тарусийнинг ёнига юборади. Абу Амин ҳақиқатан ҳам Ат-Тарусийни Абу Рашид билан очиқ жанг қилишнинг фойдасизлигига ишонтиришга муваффақ бўлади. Ат-Тарусий, агар уни тинч қўйишса, бандаргоҳда бўлаётган ишларга аралашмасликка ваъда беради.

Бундан Ат-Тарусийнинг таслим бўлганлигини таҳмин қилиш мумкин, гарчи унинг феъл-атвори билан бандаргоҳда бўлаётган ишларга аралашмасликнинг иложи йўқ эди.

Аммо барибир, келишув шартларини Абу Рашиднинг ўзи бузади. Биринчидан, Ат-Тарусийнинг жавоби Абу Рашидга ёқмайди. У Ат-Тарусийнинг шахсан ўзи ундан кечирим сўраш учун югуриб келишини кутади. Абу Рашид Ат-Тарусийни ўз йўлидан олиб ташлайдиган бошқа ёлланма қотил ёки қотиллар тўдасини юбориши мумкин эди. Аммо, иккинчи томондан, шошилишга арзийдими, эҳтимол, қаҳвахона эгасининг бандаргоҳ ишчилари орасидаги обрўси ҳам фойдали бўлар?

و ساخته مع الزمن. يكفيه الان بعض النزفات، إني أعرف ما يجري في مقاهي ليل، و ها هو مخفر الشرطة أمامي.

¹ الشراح والعاصفة، بيروت 1966، ص. 57.

Майли вақти-соати келиб мен уни тарбиялаб ҳам оламан. Ҳозирча уни бироз безовта қилиб туриш кифоя. Кечалари унинг қаҳвахонасида нималар бўлаётганини яхши биламан! Мана у –полиция маҳкамаси¹.

Махфий полиция ходимлари Ат-Тарусийнинг қаҳвахонасида тез-тез пайдо бўлиб туришади. Ат-Тарусий шамол қайси томондан эсаётганини тушуниб турарди.

هذه فعلته! نعم، فعلة أبي رشيد!²

Бу унинг иши. Ҳа, бу Абу Рашиднинг иши².

Бир куни узоқ денгиз сафаридан қайтган Ат-Тарусийнинг қаҳвахонасига эски бир дўсти – Ар-Раҳмуний кириб келади.

Улар орасида жуда қизиқарли суҳбат кечади:

- تسلم يا زهدي، حفظ الله خاطرك و اعزك، هات بوسة من شواربك، هه (و قبله) وصلت الان من السفر فسمعت القصة في الميناء، و حفلت أن أمر عليك و ابوسك. قال لي البحارة: "الطروسي أبد ابن برو على كيفك" فلم أستغرب، الرئيس في البحر أم في البر.
- العفو ريسنا، ابن برو لا يستحق الذكر، و لكنه يتعذر في الميناء، يكفيها ما تحملت منه، نريدا الخلاص يا رئيس.
- منه أم من الذي دفعه؟
- الذي دفعه لن يخلد، لكل ظالم نهاية.
- على كل انت بدأت، ضربتك شجعت البحارة، و لكنك ستتعرض للمتعاب بعد اليوم.
- المتعاب بدأت منذ اليوم.
- كيف؟ قالها بإشفاق و اهتمام.
- رجال الأمن يضايقونني.
- ولماذا؟ هل اشتباها بشيء؟
- عرفوا أننا نسمع برلين في الليل.
- وماذا قالوا؟
- جاءوا يجسون النبض و يسألون..
- عنك؟
- لا، عن أبي حميد.

¹ الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 38.

² الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 90.

– Зуҳдий، Аллоҳ сени ўз паноҳида асрасин! Мўйловингни ўпишга ижозат бер. Мен узоқ давом этган денгиз саёҳатидан ҳозиргина қайтиб келдим ва бандаргоҳда нима бўлаётганини эшифтим. Келиб, ўзимга ўзим сени бир ўпишга ваъда бердим. Денгизчилар менга Ат-Тарусий Ибн Барунинг ақлини жойига келтириб қўйди, деб айтишиди.

– Ажабланадиган жойи йўқ, капитан – у ҳам қуруқлик, ҳам денгизлар капитани.

– Мени кечир، Ибн Бару، эслатишнинг ҳожати йўқ!

Бироқ, у бандаргоҳдаги ҳамманинг жонига тегиб бўлган, ҳамма ундан чарчаган эди. Етади, шунча чидаганимиз. Уни бартараф қилиш керак.

– Уними, ёки уни бу ишга ундаётгандарими?"

– Уни ундаётгандар абадий эмас. Ҳамма ёмонликнинг бир охири бор.

Аслида ҳамма нарса сендан бошланди. Сенинг ҳаракатинг денгизчиларни илҳомлантириди. Бироқ, бугундан бошлаб сенга осон бўлмайди.

– Қийинчиликлар аллақачон бошланиб бўлган.

– Қандай қилиб?

– Атрофда маҳфий полиция одамлари ғимирлаб қолишиди.

– Нега сендан гумон қилишяптими?

Кечаси Берлинни тинглаётганимизни улар билиб қолишиган.

– Нима дейишяпти?

– Улар ҳозирча қўйнимизга қўл солиб кўришяпти, савол беришяпти...

– Сен ҳақингдами?

– Йўқ، Абуҳамид ҳақида¹.

Тайёрлов синфининг устози Комил қаҳрамоннинг руҳий ҳолатининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатади.

¹ الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 92.

Аасарда қаҳрамоннинг ўсиб бориши Ат-Тарусийнинг устоз Комил билан дўстлиги орқали берилган. Дастрраб, Ат-Таруси, бошқалар каби вақти-вақти билан устоз билан сұхбатлашиб турган.

وَ حَدِيثُ الْأَسْتَادِ كَامِلٌ يَقْعُنِي.

- Устоз Комилнинг нутқи мени ишонтиради, – дейди ўз-үзига Ат-Таруси¹.

Аста-секин, ҳар сафар Комилни тинглар экан Ат-Таруси ҳаяжонланганча якка ҳолда кураш олиб бориш бесамар бўлишини англай бошлади. Энди у Абу Рашид билан можаро шахсий адоват эмаслигини тушуниб етади. Энди у Абу Рашидга бу нарса ёқадими ёки йўқми, денгизчиларни ҳимоя қилмаслиги мумкин эмас эди. Ат-Таруси бандаргоҳ ишчилари касаба уюшмасини тузиш зарурлиги, ушбу йўналишда йиғинлар ва тайёргарлик ишларини олиб бориш зарурлигига амин бўлади. Устоз Иккинчи Жаҳон урушида халқларнинг ягона ҳақиқий дўсти – Совет Иттифоқи эканлигига ишора қиласди. Устоз Комил Ат-Таруси ҳақида кўйидагича мулоҳаза юритади:

وَ كَنْتْ تَهْزَأْ بِكُلِّ مَنْ تَرَى وَ هَا هُمْ يَجْتَمِعُونَ فِي مَقْبَكَ وَ هَا أَنْتَ تَقْفَ في صَفَنَا.

Бандаргоҳ ишчилари тақилотини тузиш тўғрисида гап кетганда, сен кулган эдинг, энди улар сенинг қаҳвахонангда йиғилишмоқда ва сен бизнинг сафимизда турибсан².

Яна бир эпизод Ат-Тарусийни шаҳарнинг машхур кишиларидан бирига айлантириди. У кучли тӯфонга дучор бўлган Ар-Раҳмунини кутқаради. У йиғилган оломон олдида бандаргоҳ бошлиғини ўз қўлига олган ҳолда моторли кутқарув қайиғини беришга мажбур қиласди.

Абу Рашид буларнинг барчаси нима англатишини яхши билади. У Ат-Тарусийнинг ҳар бир қадамини кузатади. Бундан кейин нима қилиш керак – денгизга борадими ёки

¹.35 الشّرائـع وَ الـعـاصـفـة، بيـرـوـت 1966، ص.

².158 الشّرائـع وَ الـعـاصـفـة، بيـرـوـت 1966، ص.

бандаргоҳда қоладими? Айни шу пайтда янги бандаргоҳ кемасини сотиб олган Ар-Раҳмуни Ат-Тарусийни кема эгалигига ҳамкор ва кема капитани бўлишга кўндиради. Аммо денгизга сафарга чиқишидан олдин Ат-Таруси ўзининг халқ тақдиди учун чинакам курашчи бўлганлиги ни исботлайди.

Собиқ губернатор Сулаймон Муршиднинг реакцияси кучая бошлагани маълум бўлганида, Ат-Таруси прогрессив кучларнинг умуммиллий жабҳасини яратиш ва кенг халқ оммасини қуролли қўзғолонга тайёрлашда фаол иштирок этади. У яширин равиша сотиб олинган қуролларни ташиши ташкил этишдек ўта оғир масъулиятли вазифани ўз зиммасига олади ва бу операцияни жуда яхши амалга оширади.

Ат-Тарусийнинг мафкуравий позицияси ҳам аллақачон кучайиб бўлган эди. Устоз Комил билан биргаликда у ўзининг мафкуравий тамойилларини ҳимоя қилишга тайёр эди. Заки Кабурийнинг уйидаги йиғилишда устоз ва мажлис иштирокчилари ўртасида баҳсли вазият юзага келади:

– وَ هـل نـسـطـطـيـعـ مـقـامـةـ الدـولـتـيـنـ؟ وـ مـنـ يـسـاعـدـكـ؟
قال الأـسـنـادـ:

- الشـعـبـ يـسـطـطـيـعـ كـلـ شـيـءـ.. اـمـاـ المسـاعـدـةـ فـتـائـيـ فـيـ وـقـتـهاـ، لـنـاـ أـصـدـاءـ نـحـنـ أـيـضـاـ..
- لـاـ نـرـيدـ دـعـاـيـةـ فـيـ الإـجـتمـاعـ.. لـاـ نـرـيدـ دـعـاـيـةـ لـلـرـوـسـ..
- الرـوـسـ لـيـسـواـ بـحـاجـةـ إـلـىـ دـعـاـيـةـ..
- بـلـ أـنـتـ تـعـمـلـ دـعـاـيـةـ لـهـمـ، وـ تـكـلـمـ كـمـاـ يـتـكـلـمـونـ.. وـ جـاءـ صـوتـ الطـروـسـيـ مـنـ الزـاوـيـةـ:
- وـ إـذـاـ تـكـلـمـ كـمـاـ يـتـكـلـمـونـ؟ هـلـ تـرـيدـ أـنـ تـسـدـفـهـ؟ حـاسـبـهـ عـلـىـ أـقـوـالـهـ، هـلـ فـيـهـاـ شـيـءـ مـضـرـ؟ وـ هـلـ هـيـ خـطاـ؟

وـ تـخـلـ بـعـضـ الـحـاضـرـينـ فـقـالـواـ: "لـاـ بـأـسـ بـتـبـادـلـ الـأـرـاءـ."

– بـizـ بـuـ iـkـkـiـ kـuـchـliـ d~av~lat~ (Франция ва Англия – A.A.) га қарши кураша оламиزم? Ким биззга ёрдам беради?

Устоз шундай жавоб беради:

- Халқ ҳар нарсага қодир. Ёрдам масаласига келсак, унинг келиш вақти-соати бор. Дўстларимиз ҳам бор.

- Учрашувда бу мажлисда ташвиқот олиб боришни истамаймиз, руслар учун ташқиқот олиб боришни ҳам хоҳламаймиз.

- Руслар ташвиқотга муҳтож эмаслар.

- Аммо сен улар орасида ташвиқот олиб боряпсан, уларнинг айтганларини тақрорлаб, беихтиёр уларни тарғиб қиляпсиз.

Шунда четда турган Ат-Тарусининг овози эшишилди:

- Агар уларнинг айтганларини тақрорлаётган бўлса, сен унинг оғзини ётмоқчимисан? Унинг бу сўзлари нотўрими?

Ўтирганлар масалага аралашиб, баҳс-низоларни тугатишини талаб қилишиб¹.

Ёзувчининг асосий нияти – қаҳрамоннинг ўзини ўзи англаши қанчалик ривожланганигини кўрсатишдан иборат эди. Ат-Тарусий шахсиятининг камолга етиши асосан романнинг бошидаёқ пишиб етилгани маълум. Устоз Комил билан танишиши унинг етук онги шаклланиши учун етарли эди.

Ат-Тарусийнинг онгли курашчига айланиши, албатта унинг инқилобчига айланганини англатмайди. У ўша пайтдаги Сурияning тарихий шароитларидан келиб чиқилса, у синфий курашнинг асосий қонуниятлари билан ҳали таниш эмас эди.

Романнинг бадиий қиммати шундаки, оддий кундалик турмуш шароитларида яшаган бир денгизчи қаҳрамоннинг ўз ташвишлари билан банд бўлиш билан бирга жасур, қаҳрамон жангчига айланади.

Аста-секин ва мантиқий кетма-кетликда шахс характерининг очилиши принципи Ханна Мина асаридаги

الشرع والعاصفة، بيروت 1966، ص. ١.

бошқа бир қатор образлар, хусусан Абуҳамид образини яратишда асосий ёндашувни ташкил этган.

Абуҳамид ҳам Ат-Тарусий сингари меҳнаткаш халқ вакилидир. Романнинг бошида у сиёсий жиҳатдан қаттиқ адашган одам бўлади. Оддий саводсиз темирчи бўлган Абуҳамид Сурия халқи олиб борган миллий озодлик курашининг олдинги сафларида бўлиб, курашда фаол иштирок этади.

Таъкидлаш керакки, Абуҳамид образи ҳам ўзига хос (типик образ) ҳисобланади. Кўпчилик тўғри йўлдан адашган оддий одамлар, ҳатто кўпчилик сиёсатдонлар ҳам Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Сурияning мустақилликка эришиши учун Германияга умид боғлаганлар.

Абуҳамид ҳам ушбу қарашларга амал қилган. У Сурияни ишғол қилган Франция ва Англиядан нафратланади. Абуҳамид “Душманингнинг душмани – сенинг дўстинг” деган тамойилга ишонади. Шундай қилиб, у Берлин радиосининг “ёқимсиз тингловчиларидан бири”га айланди. Қолверса у, Берлин радиоси томонидан эфирга узатиладиган хабарларни кенг омма орасида тарқатишни бошлади. Аммо инглизлар ва Де Голлчилар Сурияга кирганларида, Берлинни тинглаш тақиқлаб қўйилган эди. Ўшанда Абуҳамид Ат-Тарусийнинг қаҳвахонасига чопиб келади ва у ерда кечалари Берлин радиосини яширинча тинглайди.

Таъкидлаш керакки, Абуҳамид “Миллий блок”ни қўллаб-куватламайди. У ушбу буржуа партияси ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ҳокимиятни қўлга олишга интилаётгани ва буни халқ манфаатлари учун қилмаётганига ишонади. Шундай қилиб, Шайх Доҳир кварталидаги Ибн Амин қаҳвахонасида, сұхбат Дамашқдаги миллатчилар қандайдир чиқишга тайёрларлик кўраётганлари ҳақида гап кетганда, Абуҳамид шундай дейди:

– لا تتعجّوا، لا حرّة و لا من يحزنون.. الكلمة راح تتسلّم الحكم.

– كما تسلّمتَه عام 1936؟

– وارّذل!

- Сизлар ҳайрон бўлманг, беҳуда ҳаракат қилманг ва умидсизликка тушманг. "Блок" ҳокимиётни ўз қўлига олади.

- 1936 йилда қандай қўлга олган бўлса шундай бўладими?

- Йўқ, ундан баттар бўлади!¹

Бу ерда Абуҳамиднинг ўзига хос эътиқодини ҳисобга олиш керак бўлади. Германиянинг ёрдами билан Суря ўз мустақиллигини қўлга киритишини қўриш орзуси унинг кўзини кўр қилиб, ўзини ўзи англашга йўналтирилган овозини бўғиб қўяди. У А.Гитлер нафақат Франция ва Англиянинг, балки бутун инсониятнинг душмани эканлигини тушунишни истамайди. Бу нарса унинг феъл-аворидаги ҳолатини янада секинлаштиради.

Абуҳамиднинг қатъий консерватив характери, юзага келган вазият унга ёмон таъсир қилганида, кескин ўзгарди. Биринчидан, у икки ярим йил давомида тўлиқ изоляцияда бўлиб, полициядан яширинишга мажбур бўлди. Иккинчидан, унинг умиди амалга ошмади – фашистлар Германияси урушда мағлубиятга учради. Аммо у учраган энг шафқатсиз зарба унинг "яхши кўргани" – Берлин радиосининг араб тилидаги эшиттиришларини олиб борувчи Шайх Юнуснинг нутқини эшитиб, Абуҳамид жуда мамнун бўлди. Германиянинг марказида бўлиб туриб, Англия агентига айланди. Абуҳамид ғазабланиб ўз-ўзига савол берди:

– تأمل يا أبو حميد! هل كنت تظن هذا؟ يonus نفسه يعمل للإنكليز؟ نفو...!

- Ўйлаб кўр, Абуҳамид! Сен буни тахмин қилганмидинг? Юниснинг ўзи ҳам инглизлар учун ишлаган. Тфу!²

Қизиғи шундаки, ҳатто қўплаб германофиllар Англия тарафдорлари лагерига кўчиб кетганларида ҳам Абуҳамид

Англиядан нафратланишда давом этди. Латакиядаги инглиз резидентидан бир киши унинг олдига келиб шундай дейди:

– لو خففت عداءك قليلا لا ستفدت.. الميجر يسأل عنك.

– يسأل عني أنا لماذا؟ قل للميجر أبو حميد حداد ما سمسار سياسة!

- Сен инглизларга нисбатан нафратингни пасайтирсанг яхши бўлар эди. Майор сен ҳақингда сўраяпти.

- Мен ҳақимда сўраяптими? Сен ўша майорга айтки, Абуҳамид қандайдир сотқин сиёсатчи эмас, оддий темирчи¹.

Аксинча, Абуҳамид Франциянинг Суриядаги ўрнини эгаллашга интилган Англиядан нафратлана бошлади. Бир куни Шайх Дохир кварталидаги Ибн Амин қаҳвахонасида у собиқ Совет Иттифоқига Лондон радиоси қандай ҳужум эшитди ва чидай олмай бақириб юборди:

– لا تصدقوا دعایات الانكليز.. الروس أشرف من لحية أبيهم.

- Британияликларнинг тарғиботига ишонманг! Руслар уларнинг оталарининг соқолларидан кўра олижаноброқдир².

Абуҳамид шунингдек, Миллий блок қўлга киритган мустақилликка ишонмайди. Унинг сўзларига кўра, ҳақиқий мустақиллик фақат француз ва британияликлар мамлакатни тарқ этгандан кейингина мумкин.

"Абуҳамид – яхши инсон", – дейди Ат-Тарусий ва устоз Комил. Сўнгги жанглар бўйича дўстлари уни унутмайдилар. Масалан, Заки Каабурнинг уйидаги йиғилиш иштирокчиларининг топшириғига кўра устоз Комил ва Надим Мазхар ташриф буюрадилар. Улар унга Муршид ва Франция билан қуролли тўқнашувлар яқинлашаётгани, вазият барча томонларнинг, ҳатто Блокнинг саъй-

¹. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 135.

². الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 318.

¹. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 334.

². الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 334.

ҳаракатлари ва ҳамкорлигини бирлаштиришни талаб қилишини айтадилар.

Абуҳамид жуда хурсанд эди. Чунки уни тан олишган эди.

أمرروا يا شباب، قنابل؟ مفرقعات؟ هجوم على الثكنة؟ أنا متطلع، فدائي و حيّة شواربكم.

“Буюринг, ёшлар. Бомбаларми? Портлович моддаларми? Нефть омборига хужум қилиш керакми? Мен кўнгилли, фидоий (партизан)ман, сизнинг мўйловингиз ҳаққи қасам ичаман”¹, дейди у ҳаяжон билан. Унга Сулаймон Муршид ҳақида маълумот тўплаш топширилади.

Шундай қилиб, Ханна Мина Абуҳамидинг меҳнаткаш халқ вакили сифатида феъл-автори (характери)ни акс эттиришда ўзининг асосий бадиий принципига – қарама-қарши кучлар билан тўқнашувларда қаҳрамон шахсияти-нинг ўсиши ва онгининг шаклланишини кўрсатиб берган.

Романнинг яна бир қаҳрамони – устоз Комил образи устида алоҳида тўхталиш керак бўлади. У, шунингдек, халқ вакилидир, аммо бошқа қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, у романда ўзининг ҳақлигига ва кескин психологик ўзгаришларга дуч келмаслигига ишонган одам сифатида гавдаланади. Унинг оиласи оғир ҳаёт кечиради. Уйда унинг учта аёл – онаси ва иккита опаси бор эди. Қолаверса, иккала опаси сеп-сарпалари йўқлиги боис турмуш қура олмайдилар. У отасини эрта йўқотади. Ҳаёти оғир бўлганига қарамай, Комил яхши таълим олади ва кейин тайёрлов синфининг устози бўлади.

Романда устоз Комил унчалик кўп кўзга ташланмайди. Аммо ҳар сафар у бирон бир муаммо юзасидан ўз нуқтаи назарини кенг баён қиласиди. Илк даъфа биз бу устозни Ибн Аминнинг қаҳвахонасида турли хил одамлар билан бир

хонада ўтирганда учратамиз. Қизғин мунозара чоғида у ўз фикрларини қўйидагича баён этади:

– ملاحظاتي بسيط. قلت أنت أن الحكم الوطني سينقذنا من فرنسا والمرشد، وهذا صحيح، وقال الإخوان أنت نشك في وعد فرنسا وبريطانيا وهذا صحيح، وقالوا أيضاً أن الاستقلال

يؤخذ ولا يعطي وهذا حق، ولكن المسألة أن فرنسا وبريطانيا لن يعطونا الاستقلال بل نحن الذي سنأخذه. أنت تنسى كفاحنا شهاءنا، تنسى كفاحنا وشهاءنا، تنسى أن فرنسا تسلم باستقلالنا مرغمة لأنها تعرف أنتا ستحصل عليه بالقوة. الدنيا تغيرت يا إخوان، وروسيا إلى جانبنا. لقد وعد الخلفاء الحسين وحسوا وعدهم، ولكن ذلك كان قبل 30 سنة، وخلال هذه الأعوام تبدلتنا الدنيا وأصبح من الصعب عليهم، إذا حزمنا أمننا، أن يخدعون مرة أخرى. ومن جهة لا أدرى لماذا نلقي آمالنا على ألمانيا. هتلر صنف العرب في آخر قائمة الشعوب، وسيحتل بلادنا إذا انتصر ويفرض علينا حكمه النازي، وهل تعرفون ما هي النازية؟ إنها اللعنة..

قطاعه رجل مجلس قبالتة و قد أرسل يده في الهواء علامه الرفض:
– بلاها أستاذ! هذه الفلسفة نقرأها في الجرائد كل يوم. جربنا فرنسا و لازم نجرب ألمان.

لم يتراجع الأستاذ ولم يحتجد، قال:
– لو كانت المسألة وجبة طعام فلنا معك حق، و وافقنا على التجربة، ولكن حياة البلاد لا تسمح بالتجارب. هتلر احتل أوروبا كلها تقريباً، و لم نسمع أنه أعطى الاستقلال لأحد، وشعوب هذه البلدان تشن من الظلم و تموت من الجوع و تكافح في السر و العلن و تسائل الله الخلاص.

– الحرب لا ترحم.
– و ما ذنب الناس حتى تشعل ألمانيا الحرب كل كم سنة مرة؟
– بلادها ضيقة.

– إنفاقنا إذن، هتلر يريد التوسيع، يريد احتلال العالم!
– و فرنسا والإنجليز؟ صاروا أورادم؟ صاروا من الأبرار الآخيار؟ أسن فهمك يا أستاذ، وإلا الوظيفة؟

تدخل إسماعيل كوسا و قال:
– احسموها يا شباب، نحن نتبادل الرأي فلا تدخلوا المسائل الشخصية في النقاش.
و عاد الأستاذ إلى الكلام قائلاً:
– فرنسا و بريطانيا دولتان استعماريتان، و هما عدوتان لدولتان لنا، ولكن ألمانيا دولة مستعمرة، و عدوة أيضاً، فلما نريد إنتصارها و هي لن تنتصر، و من الخير إلا تنتصر؟

¹ الشراح و العاصفة، بيروت 1966، ص. 334.

– الألمان سينتصرون من كل بد، و من سيقف في وجههم؟ الروس؟ غداً تسمع
باستسلامهم، هذا هتلر أستاذ!
قال أستاذ:

– دخول الألمان إلى روسيا لا يعني احتلالها، قبل هتلر دخل نابليون، فماذا كانت
النتيجة؟ هذه موسكو وليس باريس.
لم يجب الرجل المتخمس لالمانية و هتلر. و يبدو أنه لا يعرف نابليون، و لا
قصته في روسيا، أو أنه أثر الصمت لدخول أحد الغرباء، فاكتفي بوضع رجل على
رجل و قال:

– الأيام بيننا...
و ابتسם الأستاذ و قال:
– هذا أحسن جواب.

– Менинг фикрларим oddийгина: миллий ҳокимият
бизни Франция ва Муршиддан озод қиласади. Бу борада эъти-
роз бўлиши мумкин эмас. Шунда ўтирганлардан баъзилари:
“Биз Франция ва Англияниңга ваъдаларидан шубҳа қиласимиз”.
Бу ҳам ҳақиқат. Улар, шунингдек, мустақиллик шунчаки
инъом қилинмайди, у фақат қўлга киритилади, деб ҳисоб-
лайдилар. Гап шундаки, Франция ва Англия бизга ҳеч қачон
мустақиллигимизни бериб қўймайди, биз ўзимиз уни қўлга
киритишимиш керак. Бироқ, биз курашимиз, қурбонларимиз
ҳақида кўпинча унутяпмиз. Франция бизга мустақилликни
мажбуран бераётганини унутамиз, акс ҳолда у биз ўзимиз
бу мустақилликни ўз кучимиз билан қўлга киритишимишни
билади. Дунё ўзгарди, дўстлар. Россия биз томонда.
Иттифоқчилар ваъдаларни беришди, лекин ваъдаларининг
устидан чиқишмади. Бироқ, бу бундан 30 йил шундай бўлган
эди. Ўтган давр мобайнида дунё анча ўзгарди. Энди улар
бизни яна алдай олмасликларини билишади. Шахсан мен
тушуна олмаяпман. Нега биз умидларимизни Германия
 билан боғлашимиз керак? Ахир Гитлер ҳалқларни тас-
нифлашда арабларни энг охирги ўринда қўйган-ку!.. Агар у
ғалаба қозонса، мамлакатимизни эгаллаб, нацизм бизга
сингидиради. Нацизм нима эканлигини биласизми? Бу тавқу
лаънат!..

Унинг олдида ўтирган аллақандай киши қўлларини
 силкитди:

– Етади, устоз! Биз бунақа фалсафиј гапларни ҳар куни
газеталарда ўқиимиз. Франция синаб кўрилди, энди навбат
Германияга келди. Уста унга хотиржам овозда жавоб
берди:

– Агар гап бир коса шўрва ҳақида бораётган бўлганида
сен ҳақли бўлар эдинг. Ва биз ҳам бунга рози бўлар эдик.
Аммо мамлакатнинг тақдирни ҳеч қандай тажрибага ўйл
қўймайди. Гитлер деярли бутун Европани забт этиб бўлди,
лекин унинг бирон бир мамлакатга мустақиллик берганини
эшишдингизми? Фатҳ этилган мамлакатларнинг ҳалқлари
зулмдан инграб, очликдан ўлмоқда, унга қарши гоҳ қонуний,
гоҳ ноқонуний ўйллар билан кураш олиб боришимоқда,
Аллоҳдан эркинлик тилаб дую қилишимоқда.

– Уруш ҳеч кимга шафқат қилмайди.

– Аммо Германия вақти-вақти билан уруш оловини
ёқаётган бўлса, бунда инсониятнинг айби нима?

– Унинг эга бўлган ҳудуди кичиклик қиляпти.

– Унда ҳаммаси тушунарли. Гитлер ҳудудларини
кенгайтириб, кейин бутун дунёни забт этмоқчи.

– Француздар ва инглизлар ҳақида нима дейиш мумкин?
Улар энди анча яхши бўлиб қолишдими? Ақлингиз қаерда,
устоз?

Шунда гапга Исмоил Кўса аралашди: Тинчланинг, биз
шунчаки фикр алмашаяпмиз. Шахсий масалаларингизни
умум ишига аралаштирманг. Устоз яна гапини давом
эттириди:

– Франция ва Англия мустамлакачи давлатлардир,
иккаласи ҳам бизга душман. Германия – империалист
давлат, у ҳам бизга душман. Нима учун биз унинг ғалаба
қилишини хоҳлаяпмиз? Унинг енгилгани яхшироқ.

- Германия албатта ғалаба қозонади. Уни ким ҳам түхтата оларди? Русларми? Эртага улар ҳам мағлубиятга учраганини эшитиб қоласиз. Буни Гитлер дейдилар, устоз!

Устоз ўйланиб гапиради:

- Немисларнинг Россияга кириши унинг босиб олинганини англатмайди. Гитлердан олдин Наполеон ҳам русларни енгмоқчи бўлган, уларни босиб олишга ҳаракат қилган. Унга нима бўлди? Буни Москва дейдилар, Москва сизга Париж эмас!

Германия ва Гитлерни қўллаб-қувватлаган одам нима деб жавоб беришни билмай қолди. Афтидан, у Наполеон кимлиги ва унинг Россияни босиб олмоқчи бўлганлигини билмасди. У бир лаҳза жум бўлиб қолди. Кейин бир оёқларини чалиштириб ўтирганча шундай деди:

- Буни келажак кўрсатади.

Уста жилмайиб қўйди ва деди:

- Бу энг яхши жавоб¹.

Келажак устоз Комилнинг сўзларини тасдиқлади. Ханна Мина атайлаб икки ярим йилни ўтказиб юборади ва биз бошқа даврда, Совет Иттифоқи фашистлар Германиясини мағлуб қилган пайтда устоз билан учрашамиз.

Унинг фикрига кўра, устоз Комил илғор фикрлайдиган зиёлидир. У бандаргоҳ ишчилари касаба уюшмаси қошида тўғарак ташкил қиласди. Устоз Комилнинг ташки қиёфаси қўйидагича тасвиrlenган: баланд бўйли, аммо ҳаддан ташқари узун бўйли эмас, соchlар қора, юзи оқ, кўзлари тиник, қарашлари ифодали. У сабр-қаноатли, янги муҳитга тезда кўника алади, халқ ўтирадиган қаҳвахоналарни яхши кўради, қанчалик хилма-хил бўлиши ва қанча давом этишидан қатъи назар, қаҳвахонадаги баҳс-мунозаралардан ўзини четга олади.

¹. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 139-141.

Устознинг феъл-атворида бир ўзгариш рўй беради. Ат-Таруси билан суҳбат чоғида асаблари илгари тез чарчаганини айтади:

- أما الآن.. هناك بعض التقدم في هذه الناحية أيضاً.

- Энди эса бу борада қандайдир силжиси, яхши ўзгариш бор².

Комил Ат-Тарусийнинг дунёқарашини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, у Абуҳамидни тўғри йўлга солишга ҳамс ёрдам беради. У ҳар доим инсоннинг ҳолатини тушунади ва агар унинг руҳлантириш керак бўлса, керакли тўғри сўзни топа олади. Шундай қилиб, Ат-Таруси деярли ўз мақсадига эришдим деб турганида, яъни денгизга борай деб турганида, иккиланиб қолади: дўстлари уни курашдан қочаяпти деб ўйлашмайдими?.. Унинг аҳволини яхши англаган устоз Комил шундай деди:

- سافر.. سافر. أنت لم تخلق للمعنى كما قلت، ولا بد أن تعرف إلى البحر، فعد بسرعة إذن، عد منذ الغد. ولا تقلق على شيء، ولكن لا تنس شيئاً، وفي وسعك أن تكون معنا و إن كنت بعيداً عنا.. فحيثما كان الإنسان يستطيع أن يساهم في خدمة الوطن والشعب.

- Борақол, борақол. Сен қаҳвахона учун яралмагансан. Сен иложи борича тезроқ денгизга қайтиб боришинг керак, ҳамто эртагаёт.. Ҳавотир олма. Аммо бир нарсани ҳеч қачон унумта - сен биз билан бирга бўлишинг мумкин, ҳамто биздан узоқда бўлсанг ҳам. Инсон қаерда бўлмасин, Ватани ва ҳалқи учун хизмат қилиши мумкин².

Муаллифнинг ниятини билмаганиligимиз сабабли, Ханна Мина ушбу образни қай даражада муваффақиятли яратса олгани хусусида холоса қила олмаймиз. Бизнингча, ушбу образ орқали ёзувчи ўқувчини ўз дунёқараши билан таништиради. Агар шундай бўлса, у ҳолда ёзувчининг

¹. الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 155.

². الشراع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 352.

дунёқарашини унинг асарларида акс эттириш масаласини алоҳида мустақил тадқиқотда кўриб чиқиш керак бўлади.

Ханна Минанинг “Елкан ва бўрон” романидаги бир қатор ижобий образлар бор. Булардан бири – Аҳмад, бошпанасиз улғайган бандаргоҳ боласи. У Ат-Таруси таъсири остида ажойиб денгизчи ва унинг энг яқин ёрдамчисига айланган. Бу Ар-Раҳмуни, кичик мулк эгаси, машҳур капитан, темир иродали ва қалби пок одам. Мамлакат ватанпарвари сифатида у ўз шериги учун қурашиш учун мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Икки аёл образи романда муҳим ўрин эгаллайди – бу Умм Ҳасан ва Мария. Умм Ҳассан (ат-Тарусий уни шундай номлаган, асл исми Нагва) 12 ёшга етмасдан шафқатсизларча алданган қиз. У шармандалик ва разолат ичидаги оғир ҳаёт йўлини босиб ўтади. У бир неча йил давомида қўлма-қўз ўтиб юради. Бу ҳолат қиз Ат-Тарусий билан учрашиб қолгунга ва унга чинакам ошиқ бўлгунга қадар давом этади. Романинг охирида Ат-Тарусий унга яқин орада ўзининг қонуний хотини бўлишини айтади. Мария романда Ат-Тарусийнинг хотиралари орқали намоён бўлади. Ат-Тарусий Марияни кўп йиллар севган. Бу унинг “Ал-Мансур” кемасида Констанца деган румин бандаргоҳига борганида рўй берган эди.

Абу Мұхаммад, Абу Зукур, Халил ал-Ероний, Исмоил Куса ва бошқа персонажларни санаб ўтиш керак. Гарчи улар ушбу давр ва романда тасвиrlанган ижтимоий шароитларнинг типик вакиллари бўлса-да, уларнинг образлари тўлиқ очиб берилмаган, яъни характер даражасига кўтарилимаган. Шубҳасиз, санъаткор уларни алоҳида гуруҳ одамларни тавсифлаш учун жорий қиласи.

Романда Абу Рашид, Надим Мазҳар, Солих Бару, бандаргоҳ бошлиғи, маҳаллий полиция ва оккупация ҳоки-

миятлари вакиллари салбий персонажлар сифатида тасвиrlанган.

Биз Абу Рашид образини таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Абу Рашид – суряялик бойларнинг типик вакили эди. Романинг бошида биз унинг бандаргоҳ ҳудудидаги “энг катта одам” эканлигини билиб оламиз. Абу Рашид романда шунчаки “баржалар эгаси” деб номланган. Аммо унинг куч-кудрати ва обрў-эътибори, таъсирини қуидаги ибора билан ифодалаш мумкин:

و فيما عدا ذلك كان خاتما في يد أبي رشيد.

– “Буларнинг ҳаммаси “Абу Рашиднинг бармоғидаги узук” эди”¹.

1938 йилда Туркия томонидан Искандерун бандаргоҳи қўшиб олингач, Сурияning Латакия бандаргоҳида ишлар фаоллашди. Абу Рашид пирс ва бандаргоҳ платформасида турган кемалар ўртасида юқ ташишни монополияга айлантирган. Кемалардан юкларни тушириш ва юклаш ишларининг барчаси унинг баржалари ёрдамида амалга оширилган. Ҳеч кимнинг ўз баржасини сувга тушириш ҳаққи йўқ эди.

Абу Рашид ўта мулойим ва хушмуомала одам. У ташқаридан қараганда бошқалардан ажralиб турмайди – “нозик жуссали оддийгина қария”. Ўта киришимли, сахий. Агар бирон нарса унинг обрў-эътиборининг юксалишига тегишли бўлса, ўзини сипо, хушмуомала тутади. Бандаргоҳ хўжайини ва ўзи либосини кўз-кўз қилувчи айрим кема соҳибларидан фарқли ўлароқ, у жуда камтарона кийинади. Унинг обрў-эътибори ҳақида эшитган, ўзини эса кейин кўрганлар унинг ўша одамлигига ишонмайди.

Бироқ бу ижобий томонларнинг барчаси, илк қарашда, алдамчидир. Бандаргоҳда ҳамма ундан қўрқади. Абу

الشرع والعاصفة، بيروت 1966، ص. 22.

Рашид яхши кўрадиган кишиларга ҳар доим иш топилади, агар у ёқтирилдиган киши бўлса, дарҳол бандаргоҳни тарқ этиши керак бўлади; акс ҳолда, эртаси куни унинг танасини денгиз тубидан топиш мумкин бўлади.

Ат-Тарусий унинг қаҳр-ғазаб объектига айланади. Бунинг сабаби унинг қаҳвахона очгани эмас, балки бандаргоҳ ишчиларига "ёмон намуна" кўрсатгани эди. Одатдаги ҳийла-найранг – қотил Солих Барунинг юборилиши – бу сафар муваффақиятсизликка учрайди. Ат-Тарусий жангда ғолиб бўлади.

Абу Рашид Ат-Тарусийни йўқ қилиш режасини амалга оширишга шошилмасликка қарор қиласди. Чунки у бандаргоҳ ишчилари орасида жуда машҳур бўлиб кетганди. Балки-да унинг машҳурлиги қачондир Абу Рашидга қўл келиши ҳам мумкин эди-да!?

Сиёсатда Абу Рашид "Миллий блок" партиясини қўллаб-қувватлади. Партия "мустақиллик"ка эришилгач, сайловда ғалаба қозонади. Шундан кейин Абу Рашидинг шаҳар миқёсидаги обрўси янада ошади.

Абу Рашид бошқа бир буржуа партиясини қўллаб-қувватлаган Надим Махзар билан тўқнашувда ҳам бандаргоҳ ишчиларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи Ат-Тарусий билан тўқнашувда можаро томонларидан бирини қўллаши керак бўлади. Устоз Комил устоз айтганидек:

"الكتلة الوطنية و الكتلة الشعبية من طينة واحدة" و نديم و أبو رشيد يفتلأن
لمصلحة شخصية.

"Миллий блок ва Халқ блокининг хамиртуруши битта эди". Надим ва Абу Рашид ўзларининг шахсий манфаатлари учун курашмоқдалар¹.

Надим билан тўқнашувда Абу Рашид аниқ устунлик қиласди. Аммо Ат-Тарусий бу можарода ўз позициясини топширади. Ат-Тарусининг фаол иштироки туфайли

¹ الشراح والعاصفة، بيروت 1966، ص. 16.

бандаргоҳ ишчиларининг касаба уюшмаси тузилади, яъни уюштирилган куч Абу Рашидга қарши туради. Ат-Тарусий йўлга отланар экан: "Мен кетяпман, аммо қолганлар шу ерда қолишади. Жабр-зулм албатта барҳам топади" деб ўйлади.

Шундай қилиб, Ханна Мина мураккаб ғоявий-тематик асосга эга бўлган бадий асар яратди. Унинг асарида мавзува ғоялар кўп. Ат-Тарусий образи бизни қатор саволларга рўбарў қиласа, Абуҳамид образи бошқа саволларни келтириб чиқаради, устоз Комил образи эса яна бошқа... Бироқ, роман мафкуравий жиҳатдан бойлиги ва турфа хиллиги билан марказий муаммо, асосий ғоя атрофида бирлаштирганини кўрамиз. Сурия халқининг ҳақиқий мустақилликни қўлга киритиш учун курашиши ва чет эл қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши, ушбу кураш жараёнида халқ оммасининг миллий ва синфий онгини ўстириш муаммоси ана шундай муаммолардан ҳисобланади.

Халқнинг илғор вакиллари асар қаҳрамонлари қилиб танланган. Ёзувчи бадий образлар орқали икки дунё - золимлар дунёси ва мазлумлар дунёси ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг ёрқин тасвирини яратади.

Ва ниҳоят, романдаги ҳар бир персонажнинг хатти-ҳаракатини ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан баҳолаган ҳолда Ханна Минанинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар нуқтаи назаридан аниқ баҳолаб, ўқувчидаги муҳаббат ёки нафрат ҳиссини уйғотади, уни ғоявий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялади.

Ханна Мина реализмининг кучи қаҳрамонни ва муҳитни энг ингичка ришталар билан боғлашда қобилиятида намоён бўлади. Бу бутун сюжет ривожи, хусусан унинг ҳал қилувчи дақиқаларини янада кескинлаштиради. Ёзувчи барча асосий ижтимоий синфлар ва гуруҳларнинг вакилларини ўзида акс эттирувчи асарни яратар экан, кенг доирадаги материалдан фойдаланади. Унинг қаҳрамон-

лари ички муҳитга сингиб кетишган. Кенг майший манзара ва кузатувлар қаҳрамонларни ижтимоий жиҳатдан тавсифлаш, уларнинг инсоний фазилатларини очиб бериш воситаларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ташқи дунё, турмушнинг кундалик ташвишларини акс эттириш принципларининг ўзи ҳам услуг алматлари ҳисобланади, кундалик майший турмуш сўзларидан тубдан фарқ қилувчи, асарнинг ўзига хос эстетик тузилишини тавсифлайди. Майший турмуш "Елкан ва Бўрон" асарида инсоннинг ўзига хос турининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади (бу ерда бандаргоҳ ҳаёти кўзда тутилади). Агар, масалан, Ханна Мина бандаргоҳ ишчиларининг ҳаёти аниқ ва тўлиқ акс эттирилмаган бўлса, ва унда фақат инқилобий манзаралар ҳамда хроникал тарихий тасвирларгина бўлганда эди, эҳтимол танқидчилар учун роман мазмунини маълум бир тушунчалар тизимида ифода этиш осонроқ бўлган бўлар эди. Аммо бундай ҳолатда мураккаб ғоявий-бадиий муаммоларга тўла бўлган "Елкан ва Бўрон" асари ҳам, мураккаб тақдир эгаси Ат-Тарусий ҳам бўлмаган бўлар эди.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда қуидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Ханна Мина ўзининг "Елкан ва бўрон" романida ҳалқ оммасининг миллий онгининг ўсиши ва уларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашини тасвирлаш вазифасини кўйган. Бундай ғоявий-тематик асос, аввало, асар қаҳрамонлари - ҳалқнинг илғор вакилларини танлашда ўз таъсирини намоён этган.

2. Суриялик ёзувчи ушбу романда ўз қаҳрамонларини ривожланиш, олға силжиш ичидаги кўрсатиб берган. У, энг аввало, нисбатан бошланиб, кейинчалик, бу образларнинг феъл-атворларидаги туб ўзгаришлар, уларни мустақиллик учун курашчиларга айлантирган омиллар билан яқиндан қизиққан.

3. Ханна Мина ўз асарларида кўплаб кундалик эпизодларни тавсифлаш орқали бош қаҳрамонларнинг характерлари, уларнинг инсоний фазилатларини очиб беришга эришади. Ўз асарларида жамиятдаги барча асосий ижтимоий қатлам вакилларини ёрқин тасвирларини намойиш этар экан, у ўша даврга хос жамиятнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган анъанавий қадриятлар қулаётган ва янги қадриятлар юзага келиб шаклланаётган мураккаб қиёфаси (манзараси)ни яратади.

2.2. Ханна Мина романлари поэтикаси¹

ХХ асрнинг 60-70-йиллари Сурия насрида мамлакат ўша пайтда бошдан кечирган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўлиқ ўз аксини топган. Бу даврдаги сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий тенгиззлик, ишсизлик, ҳокимият ва ер эгаларининг ўзбошимчаликларидан азият чекаётган меҳнаткаш ҳалқнинг оғир турмуш шароитлари ўз аксини топган ўзига хос асарлардан бири таниқли суриялик ёзувчи Ханна Минанинг "Ташқарида қор" (1969) романи бўлса, иккинчиси адабнинг "Булутли кунда чиққан қуёш" (1973) романи ҳисобланади. Суриялик ёзувчиларнинг адабий маҳсулотлари бўлган, воқелик реалистик жиҳатдан акс эттирилган ўзига хос услугга эга бўлган асарлар тадқиқот учун объект сифатида танланди. "Ташқарида қор" (1969) романи қирқинчи йиллар охири ва эллигинчи йиллар бошларида содир бўлган воқеаларга бағишиланган.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин 1946 йилда Сурия ҳалқининг мустақиллик учун француз ва инглиз босқинчиларига қарши кураши муваффақиятга эришди. Суриядаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда кескин ўзгаришлар рўй берди. Ушбу ўзгаришлар Сурия жамиятининг ҳеч бир

¹ Тадқиқотда "поэтика" деганда ушбу адабиётшунослик терминининг кенг кўламли изоҳи тушунилади.

ижтимоий қатламини четлаб ўтмади, уларга муайян даражада ўз таъсирини кўрсатди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши миллий маданиятнинг ривожланиши учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратди.

Аммо ҳаёт мураккаб экан. Мамлакатнинг ўта мураккаб ташқи (халқаро) ва ички шароитлар ичida янги ижтимоий-сиёсий мақомга эга бўлди. Дунёдаги икки сиёсий ва мағкуравий тизим ўртасидаги кураш, халқнинг анъанавий дунёқарashi ва инсонлар онгида юз бераётган янги тенденциялар ўртасидаги тўқнашувлар, зиддиятлар кескин ижтимоий-сиёсий вазиятларни келтириб чиқарди. Ижтимоий озодлик ҳаракатига раҳнамолик қилган миллий зиёлилар ўзларининг дунёқарашларидаги иккиёқламалик туфайли мамлакатда юзага келган муаммоларнинг тӯғри ечимини топишда кучсиз эканликларига амин бўлдилар.

Мамлакатда юзага келган мураккаб сиёсий вазият ва ижтимоий муҳит мамлакатда намойишлар ва иш ташлашлар кучайишига сабаб бўлди. Норозиликлар ва қарама-қаршиликлар миллий буржуазиянинг ўз ичida ҳам авж олди. Бир неча марта ҳарбий тўнтаришлар бўлиб ўтди. Диктаторлик режимларининг реакцион сиёсати прогрессив кучларнинг норозилигини янада кучайтирги. Мамлакатда илғор фикрлайдиган ва ватанпарвар одамларни қатағон ва таъқиб қилиш кучайди. Табиийки, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий мавхумлик ўша давр Сурия адабиётида акс этмай қолмади. Зоро бадиий адабиётнинг мақсади инсон тақдири, унинг маънавий дунёсини очиб бериш, унинг атрофдаги воқеликка муносабати бўлгани боис, мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларida рўй бераётган бу мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўша давр ёзувчилари асарларида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди.

Х.Мина ўзининг кескин танқидий, реалистик асарлари учун Суриядаги реал воқеликдан бой ижтимоий, майший ва психологик материаллар олиб, улардан самарали

фойдаланган. Унинг асарларида у жамиятнинг турли соҳалари – зиёлилар, давлат хизматчилари, ходимлар ва бошқаларнинг нуқтаи назарлари, кайфиятини акс эттирган.

Х.Минанинг “Ташқарида қор” (1969) ва “Булутли кунда чиқан қуёш” (1973) романларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу Сурия адабиёти учун янги ҳодиса, янги муносабатларнинг юзакга келиши, воқеликни янгича идрок этиш, муаллифнинг янги позицияси ҳисобланади.

“Ташқарида қор” романининг негизида қаҳрамонларнинг жамият билан тўқнашуви ётади. Х.Мина халқ ҳаётини унинг алоҳида вакиллари образи орқали таҳлил қилаётib, халқ ҳаёти ва давр ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қиласди. Қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолиятини, ўша замон ижтимоий ҳаётининг ёрқин манзарасини очиб беради, реал ҳаётни янги тафаккур ва янги муносабатлар, инсоннинг шахс сифатида ўз-ўзини англаши асосида ижтимоий ҳаётни қандай қайта қуриш кераклигини очиб беради. Шу боис, муаллиф, иложи борича, ҳаётнинг ушбу босқичига хос бўлган белгиларига кўра танлайди. Асарда кенг қамровли ижтимоий муаммолар таҳлилига ўрин берилган.

Романинг бош қаҳрамонлари Фаёд, Халил ва Юсуф исмли шахслардир. Уларнинг шахси ва фаолиятлари орқали муаллиф ўша даврда Сурияда мавжуд бўлган воқеликни кўрсатишга ҳаракат қиласди. Улар халқнинг турли қатламлари орасидан чиқсан вакиллардир. Фаёд илғон қарашларга эга ёзувчи, аммо ҳали унда майда-буржуя мағкурасининг хусусиятлари сақланиб қолган. Унинг ишқ-муҳаббат, меҳнат ҳақидаги ғоялари, ўрни келганда аниқ қарорлар қабул қилишда иккиланишида ўша майда буржуя характеристининг баъзи қолдиқлари намоён бўлади.

Халил – оддий ишчи, касаба уюшмаларида фаол ва ишчилар турмушини яхшилаш учун ташкиллаштирилган иш ташлашларда қатнашади.

Юсуф ҳам оддий одам, ўқувончу ташвишлари билан банд, шубҳа ва умид унга бегона эмас.

Умуман олганда, романнинг бу учта қаҳрамони образларида муаллиф жамиятнинг замонавий ижтимоий ҳаётини очиб беради.

Романнинг композицияси унинг мазмунини очиб беришга хизмат қиласди. Унинг асосий ғояси шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлиги учун кураш, унинг мустақиллиги ва қадр-қимматини кўтариш, муносиб ҳаётга бўлган ҳукуқларини тиклаб, ҳимоя қилишдан иборат. Бу янги қаҳрамоннинг пайдо бўлишига, унинг феъл-атвори, орзулари ва қизиқишларининг ўзгаришига олиб келади.

Мавжуд воқеликни рад этиш тўғридан-тўғри романнинг бошида ўз аксини топган. Роман қаҳрамоннинг ҳаяжонли нутқи билан бошланади ва бу нутқ китобхонни ташвиш, мавхумликка олиб киради...

“Киз уни кўриши билан баланд овозда сўради:

– Ҳали сени ҳибсга олишмадими?”

Кескинлик, қарама-қаршиликлар ичida, янгиликнинг эскилик билан курашида Х.Мина ижтимоий воқеликда пайдо бўлаётган янгиликларни тасвирлашга ва уни бадиий гавдалантиришга уринади. Муаллифнинг олдинги асарларидан фарқли ўлароқ, “Ташқарида қор” романни қаҳрамонлари тарихга ва борлиққа, шунингдек жамиятга, мавжуд воқеликка қарши турадилар. Бутун илдизлари билан роман давр билан чамбарчас боғлиқ. Фаёд образи – ўсиб бораётган зиёли, ўз мамлакати фуқаросининг тимсолидир. Унинг фикрича, асрлар давомида мавжуд бўлган қонун-қоидалар ҳамма нарсани йўқ қилиши мумкин.

Унинг орзу-армонлари, қизиқишлари диққатга сазовор. У янги идеал эгаси, ўтмишдан қолган ақидалар, тартиб ва идеаллар душманидир. Бу Сурия романидаги янги қаҳрамон бўлиб, у одамларнинг алоҳида зотига мансуб, чунки у мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг ҳаёти фожиаларга тўла. Фаёд маҳаллий ҳукуматнинг таъқиб ва қувғинларидан қочиб, Ливанга кетади. Давр характерини унинг ҳаёти ва тақдирни, уни исёнга олиб келган ҳаётий вазиятлар орқали билиб олиш мумкин. Асосий конфликт ҳар бир персонаж ва ташқи муҳит ўртасидаги зиддиятлар билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади ва ривожланади.

“Булутли кунда чиқкан куёш” романнинг сюжети асосида ижтимоий характердаги можаролар ётади. Ушбу романда Ханна Мина битта оила, барча қарама-қаршиликларни ўзида мужассам этган жамиятнинг энг кичик микроэлемент ҳисобланган бир оила доирасидаги мураккаб ижтимоий конфликтни очишига ҳаракат қиласди. Вазият анъанавий – оталар ва болалар ўртасидаги конфликтни муаллиф қаҳрамонлар ва жамият орасида юзага келадиган зиддиятлар билан янада мураккаблаштиради. Аниқ инсон исмларининг йўқлиги романнинг яна бир ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳар бир қаҳрамон ўзига хос тип ҳисобланади. Ўқувчи унда ўзини, қўшишини, дўстини, отасини, ака-укасини кўра олади. Бу эса муаллиф айтмоқчи бўлган нарсадир. Асосий конфликт ота ва ўғил ўртасида, оиланинг ҳар бир аъзоси ва ташқи муҳит ўртасида юзага келади ва ривожланади.

Ота майда буржуазия вакили бўлиб, француз босқинчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. У оддий одамларга нисбатан қўлланаётган шафқатсиз қатағонларда иштирок этади. Буни эшитиб, ўғли отасидан қаттиқ нафраланади. Ўз уйини тарқ этиб, у прогрессив фикрлай-

диган ёшлар сафига қүшилади ва чет эл босқинчилариға, ўз отаси ва унга ўхшаш одамларга қарши фаол курашни бошлайди.

Романда ўша пайтдаги ижтимоий тузумни кескин танқид остига олинади, оддий одамларни хўрлаш, баҳтсизлик ва қайғу келтирадиган вазиятлар очиб берилади. Машҳур араб адабиётшуноси Ханна Аббуд ушбу роман қаҳрамони ва М.Горькийнинг "Фома Гордеев" романининг қаҳрамони ўртасида қандайдир ўхшашлик борлигини таъкидлайди¹.

Романнинг бош қаҳрамони бўлган "ўспирин" монотон ҳашаматли ҳаётдан халос бўлишни истаб, ханжар тутиб рақс тушишни ўрганмоқчи бўлади. Ханжар билан рақс тутиш оддий одамлар тушадиган рақс ҳисобланади.

М.Горькийнинг романи қаҳрамони Фома Гордеев сингари, у ҳам уни ўраб турган воқеликдан жабр кўрмоқда эди. У оддий одамлар орасида, уларнинг ташвишлари, эҳтиёжлари ва фикрлари билан яшашни хоҳлайди ва бу одамларнинг қашшоқлик ва баҳтсизликдан халос қилиш йўлини излайди. Рақс ва санъати билан бу ёш йигит қийин ҳаётни кўрсатишга ҳаракат қиласи ва ханжар – куч-кудрат рамзи, шахсияти тасдиғи, исён рамзи ва ниҳоят, кураш рамзидир.

Ота ва ўғил ўртасидаги можаро оила низоси эмас, бу можаро икки синф – эксплуататорлар ва эзилувчилар орасидаги тўқнашув ҳисобланади. Роман сюжетининг асосий лейтмотиви – бу бош қаҳрамон – ёш йигитнинг майда буржуазия ботқоғидан қутулиб чиқиш ва адолат учун фаол курашишга интилиши ҳисобланади.

Роман сюжети ривожланишида аёллар (бу ўспириннинг онаси, синглиси, амакисининг қизи, ертўлада яшовчи

¹ Ханна Аббуд Сурия романидаги бош қаҳрамон образи ҳисобланади.
Ал-Маукиф ал-Адабий, Дамашқ, февраль, 1982, №129. -130. -с.80

аёл, порт хўжайнининг хотини ва бошқалар) ҳам иштирок этади. Уларнинг ҳаёти Х.Мина томонидан ҳаққоний равишда ҳаяжон ва қайғу билан тасвирланади.

У аёл муаммосини тафаккур ва бадиий жиҳатдан ишловнинг энг юқори даражасига қўтаришга ҳаракат қиласи. Х.Мина оддий суряялик аёлларнинг тақдири, уларнинг азалий азоб-уқубатлари, уларнинг кўп асрлик итоаткорлик ва хокисорликдан уйғотиш, зулм ва қонунсизлик, адолатсизликларга қарши исёнини кўрсатишга ҳаракат қиласи. Композиция жиҳатдан "Булутли кунда чиққан қуёш" романи Х.Мина қаламига мансуб асарларнинг энг мураккаби ҳисобланади. Асар композицияси сюжет қурилиш ва ривожланиши, ёзувчи тасвирлаган ҳаётий муносабатларнинг мураккаблиги, ҳаётий муҳити билан чамбарчас боғлиқ.

Х.Мина романларининг сюжет-композицион хусусиятларини кўриб чиқиш ишини якунлаган ҳолда унинг романлари сюжети негизида ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий характердаги, жамият ва мавжуд воқеликка хос, муаллиф тасвирлаган тугунлар ётади. Композиция нуқтаи назаридан ушбу романлар энг мукаммал ҳисобланади. Улар ўқувчи эътиборини асосий қаҳрамонлар тақдиридан чалғитувчи асоссиз кескинликлар, сохта эпизодлардан холи эканлигини таъкидлаш мумкин.

III БОБ. ХАННА МИНА ИЖОДИ ВА XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ СУРИЯ АДАБИЁТИ

Сурия адабиёти, бутун араб дунёси адабиёти каби, бугунги кунда хилма-хиллик, мураккаблик ва номувофиқлик – маданиятнинг бир меъёрда ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларга эга бўлди. XX аср Сурия адабиёти бизга шахс тақдиди ва тарихий тақдирларни бир-бирига боғлайдиган бир қатор романларни тухфа этди: Н.Сулаймоннинг “Тутқун” романи (1972); “Ёзда ёққан қор” (1973), Абдулазиз Ҳилолийнинг “Қашшоқликни биладиганлар” (1974), Хайрий аз-Заҳобийнинг “Оддий кишилар олами” (1976), “Ажойиб кунлар парвози” (1977)¹ романларида қаҳрамонлар дунёга ўз таъсирларини кўрсатадилар. Асарлардаги психологияк замон тарихий давр билан чамбарчас боғлиқ кечади, унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу асарлар, хусусан, “Ажойиб кунлар парвози” номли психологик роман осонгина бошқа романларга қўшилиб кетади (трансформацияланади) – даврлар, борлиқдаги муаммолар инсоннинг тарихий маъсулияти муаммолари ичida янада аниқшади, шахсий фожиалар реал дунё катализмларини акс эттиради, чунки уларда қаҳрамонлар ўзларини нафақат тарих ичida ҳис қиласидар, балки тарихнинг ҳаракатланувчи кучи сифатида идрок этади.

Сурия адабиётидаги реал анъаналар Нобил Сулаймон “Диросат фи ар-ривоя ал-арабија”; Аднан ибн Зарил “Адаб ал-қисса фи-с-Сурия”; Фейсал Саммак “ал-Воқеа ар-ривоя ал-Сурия” каби танқидчиларнинг кўплаб чиқишлирида муҳокама мавзусига айланди. Санаб ўтилган номлардан шу нарса кўриниб турибдики, асосий эътибор романга

¹ Санаб ўтилган китоблар, табиийки, бир хил қимматга эга эмас, улар орасида шунчаки юзаки ва ортиқча модернистик характерга эга бўлганлари ҳам бор.

қаратилди ва буни тушунса бўлади. Жамият онгидаги ўзгариш, силжишлар Сурия романининг жанр тузилишида ўзгаришига олиб келди. Тадқиқотчилар ҳикоянинг турли шакллари (публицистика, репортаж, драматик элементлар, диалогик шакл, сиёsat, ахлоқ муаммолари бўйича турли нуқтаи назарлар тўқнашуви) ва турли элементлари: лирик, шартли ва ҳқ. нинг уйғунлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ушбу тенденция, айниқса, Х.Минанинг “денгиз романлари”да яққол намоён бўлади. Х.Мина, уларни монтаж принципи бўйича боғлаган ҳолда “лавҳалар” билан ёзади. Суриялик танқидчи Н.Сулаймоннинг роман спецификасини “донадор тузилма”да кўрганлиги тасодифий эмас (Х.Мина, “Мовий чироқлар”).

Яна бир принцип (тамойил) “Елкан ва бўрон” романи негизида ётади. Муаллиф “тарихнинг танланган лаҳзалини”ни (1934, 1941-1945 йиллар) воқеаларни ўзига хос тарзда “қуюқлаштириш” йўли билан, етакчи қаҳрамонларнинг тақдирларини параллел равишда тасвирлаш орқали кўрсатишга интилган.

Танқидий реализм Ханна Мина, Фарис Зарзур, Хоний ар-Роҳиб ва бошқа бир қатор йирик сўз санъаткорларининг асосий ижодий усулига айланмоқда. Бундай адиларнинг фаолиятлари авж олган танқидий реализм доирасида бошқа адабий оқимлар, шу жумладан модернист оқимларнинг таъсирини кузатиш мумкин. Анъанавий реализм чегараларини суриб-силжитиб, ёзувчилар баённинг парчаларга бўлингандиги, вақт планининг ўзгариши, кинематографик монтаж каби бадий усул ва воситаларни ҳикояга киритадилар¹.

Агар Ф. Зарзур “Ҳасан Жабал” романидаги анъанавий реализм тарафдори бўлиб қолган бўлса, Хоний ар-Роҳиб

¹ Ироқ насли услуги ҳақида сўз юритар экан Б.В.Чуков ана шу мактуб манерасида ёзади. Қаранг: Народы Азии и Африки, №1, 1974, -с.94

"Минг бир кечा" романида Гарбий Европа адабиёти услуби ва композициясидан фойдаланади.

Сурияда чоп этиладиган "Ал-Маърифа" журналида (октябрь, 1980) нашр этилган "Романнавислар тажрибаси тўғрисида" номли мақоласида М.Горький ижодидан таъсирланган Ханна Мина ўзини танқидий реализмнинг издоши сифатида эътироф этади ва танқидий реализмнинг бошқа ижодий услублар билан ўзаро муносабати хусусида сўз юритади. Ёзувчининг фикрича, у буни "Булутли кунда чиққан қуёш" романида намойиш эта олган.

Ханна Мина «Романнависнинг тажрибаси тўғрисида» мақоласида "баъзи романнавислар ҳозирги вақтда Жойс, Фолкнер, Кафкага тақлид қилиб, Гарб модаси ортидан боришлоқда. Бу менга ёқмайди, мен уларга тақлид қилишни лозим топмайман. Биз ўз методимиз, хусусан, бадий ижодимизда асосий йўналиш бўлган ва шундай бўлиб қоладиган реалистик методда ёзишимиз керак"¹. Ханна Мина ватандош-ёзувчиларни гарбнинг ёзувчининг ўқувчи билан алоқасини мураккаблаштирувчи "энг янги" шаклларига қизиқишдан огоҳлантиради, асарларнинг кенг омма учун очиқлигини таъминловчи баённинг содда бўлишига чақиради, "Биз фикрнинг соддалигини сақлашимиз керак. Неруда, Маяковский, Арагон, Ҳикматнинг мисраларини ўқиб, мен уларни жуда яхши тушунаман. Шу билан бирга, мен бизнинг шоирларимизнинг баъзи шеърларини тушуна олмаяпман. Нега бундай бўляпти? Агар бу шеърият зиёли, ўқимишли китобхонбоп бўлмаса, унда бу кимлар учун ёзилган? Элита учунми? Бу менинг фикримча шундай. Уларда мен ўзимни, атрофимдагиларни, мамлакатим муаммоларини кўришим керак. ...

¹ مجلة "المعرفة" دمشق، أكتوبر 1980. ص. 125.

Фақат шундагина ёзувчининг китобхон билан алоқаси мумкин бўлади"¹.

Суриядаги сиёсий шарт-шароитлар кўп жихатдан ёзувчиларга ўз қарашлари ва ғояларини очиқ ифода этишларига тўсқинлик қилди. Айнан шу нарса баъзи ёзувчиларнинг ҳикоянинг ретроспектив табиатига боғлиқлигини танқид остига олади. Агар Х.Минанинг "Елкан ва бўрон" асари бизни Иккинчи Жаҳон уруши томон етакласа, Х.Ар-Роҳибининг "Минг ва икки кечা" асарида 1967 йилдаги уруш воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу китобларнинг долзарблиги бугунги воқелик билан чамбарчас боғлиқда намоён бўлади².

Сурия романининг ўзига хос жанр анъанаси йўқлиги сабабли, танқид унинг келиб чиқишини Европа романлари билан боғлайди. Сурия романининг шаклланишига сезиларли миср романнавислиги ўз таъсирини кўрсатганлигини таъкидлаш керак. Гарбдаги адабий жараён билан ўзаро муносабатлар, шубҳасиз, Сурия романи ва умуман, замонавий Европа адабиётидан олинган миллий муаммолар ва ифода шаклларининг комбинациясида ўз ифодасини топган насрнинг ўзига хос хусусиятларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Суриялик танқидчи Хусам ал-Хатиб

¹ Бу ерда Ханна Минанинг ёзишича, бу унинг сўз санъаткори сифатидаги олий мақсадидир: "адабиётнинг роли" фақат унинг коммуникатив вазифа бажариши, яъни "ўзи биладиган, ўйладиган, хис қиласидиган нарсани бошқаларга улашиш"дан иборат эмас. Агар бундай бўлганида адабиёт кераксиз бир заминда юзага келган бўларди, "ўйлаб топилмасди". Унда бошқа нарса борга ўхшайди ва бу коммуникатив муносабатлар ва долзарб муаммолар билан боғлиқ эмас. Бу қандайдир ортиқча нарса, ва бу "ортиқчалик"да адабиётнинг қалби, жони борга ўхшайди. Акс ҳолда адабиётнинг оддий, кераксиз журналистикадан ҳеч қандай фарқи бўлмас эди.

² Танқиднинг камчилиги Сурия адабиёти ҳаётнинг айrim қатламларини етарли даражада ўзлаштира олмагани, инсон типлари билан танишув бадий кашфиёт бўлиши мумкинлигига намоён бўлади.

ўзининг "Фарб таъсирининг йўллари" мавзули (1973) тадқиқотида шундай таъкидлайди: "Сўнгги ўттиз йилликда суря романи катта муваффақиятларга эришди. Қисқа муддат ичидан сурялилк ёзувчилар Фарб насли ўз тараққиётида бошидан кечирган узоқ босқичларни босиб ўтдилар".

Замонавий араб роаннавислиги, жумладан суря романчилиги, сўнгги йилларда араб дунёсининг турли мамлакатлари танқидчилари ва адабиётшуносларининг диққатини тортмоқда. 1981 йил август ойида Байрутда нашр қилинадиган "Ат-Тарик" журналининг ушбу жанрга бағишиланган маҳсус сони чоп этилди. Машхур ливанлик ёзувчи ва танқидчи Муҳаммад Дақруб ўзининг кириш мақоласида шундай ёзган эди: "Ушбу маҳсус сонни нашр этишга бизни воқеаликнинг ўзи ундади, сўнгги ўн йил давомида биз турли араб мамлакатларида роман жанрининг кескин ўсганига гувоҳ бўлдик. Шеърият бизда тарихий нуқтаи назардан энг кенг тарқалган жанр бўлишига қарамай, унинг илдизлари тарихимизнинг туб-тубига бориб тақалади, роман "мавқеларни эгаллаб ола" бошлади ва шеърият сингари кенг ёйила бошлади. У ҳам машхур жанрга айланмоқда"¹.

Аммо сурялилк танқидчиларнинг замонавий романчиликка қарашлари кўп жиҳатдан бир-бирига зид эди. Ушбу муҳим жанрнинг ҳолати баъзиларнинг ташвиш ва норозилигига, бошқаларнинг эса юксак баҳоларига сабаб бўлди. Масалан, танқидчи Набил Сулаймоннинг фикрича, профессионал бўлмаган ёзувчилар учун роман ёзиш – қўшимча машғулот бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у схематик ва иллюстратив ҳисобланади, ҳаваскорлик ҳаётни, хусусан, унинг янги қатламларини, янги ҳодисаларини бадиий тадқиқ этишга халақит беради.

¹ مجلة "الطريق" دمشق، أغسطس 1981. ص. 87.

Адиб Абдусалом ал-Ужайлий романнинг ривожланиш ўйлини бадиий материалнинг ижтимоий воқеелик билан ўзаро муносабати ва унинг тасвири асарда диалектик яхлитликда кўради.

Шубҳасиз, шакл ва мазмунга бундай материалистик ёндашув жанр ривожланишининг асосий омили бўлиб, ҳаётнинг ижобий ва салбий томонларини акс эттирувчи алоҳида асарнинг роли ва аҳамияти унинг ижтимоий ҳаётга таъсиридан иборат бўлади¹.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига Суря насли устидан олиб борилган кузатувлар бир томондан, қолоқ архаик шакллар ва диний ақидалар, иккинчи томондан, Фарбдан кириб келган ва кўпинча провинциал даражада нусха кўчирилган модернист-формалистик услугуб ва методларга секин-аста барҳам бериш жараёни давом этганлигини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда замонавий Суря адабиёти ривожланишидаги оммавий тамойил, илгаригидек, ижтимоий йўналиш бўлиб қолди. Масалан, Хайрий ал-Заҳобийнинг "Оддий олам" китоби ёки X.Ҳайдарийнинг "Зимистон вақт", "Ярақлаш" номли тўпламлари ижтимоий тузумни фош этувчи адабиётнинг анъанавий қонунларига биноан яратилган. Айнан шу фош қилувчилар сурялилк носирларнинг илғор гуруҳига раҳбарлик қилганлар ва яқин келажақда вазият ўзгариши мумкин деб тахмин қилиш учун асос йўқ эди. Суряядаги ижтимоий пафосдаги адабиёт узоқ вақт давомида машҳурликни қўлдан бермади.

Дарҳақиқат, чинакам сўз устаси, реалист ёзувчи ҳаёт воқеаларини, тарихий шахсларни шунчаки тасвирлаш

¹ Сурялилк мунаққидлар илк бор мавзуга мурожаат қилганлик учун мақташ керак эмаслиги ҳақида сўз юритганлар, чунки бунинг остида эҳтиётсизлик билан қилинган иш яширин бўлади, бундай асарлар зерикарли ваортиқчадир.

йўлидан бормайди, аксинча, инсоннинг яхлит мураккаб қиёфасини қайта яратишга, унинг қарама-қарши томонларини ўрганишга, ички зиддиятларининг моҳияти ва сабабларини очишига интилади.

Одамнинг ўз эътиқоди учун олиб борган кураши мисолида даврнинг зиддиятлари, ижтимоий-синфий зиддиятларини аниқлайди, уларни алоҳида шахснинг тақдири орқали тўғри ва ишончли акс эттиради. Ёзувчининг ижодий маҳорати қаҳрамонлар характеристи ва ҳаёт шароитларининг диалектик бирлигини бадиий тасвирилашда яққол намоён бўлади.

Инсон ички дунёсининг учта таркибий қисми – тафаккур, ҳис-туйғу ва хаёлот – ҳам бадиий услубнинг табиати, ҳам ўзига хос бадиий вазифага қараб энг кутилмаган уйғунликка қодир эди.

Бир ҳолатда, ёзувчи ҳайратга, ларзага солган ҳаётний манзара туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин, бошқа бир ҳолатда, ёзувчи бирон бир вазият бу фикрни тасдиқлаши мумкин бўлган ҳолатга келмагунча, айтилмаган фикр билан толиқиши мумкин.

Аммо адабни қизиқтирган фикр уни бирон бир воқеълик моделини ёки “ҳаётга ўхшаш” манзараларда ёки шартли шаклларнинг очиқ иштироқида қайта яратишга ундаши мумкин. Ва ниҳоят, бадиий асар ёзувчи фикрларининг беллетризацияси сифатида юзага келиши мумкин.

Фояларнинг образга айланишининг ҳар бир алоҳида ҳолат, ҳар бир ўзига хос ижодий вазифага тенг ягона формуласи йўқлиги сингари, ғоялар ва образнинг ҳам уйғун бўлиши учун ҳам ягона формуласи ҳам мавжуд эмас. Ушбу хаёл парвозидаги ҳамма нарса муаллифнинг бадиий диди ва фикрларининг сермазмунлиги билан белгиланади. Агар фикрнинг ўзи, ривожланиши, унинг нозик жиҳатлари ва парадокслари бизни забт этмаса, унда асар бизга бадиий жиҳатдан кучсиз бўлиб кўринади. М.Слуцкис

“Баъзи ўқувчиларнинг ғазабнок шикоятларига шаклнинг ғайриоддийлиги эмас, мазмуннинг ғайриоддийлиги сабаб бўлса, шаклни ўзлаштиришнинг қийинлиги сабаби мазмуннинг маъносизлигидадир” – дея ёзади.

Ҳар қандай даврда ва барча санъат турларида ўта ҳиссий (эмоционал), тўғридан-тўғри ҳис қилиш учун шаффоф асарлар билан бир қаторда ўта интеллектуал асарлар ҳам бўлган. Турли даврларда улар турлича номланган: медитатив, фалсафий, интеллектуал ва б. Аммо уларнинг маъноси бир хилда – “ҳиссиёт тўсифи”дан чиқиб кетишига уриниш сифатида қабул қилинган.

“Манзара қолдиқлари” романида Х.Мина ўзининг болалик даврига мурожаат қиласди. Ўз болалигини ўша давр билан боғлаган ҳолда, муаллиф иқтисодий инқироздан кейин уйғониш босқичи, жамият ҳаётида ўзгаришлар юз бериши ва ўтмишдан келажакка кўчиш қандай бошланганлигини кўрсатишга интилади. Ушбу замон кесими давомида Н.Махфуз¹ ва Ю.Идрис каби адабларнинг ирреалликка қизиқишилари бўлганлиги кузатилиди. “Мовий лампалар” ва “Лангар” асарларининг Н.Махфуз трилогияси ва бошқа асарлари билан қиёсланиши қўйидагича хулоса қилишга олиб келади.

Мустақилликка эришиш ва одамларнинг ўз-ўзини англаш даражасининг ўсиши натижасида араб фуқаролиги ҳам шакллана бошлади. Ушбу жараён билан биргаликда, хусусан, янги адабий танқиднинг пайдо бўлиши ҳам чамбарчас боғлиқ. Балки, бу Х.Минанинг ижодига қизиқишининг ортиши сабаби бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ёзувчининг асарлари қайта-қайта нашр этилган ва экранлаштирилган бўлиши мумкин.

¹ Н.Махфузнинг ижоди ҳақида ўзбек шарқшуносларидан Г.Тошмуҳаммедова ва А.Мирсоатоваларнинг мақолаларига қаранг

Шу билан бирга, унинг ижодини танқидий ўрганиш доираси ҳам кенгайди. Нима учун у ёки бу ёзувчининг жамият адабий уфқида бир пайдо бўлиб, бир ғойиб бўлиши масаласи ёзувчининг истеъдоди ёки танқид тақчиллиги билан боғлиқ эмас. Бу алоҳида сиёсий масала ҳисобланади.

Х.Минага бўлган қизиқиш – янгиликка бўлган қизиқишdir. Бу ёзувчи Х.Минанинг ўша давр ижтимоий-сиёсий руҳини қабул қилган, идрок эта олган ягона инсон эканлигини англатадими?

Ҳар қандай шахс бирон бир жойда содир бўладиган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ташувчиси (идрок этувчи) бўлмаслиши мумкин эмас, деб жавоб беришдан осони йўқ. Бу ҳар бир жамият аъзоси (ижтимоий шахс)нинг адабиётдаги ўрни, у шахснинг тарихдаги ўрнини англатади. Оддий қилиб айтганда, ҳар қандай тарихий даврнинг вакили - ўша даврнинг вакили исобланади, чунки - у ўша даврнинг маҳсулидир.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, Сурияning маданий ҳаётида содир бўлган барча воқеа-ҳодисалар Х.Минанинг ижодида ўз аксини топган. Х.Миннинг 1954 йилда нашр этилган биринчи “Мовий чироқлар” романи Иккинчи Жаҳон уруши даврини Латакия шаҳрида рўй берган воқеалар доирасида тасвирлайди. Бунда ёзувчи шаҳарнинг ижтимоий тақдири ҳақида сўз юритиб, уни Сурия ва бошқа араб шаҳарларига нисбатан намуна сифатида тақдим этади.

Ғарб ёзувчилари одатда уруш тарихи ва унинг тақдири ҳақида сўз юритадилар, араб ёзувчиси эса уруш уйғотган ва унда бевосита иштирок этмаган жамиятни кўрсатади. Шунинг учун ҳам араб ёзувчиси ўз тақдирини белгилашга қодир бўлган шахсларни тасвирлаш билан банд бўлади. Араб ва европалик ёзувчиларнинг ёндашувларидағи фарқ арабларда маълумот етишмаслиги сифатида кўриб

чиқилиши мумкин эмас, бу мустамлакадан кейинги даврда араб жамиятининг ижтимоий тараққиёти даврининг табиий натижаси ҳисобланади.

Фарқ яна шундан иборатки, баъзи ижтимоий организмлар тарих, ундаги ўзгаришларни белгилайди, бошқалари эса тарихга бўйсунади. Айнан шу маънода уруш давридаги ҳаёт Н.Махфузнинг “Мидак тор кўчаси” романнада акс эттирган. Маълумки, “Тор кўча” асарида Миср гап боради, унда Миср Иккинчи Жаҳон уруши даҳшатларига дучор бўлган мамлакатдир. Х.Минанинг “Мовий чироқлар” романнада ҳам урушга қатнашмасдан, унга кўмак берганлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳа, улар ўз уйларини ниқоб остида муҳофаза қиласидилар, душманнинг ҳарбий самолётлари уларни сезмаслиги учун дераза ойналарини кўк рангга бўйдилар. Бироқ, бундай жамият унинг тақдирини белгиловчи қандайдир хатти-ҳаракатдан маҳрум бўлганида нимага эришади?

Қачонгача зарурроқ иш билан шуғулланиш ўрнига уйларнинг дераза ойналарини кўк рангга бўяш давом этади?

“Фарис” романнинг қаҳрамони - француз мустамлакачилигини бошидан кечирган одамдир. Романнинг биринчи қисмиди иккита кириш мавжуд: мавзу тасвири ва Фариснинг ҳикояси (тарихи). Фарис мавзеда юз берадиган барча воқеаларда иштирок этади. Мабодо бу турар жой мавзеси босқинчилар ва урушга қарши курашда чиниқкан бўлса, Фарис қамоқда чиниқади. Ёзувчи ишғолни яшаш мавзеси ва бутун мамлакат учун қамоқхона деб атайди. Мавзе аҳолиси француз босқинчилари ва уларнинг тараффорларига қарши кураш бошлайдилар.

Қаҳрамон таржима ҳолида бу билан янги саҳифа очилади. Қамоқхона ёш Фарисни чиниқтиради, унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кескин ўзgartиради.

في السجن عاش فارس فتى بين الرجال، ثم صار رجلاً مثليهم.. أضجه بسرعة ما رأى و ما سمع من شئون الحياة.

Қамоқхонада ёш Фарис ҳақиқий әркаклар орасыда яшаб, ўзи ҳам бошқалар қатори ҳақиқий әркакка айланади... У атрофдаги ҳаётда күрганлари билан тарбияланади¹.

Шундай қилиб, романнинг биринчи қисміда ёш Фариснинг ҳаёти мавзе тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бундай комбинация шахснинг таржимаи ҳоли жамият тарихи билан қандай боғлиқ бўлиши мумкинлигининг ёрқин далилидир.

Шахсий ва жамиятга хос жиҳатларнинг уйғунлиги йигитнинг чиниқиши ва у ёлғиз эмаслигини ҳис қилишига сабаб бўлди.

“Кейин у Абдуқодирни қўллаб-қувватлаб, жангларда иштирок этди. У қамоққа ташланганида, бундан ғазабланиб, у эшикни ичкаридан ура бошлади. У деворни уриб, тепиб, айнан шундай зарбаларни бошқа камерадан ҳам келаётганини эшитди ва ёлғиз эмаслигини англаб, қўшиқ айта бошлади”².

Шундай қилиб, романнинг биринчи қисміда муаллиф бутун мавзе ва алоҳида шахс босқинчилардан қутулиш учун қандай ҳаракат қила бошлаганлиги ҳақида ҳикоя қиласиди. Мавзедаги жонланиш, шовқин-суронлар Фариснинг теварак-атрофда нима бўлаётганини тушунишига ёрдам берди. Бу эса аниқ бир одам ҳаётининг у яшаётган жамият ҳаёти билан боғлиқлигини англатар эди. Қаҳрамоннинг тақдирни тасодифларга боғлиқ эди. Узоқлашиш, улкан, золим дунёда инсоннинг ўзини ўзи йўқотиши мотиви кучли жаранглайди, бу мотив араб адабиётида яхши маълум ва машҳур эди.

¹. المصايب الزرق. القاهرة. س. 1974. ص. 159.

². المصايب الزرق. القاهرة. س. 1974. ص. 24.

Романнинг иккинчи қисми ёш Фариснинг кейинги тақдирiga бағишиланган бўлса, биринчи қисмда муаллиф асосан ҳалқнинг мустамлакачиликка қарши курашини тасвирлайди. Бу жиҳати билан “Фарис” машҳур жазоирлик ёзувчи Котиб Ёсиннинг 1954 йилда француз тилида нашр этилган “Нажмо” романига жуда ўхшайди. Қамоққа олингунга қадар Ас-Сифатли билан бирга балиқ овлаш чоғида Фарис феодализмнинг нима эканлигини тушунади, уйда отасининг ўжарлиги ва консерваторлигини кўради, кварталда яшар экан, у бу босқинчилар ва уларнинг тарафдорлари ким эканлигини англаб етади, қамоқхонада маҳбус Абдуқодирнинг таъсири остида унинг миясида илғор фикрлар пайдо бўла бошлади. Фариснинг онгининг ўсиши типик бўлиб, у ҳам ҳақиқатни илк бор англаб етаетгандарга ўхшайди.

Муаллиф мустамлакачиларга қарши ҳалқ норозилигининг аста-секин ўсиб боришини кўрсатишга ҳаракат қиласиди, Фарис образини Суриядаги ҳалқ ҳаракатининг бурилиш нуқталари билан, оммавий тартибсизликлар, ҳалқ тўлқинининг уйғониш даврлари ва юқори даражага етган кескинлигини билан, шунингдек, ҳалқ ҳаракати хаталиклари билан боғлашга ҳаракат қиласиди.

Тўлиқ ва аниқ бўлмаган ҳамда шаклланиш, ўзгартириш, ривожланиш босқичида реал воқеликнинг мураккаб оқимида аниқ ва тўлиқ тасвирларни яратиш ўта қийин вазифа ҳисобланади.

Бу даврда ҳалқнинг эркинлиги ва мустақиллиги билан боғлиқ бир қатор саволлар пайдо бўлганлиги сабабли, табиийки, X.Минанинг қиссасида ҳалқнинг эҳтиёжлари ва манбаатларига жавоб берадиган ва унинг ҳаёти ва курашига оид мавзулар ўз аксини топган. Муаллиф қисса қаҳрамони бўлган Фарисни мавзе аҳолиси билан боғлаб, муваффақиятга эриша олдими?

Ас-Сифатли вафоти орқали муаллиф эски ҳаёт ниҳоя-сига етганилигини кўрсатади, аммо Фариснинг севгилиси Ранданинг ўлими қиссадаги бошқа ҳеч қандай воқеа билан боғлиқ эмас. Нима учун Ранда образи асарга киритилган? Ушбу образ асарнинг асосий мазмунида қандай роль ўйнайди? Агар Ас- Сифатлининг ўлими романда муайян роль ўйнаган бўлса, унда Ранданинг ўлими нимани англатади?

Роман тарихий нуқтаи назардан ҳам, нашр этилган даврга кўра ҳам суря романнавислигига ўз мазмуни билан янгилик (новаторлик) ҳисобланади. Бу билан у фундаментал асар саналади. Сурияда илк бор ҳақиқат адабий асарда ўз аксини топади. Унда илк бор халқ ҳаёти акс эттирилади. Қаҳрамонларга келинса, кўп сонли янги қаҳрамонлар намоён бўлади. Булар: миллий қаҳрамон, зиёли курашчи, аристократ аёл. Бу образлар Ханна Минанинг келажакда яратган романлари қаҳрамонларига айланадилар.

“Фарис” романни турар жой мавзесини, жамият, муайян тараққиёт даврларини тасвирлаш билан бошланади ва худди шу нарса, яъни янги тарихининг янги саҳифаларини очиб, мавзе ҳаётини акс эттиришдан бошланади.

Бир ёзувчи ўлароқ, Х.Мина учун қаҳрамонларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди – булар бандаргоҳ хизматчилари, савдогарлар ва зиёлилар бўлиши мумкин. Адид насрининг тубдан фарқ қиласиган бошқа бир хусусияти шу: ҳақиқийлик, ишончлилик (балки шунинг учун ҳам Х.Минанинг барча қаҳрамонлари жуда кинобоп персонажлар, улар визуал жиҳатдан ҳам ҳақиқий ва ишончлидир). Бироқ, унинг ўзи, яъни ёзувчининг ўзи ҳам ишончлидир.

Х.Минанинг романларида, илк таассуротларга қарамай, ижтимоий эмас, балки бадиий тавсиф муҳимроқ: етакчи персонаж – ёзувчининг ўзи ҳисобланади. Бундан ташқари,

гап автобиографик наср ҳақида эмас, балки кенг тўқимага асосланган адабиёт ҳақида бораётганлиги сабабли, ёзувчи (Х.Мина) турли қиёфаларда намоён бўлади. Аммо барибир китобхон муаллиф оқози эштилиб туради. Муаллифнинг ўзи ҳам адолат, севимли қаҳрамонларининг инсонпарварлик туйгуларини таъкидлаган ҳолда уларни биринчи планга чиқариб, яширмасдан тасвирлайди (Тарусий. Аҳмад).

“Елкан ва бўрон” жуда оддий, аммо илҳомлантирувчи асардир. Ушбу романда мамлакатда яшаб, озодликни ва цивилизацияга қайтишни кутаётган бир денгизчи ҳақида ҳикоя қилинади. У денгизга саёҳат қилишни кутади, у собиқ денгизчидир. У кўп йиллар кутгач ва ўзининг бўронга дучор бўлган дўстини кутқаргач, ниҳоят яна денгизда, бўронларда китобхон кўз ўнгидаги намоён бўлади. Асардаги воқеалар Иккинчи Жаҳон уруши йилларида, Сурияда мустақиллик учун курашлар давом этган даврда содир бўлади.

Бу ерда рамз реал ҳаёти билан уйғунлашади ва ундан келиб чиқади. Денгизга қайтишга уринган денгизчини озодликка эришмоқчи бўлган мамлакатга қиёслаш мумкин... Агар денгизчи бўрон билан жанг қилса, мамлакатлар империализмга қарши, бутун дунё эса фашизмга қарши курашади. Шунинг учун ҳам Мұҳаммад ибн Зухдий Ат-Тарусийнинг денгизга қайтиши шунчаки денгизчининг ўз касбига қайтишини эмас, балки бу мамлакат фуқаросининг стихияга ва мустамлакачиликка қарши курашга қайтишини англашади. Ат-Тарусийнинг ушбу курашда ўз мақсадига эришгани, шон-шарафга эга бўлганини англашади. Мамлакат эса ўз озодлигини кўлга киритади.

Ат-Тарусийнинг денгизга қайтиши – бу ҳаракатлар эркинлиги, фашизм устидан қилинган ғалаба рамзи бўлиб, инсоннинг ҳар бир киши табиат ва инсониятнинг душмани бўлган кучларга қарши курашиш орқали ўз-ўзини топишига ишонч-эътиқодини англашади. Ат-Тарусий ва

дengiz, яъни рамзий тасвиirlар ўртасидаги боғлиқлик романнинг муваффақиятини таъминлари ва унинг машҳуригини кўрсатади. Реал ҳаёт роман қаҳрамонлари образлари орқали ёрқин акс эттирилади. Агар капитан ва Сантьяго қўлга олишдан қониқмаётган бўлса, Ат-Тарусий ҳаётдан қониқиш ҳосил қилмайди, у дengизга қайтишини кутади.

Роман қаҳрамонларидан бири бўлган Ар-Раҳмуний бўрон пайтида ўз баржасида ҳалокатга учраганда, Ат-Тарусий ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, уни ҳалокатдан халос этиш учун йўлга отланади. Бу ҳаракати билан у қурол кўтарган ва Францияга қарши курашишга тайёр бўлган ватанпарварни эслатади.

Балки шунинг учун ҳам қатъиятли Ар-Раҳмуний ва Ат-Тарусий таваккал қилишга қарор қиласидилар. Елкан – тўқнашув рамзи эмас, елкан – бу Ат-Тарусий, Ар-Раҳмуни, бу – Ар-Раҳмунини қутқариш пайтида Ат-Тарусийга ёрдам берган ёш жасур дengизчи Аҳмаддир. Улар мамлакатини севган ватанпарварлардир. Демак, улар бўрон, яъни империализмга қарши кураш олиб борадилар.

Ат-Тарусий, худди X.Мина романларининг бошқа қаҳрамонлари сингари, ўз мақсадига жасорат ва инсонпарварлик билан эришишга ҳаракат қиласиди.

Агар романда Абу Рашид, Надим Мазҳар катта бойлика эга бўлса, Ат-Тарусий, оддий ҳалқ сингари орномус ва жасоратдан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмайди. Бу ерда Ат-Тарусийни Н.Махфузнинг трилогияси қаҳрамони бўлган Аҳмад Абдулжавод билан, ат-Тойиб Солиҳнинг “Шимолга кўчиш фасли” романи қаҳрамони, замонавий араб адабиётидаги энг ижобий адабий қаҳрамонлар ҳисобланган Мустафо Саид билан қиёслаш мумкин.

Агар Аҳмад Абдулжавод майда буржуазия вакили, Мустафо Саид зиёли образи бўлса, Мухаммад ибн Зуҳдий

Ат-Тарусий ҳалқ образи, оддий инсон, ҳаётнинг ўзи тоблаган одам сиймоси ҳисобланади.

Баъзан Ат-Тарусий кўпчиликнинг номидан гапиради, бу ерда, масалан, Ат-Тарусий ва дengизчилар ўртасидаги мулоқотни эслаш мумкин. Бу икки киши орасида бўлиб ўтган оддий сұхбати эмас, балки бир гуруҳ одамларнинг қаҳрамон билан сұхбатидир. Ат-Тарусий нафақат қандайдир Мухаммад ибн Зуҳдий, балки у озодлик ва ўз шарафигаэришмоқчи бўлган ватан рамзидир.

X.Мина роман контекстида алоҳида маънога эга бўлган кўплаб пейзажлардан асарда кенг кўламда фойдаланган.

اللاتيفية مدينة صغيرة على المتوسط، شاҳар манзарасини эслайлик: نافذة تنفس منها سوريا و تطل على العالم، فتأخذ و تعطي، تصدر و تستورد، جاعلة من مرتفعها هذا بوابة لها و لغيرها الذين يلونها في أبعاد اليابسة.
هذه المدينة الواقعة إلى الشمال الغربي من البلاد، قديمة بعض القدم في بنائها و عاداتها. إن الأخلاق، هنا، ترژح تحت كابوس التقليد، فالإقطاع هو السيد، و في ظله تنسى الحياة بالمحافظة والتحف.

Латакия – бу Ўртаер дengизидаги кичкина шаҳар, бу Сурия нафас оладиган, дунёга қараладиган кичкина түйнук бўлиб, у орқали олади, беради, ишлаб чиқаради, етказиб беради. У – қуруқликни тарқ этганлар ортидан ўз тўхташ жойидан чиқиб шлюз орқали кетаётган кема. Бу мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган, қадимиий уйлари ва эски урф-одатларига эга бўлган кичик шаҳар. Унинг урф-одатлари қадимиий анъаналарга мустаҳкам боғланган, дехқонлар бу ерда кўпчиликни ташкил этадилар ва улар ҳаётда жуда орқада қолгандар¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Елкан ва бўрон” – янги араб адабиётидаги энг ёрқин асарлардан бири бўлиб, унда ҳалқнинг жасорати мадҳ этилган.

¹ الشّرّاع و العاصفة، بيروت 1966، ص. 19.

Х.Минанинг кўплаб асарларида тарихга мурожаат кузатилади ёки тарихий фактлар асосида ҳақиқий вазият тасвиrlанади.

“Мовий чироқлар” романида муаллиф ўқувчни тарихий лаҳзалар ва тарихий қаҳрамонлар билан таништириб, инсон қандай ривожланиб бориши, ўз мақсадларига қандай эришишини тушунтиришга ҳаракат қиласди.

“Елкан ва бўрон” романида ёзувчи инсоннинг стихия билан курашиши, инсоннинг жамиятда шаклланиши жараёнини тасвиrlайди ва инсон қандай қилиб ор-номус ва шон-шарафга сазовор бўлганлигини кўрсатиб беради.

“Дераза ортида қор ёғмоқда” романида халқ ҳаётини айрим вакилларини тасвиrlаш орқали таҳлил қилас экан, Х.Мина давр ҳаёти ҳақида тасаввур яратишга ҳаракат қиласди. Фаёд, Халил ва Юсуф – асарнинг асосий қаҳрамонларидир. Уларнинг фаолиятлари орқали муаллиф воқеликни ҳаққоний тарзда акс эттиришга ҳаракат қиласди. Ёзувчи ўз асарини аввалги асарларида бўлгани каби табиат тасвиридан эмас, балки тўғридан-тўғри воқеаларни тасвиrlашдан бошлайди. У ўта муҳим масала – адолатсиз ижтимоий воқеликка қарши курашувчи сиёсий курашчининг ҳаётини олдинги планга олиб чиқади.

Х.Мина романига хос хусусиятлар, аввало, унинг ҳаётий позициясининг аниқлигига, воқеликни бадиий акс эттиришдаги ишончлик, рўй берган воқеа-ҳодисаларни эски дунё йиқилгандан кейин қашшоқлик, жоҳиллик, қолокликка қарши курашга белбоғлаган, ўз келажагини қуришга аҳд қиласди ҳалқ оммаси нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қиласди. Х.Мина асарлари қаҳрамонлари – заиф, шубҳаланувчи, иккиланувчи ҳақиқий одамлар ҳисобланади.

“Фаёд” романининг қаҳрамони маҳаллий ҳокимларнинг таъқиб ва қувғинларидан қочиб, Ливан сари йўл олади. Ҳукмрон давр характери унинг ҳаёти ва тақдиди,

унинг исёнига сабаб бўлган ҳаётий вазиятлар орқали маълум бўлади. Бу романда ҳикя қилинган потенциал нуқта ҳисобланади: Фаёднинг Ливанга кетиши. Фаёд нима сабабдан қочиб кетади? Нима учун у курашишни тўхтатди? Бу романнинг асосий мавзусидир.

“Мен сургундаман, қаерга борай? Минг лаънат!”.
– يا خالتي لا تكوني مثل أمري. لا أريد تذكري بالجوع والأولاد أنا أبحث. و أتالم
ولكنني لا أتعثر على عمل... وهذه ليست المرة الأولى ولا الأخيرة.

– Хола, менга онамнинг аҳволи қандайлиги, очлик ва болалар ҳақида эслата кўрма. Мен азобдаман, иш қидиряпман, лекин топа олмаяпман. Бу биринчи ҳам охирги марта ҳам эмас¹.

Фаёд, Халил, Умм Башир ва бошқаларнинг ҳаётий орқали Х.Мина мамлакатда очарчилик ва қашшоқлик ҳукмронлик қилаётганлигини кўрсатади. Одамлар иш топа олмаганлар. Кўпчилик иш топиш ва тирикчилик қилиш, пул топиш учун мамлакатни тарқ этишга мажбур бўлганлар. Бундан ташқари, маъмурлар илғор фикрловчи кишиларни таъқиб эта бошлаганлар.

Х.Мина роман контекстида алоҳида маънога касб этган бир қатор пейзажлардан фойдаланган. Масалан, шаҳар و جوزيف بفکر على هذا
манزاراتي اكس этган پئيزاجنى ےسلایمیز: “هذا خليل، من ثلاثين سنة و هو يناضل،
النحو: حقهم و يدافعون عنه. و قال في نفسه: ”هذا خليل، من ثلاثين سنة و في القرية
و هذا فياض و هذا (و تردد ثم أضاف) أنا“. في كل حي، و في المدينة و في القرية
كثير من أمثال أنا.. في كل شارع.

Жозеф шундай ўйларди: “Улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилганлар”. У ўз-ўзига шундай деди: “Мана Халил، ўттиз ийлдан бери курашиб келяпти. Бу эса Фаёд”. Ундан кейин у бир оз иккиланиб, сўнгра қўшиб қўйди: “Бу – мен. Тоғларда, қишлоқда, ҳар бир қўчада, ҳар бир мавзеда менга ўхшаганлар тўлиб ётибди”².

¹ الثاج يأتي من النافذة، دمشق 1969. ص. 311.

² الثاج يأتي من النافذة، دمشق 1969. ص. 36.

Романда азоб-уқубатларни бошдан кечирган, ўз ватанига қайтиш учун курашган одамнинг таржимаи ҳоли баён этилган. Романнинг мундарижасини турли хил одамлар билан юз берадиган муайян воқеа-ҳодисалар ташкил этади. Ёзувчи ҳаётий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда образларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворларини очиб беради.

Х.Мина ўз қаҳрамонларининг тақдири воситасида ижтимоий зиддиятларни бадиий акс эттиришга муваффақ бўлган. Бу эса романга ҳаётийлик бағишлайди. Араб халқ романлари анъаналари билан яхши таниш бўлган Х.Мина халқ бахти учун курашган қаҳрамонларининг айрим жасоратларини тасвирлайди. Аммо эпос қаҳрамонининг ғайритабиий имкониятларини алоҳида ажратиб турувчи анъанадан фарқли ўлароқ, Х.Мина ўз ўқувчиларини шундай хулосага келтиради, адолатли ижтимоий тузумни бир киши, ҳатто у энг буюк қаҳрамон бўлса ҳам, бир унинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этиб бўлмайди, бундай тузумни ҳатто дин воситасида ҳам қуриб бўлмайди. Бунга фақат халқни жалб қилибгина эришиш мумкин.

Ханна Мина романлари ёзувчининг фикрлари билан безалган эстетик манзаралар билан тўлиб-тошган. Аммо бу романлар ҳар доим ҳам асарлардаги характерларнинг "хатти-ҳаракатлари"ни ёритиб бермайди.

Ханна Мина суряя адабиётида илк бор янги тарихий давр қаҳрамони образини унга ҳос барча камчиликлар, хато ва нуқсонлар, унинг ишқ-севгига чанқоқлик, майда, арзимас иштиёқлар, олижаноб шижаотлар, хатти-ҳаракатлар, беғараз ташаббускорлик ва худбинлик, кўрлик каби хусусиятлари билан яратса олган.

"Дераза ортида ёғаётган қор" романи майда буржуазия мамлакатда ҳукмрон кучга айланган бир даврда ёзилган. Шу боисдан ҳам романнинг бош қаҳрамонлари сўл қарапшларга эга бўлган кишилар бўлгани бежиз эмас.

Халил ишчилар синфи орасидан етишиб чиқсан, Фаёд эса сўл қарапши бўлса-да, майда буржуазия вакили. Аммо Фаёд ўз меҳнати билан майда буржуа маданиятидан халос бўлмоқчи бўлади. Меҳнат унинг учун бир тажриба, ҳаёт тажрибаси ҳисобланади. Х.Минада биз юксак истеъод эгаси бўлган реалист ёзувчини кўрамиз. Шу билан бирга у "ягона миллий жамият" доирасида ижтимоий муаммоларга ечим топишга уринган мутафаккирдир. Таъкидлаш жоизки, Фаёд ўзининг жамият, тарих, инқилоб ҳақидаги хаотик қарапшлари билан ўша давр Суряя жамиятига хос ижтимоий онг тимсоли ҳисобланади.

Х.Мина дунёни стихияли тарзда материалистик бошқариш қобилиятига эга. Ёзувчининг бадиий диidi оғзаки халқ ҳикояси асосида тарбияланган. Унинг онгига халққа ҳос, мавжуд вокеликка ҳушёр қарап сингдирилган. У ўз қаҳрамонининг нуқтаи назарини қўллаб қувватлайди ва у инсон дунёни қандай идрок этиши, нима ҳақида ўйлаши ва нимани ҳис қилишини кўрсатиб беради. Х.Мина насрив, умуман суряя насрив ҳақидаги мулоҳазаларимизни якунига етказиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Яқинда яратилган бадиий асарларнинг долзарблиги методологиясини маъбулият билан, аниқ-тиниқ кўрсатиб берадиган, ҳеч қандай ягона концепция ва адабиётшунослик назарияси ҳали ҳануз бизда мавжуд эмас. Янги давр бизни шошириб қўйди. Мумтоз адабиётнинг бетакор аҳамияти (биз Х.Минани XX аср араб адабиётининг классиги сифатида биламиз) кўп йиллар давомида "овози пасайтирилган" пичинг (киноя)лар кўринишида намоён бўлиб келди. Бугун эса?... Ўтмиш тўла, яхлит ҳолда гавдаланади. Тадқиқ этилаётган романлар муаллифи образига яна бир бор қайтиб, мурожаат қилиб ўз-ўзимизга шундай савол берамиз: Унинг қудрати нимада? Ўйлашимизча, инсоннинг оиласидаги мавқеи, касб-хунари, мақсади энг оддий умумбашарий қадриятлар қаторига киради.

Муаллиф образи жуда мұхим. Уни бир-икки сүз билан ифодалаш мүмкін. Адабиётни идрок этиш – ҳар доим муаллиф билан бевосита мuloқot ҳисобланған.

Ушбу образ адабиёт беллетристикадан алоҳида ажратиб туради (гарчи ҳар қандай беллетристика ҳам хира, нұноқ асар бўлавермайди). X.Минанинг романларидағи муаллиф образи тарих нұқтаи назаридан ҳам аҳамиятли бўлиб, суря адабиётида жуда кўп ижобий жиҳатларнинг борлиги учун X.Минага миннатдорчилик билдирилиши керак бўлади.

X.Мина ижоди бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Суриядаги адабий жараён, бутун араб дунёсида бўлгани каби, ҳам ғоявий-тематик мазмунига кўра, ҳам стилистик ёндашувлар жиҳатидан тобора мураккаблашиб борган. Шунга қарамай, воқеилиқда рўй берган ҳодисаларни реалистик тасвиirlаш етакчи ёзувчиларнинг, айниқса романнавис адибларнинг асосий ижодий методига айланыб қолган.

2. Шу маънода X.Минанинг “Мовий чироқлар”, “Елкан ва бўрон”, “Деразадан ташқарида қор”, “Булутли кунда чиққан қуёш” романлари ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган ва китобхонларни ўзига жалб этиб келмоқда. Улар мисолида XX асрнинг иккинчи ярмида суря насрига хос бўлган асосий тамойилларни аниқлаш мүмкін бўлади.

3. Кечаги адабиётшунослик таҳлили ёндашувлари ва стереотиплари жадал эскириб бораётган, юзага келган янги концепциялар ҳақида гапириш ҳали осон бўлмаган бугунги кунда шуни алоҳида таъкидлаш мүмкінки, X.Минанинг буюк адаб сифатидаги кудрати ёзувчи яратган образларнинг реал ҳақиқатдан олингандылыги, ҳаётини ва ишончлилиги, унинг соғлом қарашларидадир.

ХУЛОСА

XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан 70-йиллари охиригача бўлган давр араб адабиёти тарихи, хусусан, Сурия адабиёти тарихи нұқтаи назаридан фавқулодда мұхимдир. Ушбу даврнинг анъанавий элементлари ҳали тўлиқ сиқиб чиқарилмаган, Европа адабиёти ютуқлари миллий эстетик ва фалсафий қарашлар фильтридан оғишмай ўтказилган араб-мусулмон адабиёти анъаналаридан узоқлашиш даври деб атash мүмкін.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошлари, яъни мамлакатнинг келажакда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий эттириш билан боғлиқ муаммолар атрофида кескин сиёсий кураш авж олган даврда, мустақилликка эришилган шароитда миллатнинг барча қатламлари манфаатларининг уйғунлиги вайрон бўлади, антогонизм пайдо бўлади. Ушбу мураккаб вазиятда зиёлилардан кўпчилиги ўз позициясини аниқлашга қийналади. Миллый бирлик шиори остида вужудга келган буржуа зиёлилари, айниқса, кенг ҳалқ оммасини жамиятни қайта куриш ишларига фаол жалб қилган ҳолда, ҳалқ манфаатларини ҳақиқатда рўёбга чиқариш учун курашдан кўрқар эди.

Ханна Минанинг ижоди Сурия адабиётининг эски даври тугагани ва реалистик санъат ривожида янги босқич бошланишини англатади. Адаб асарларининг ёрқин ижтимоий бўёғи, адолатсизликдан нафратланиш, қулга айлантирилган “куйи табақаларга” самимий хайри-хоҳлик одамлар ҳаёти, уларнинг азоб-уқубатлари, озодлик, адолат, эрк-хуррият тўғрисидаги азалий орзуларини ёритиб беради.

Ҳалқ орасидан етишиб чиққан кичкина одам ҳақида ҳиқоя қилар экан, ёзувчи китобхонни жамиятнинг тубтубига олиб киради, қашшоқ, ўғри ва ишсизлар инсонлар ҳаётини очиб беради.

Унинг романлари Суриядаги ижтимоий муносабатларнинг кўп қиррали дунёсини тадқиқ этиш, феодал тузум пойдеворини қулатиш, халқнинг озодликка чиқиши, ижтимоий адолат учун кураш онги асосида ҳаракат қилувчи янги инсоннинг дунёга келишига бағишинган.

Х.Мина, Ф.Ас-Сибий ва бошқа бир қатор ёзувчилар шундай гурухга тегишлики, уларнинг ижодида ҳаётнинг ва Сурия халқининг миллий озодлик ҳаракати авж олган йилларда тинчлик ва адолат учун курашнинг ҳаққоний манзараси реалистик тарзда чизиб берилади.

Замонавий Сурия адабиётида Ханна Мина ёзувчи, публицист ва жамоат арбоби сифатида намоён бўлади. Х.Мина адабиётга Сурия худуди Франция томонидан ўта муҳим ҳарбий-стратегик ҳудуд сифатида фойдаланилган давр – Иккинчи Жаҳон уруши йилларида кириб келди. У пайт мамлакатда ҳарбий диктатура режими ўрнатилган эди. Аммо тақиқларга қарамай, илғор араб жамоатчилиги Франция мустамлакачилигига ошкора қарши чиқди.

Ханна Миннинг бадиий диди оғзаки халқ ҳикояси асосида шаклланди ва тарбияланди. Ёзувчи оддий халққа хос бўлган воқеликка хушёрлик билан қараш, қатъийликни ўзида мужассам этган эди. У воқеликнинг янги ечимини топишга уринади, борлиқдаги воқеа-ҳодисалар, инсон ва у яшаётган дунё орасидаги бошқа мантиқий муносабатларни топиш ва изоҳлашга интилади. Унинг асарлари замонавий араб насли ва, хусусан, сурья романнавислигининг шаклланиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади.

Сурия бадиий наслида Х.Миннинг “Елкан ва бўрон” деб номланган йирик романи дунё юзини кўргунга қадар, эҳтимол инқилобий ўзгаришлар шахсга қандай таъсир кўрсатиши аниқ ва ҳаққоний кўрсатиб бера олган асарлар бўлмаган. Х.Мина романлари қаҳрамонларини бир қатор муаммолар – муаллифни ташвишга солган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар

қийнайди. Муаллиф ва унинг қаҳрамонлари бошқа инсонлар билан уларнинг маданияти таъсирини ҳис қилган ҳолда беҳисоб ришталар билан боғланган.

Н.Гоголь, Ф.Достоевский, М.Горький, Г.Флауберт, Ж.Лондон, У.Фолкнер, Э.Хемингуей, Д.Стайнберглар фикр ва қаравалари муаллиф, демак унинг қаҳрамонлари томонидан сурия воқелиги фонида қайта кўриб чиқилган ёзувчиларнинг тўлиқ рўйхати эмас. Х.Миннинг асосий стилистик услуби замон ва макон планининг ўзгариши, ўзаро ўрин алмашиниши, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлариган хос лаҳзалар кетма-кетлигига намоён бўлади. Бунга ўхшаш услугуб дунёдаги кўплаб адабиётларга хос. Адаб асарларидағи мантиқий бирлик билан эмас, балки, масалан, битта саҳна иккинчисининг ўрнини босадиган, бир хил сўзлар ёки антонимлар тўқнашадиган ўзаро боғлиқ эпизодлар киноболиги билан муаллиф ҳикоясига жўшқинлик бахш этади.

“Елкан ва бўрон” романи дунё юзини кўргач, сурия романи бадиий етукликка эришганлиги маълум бўлди, Х.Миннинг денгиз романлари цикли шаклларнинг хилмажиллигидан далолат беради. Ёш қаламкаш биродарлар - Х.Ҳайдар, Ҳилолий, аз-Захобий, Н.Сулаймон Х.Миннинг услуби ва методини давом эттиридилар ва янада такомиллаштиридилар, адабиётда провинциализм хасталигини четлаб ўтган ҳолда дунё манзарасини янада мураккаблаштиридилар. Дунё манзараси кўринишларидан бири ёзувчиларнинг адабий жараёнда тутган ўрнини нотўғри баҳолашдан иборат эди. Ушбу тадқиқот, ўз моҳиятига кўра, замондошимиз бўлган ёзувчи тўғрисидаги монографиялардан бири бўлиб, унда адабнинг ижодий шахсияти ва унинг давр адабий жараёнида тутган ўрни, ўзига хос фон сифатида эмас, балки ижтимоий-тарихий тараққиёт мазмунини ташкил этувчи жараён ўрганилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Халқ сўзи. 2017.8 февраль № 28 (6722).

2. "Ўзбек адабиёти ва санъати" газетаси, 2018 йил 8 август, №32-33.

3. Иброҳимов Н.И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. -Т.: Фан, 1994. – 244 б.

4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 1992.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -М.: "Рус тили", 1981.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 1-5-жиллар. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.

7. Хўжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи. -Т.: 2004. – 184 б.

8. Хотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Т.: "Ўқитувчи", 1983.

Рус тилидаги адабиётлар:

1. Абу Хейф Абдалла. Современная арабская новелла и Запад (о становлении литературной традиции): Автореферат диссертации. М., Наука, 1991.-С. 20.

2. Акбарова М.Х. Сирийский рассказ. Т., Фан, 1975.- С. 68. Актуальные проблемы изучения литературы Африки. Сб. ст. М., Наука, 1969.- С. 168.

3. Али-заде Э.А. Египетская новелла. М., Наука, 1974.- С. 152.

4. Али-заде Э.А. Махмуд Теймур. М., Наука, 1983.- С. 182.

5. Аль-Ахмед Сулейман Ахмед. Исследования по современной арабской поэзии. Автореферат диссертации. М., 1973.- С.25.

6. Аль - Куайд Юсуф. Это происходит в Египте в наши дни // Восточной альманах вып. 8. 1980.

7. Аль - Куайд Юсуф. Ребаб отказывается рисовать // Азия и Африка сегодня. 1981,- №4.

8. Анастасьев Н. Диалог. // Вопросы литературы. 1983. №3.

9. Бараджиева Л.М. Исторические романы Нагиба Махфузса. Автореферат диссертации. Л., 1982. С.22.

10. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики : Исследования разных лет. М., Худ.лит., 1975.-С.502.

10. Бобылева И.М. Поэтическое творчество Абд ар-Рахмана ал-Хамиси Автореферат диссертации. М., 1984.- С.20.

11. Борисов В.М. Современная египетская проза. М., Изд. АН СССР, 1961. С.127.

12. Ванслов В.В. Эстетика романтизма. М., Искусство, 1966. -С. 402.

13. Виноградов В.В. Стилистика, теория поэтической роли. Поэтика. М., Изд. АН СССР, 1963.- С.225.

14. Гачев Г.Д. Ускоренное развитие литературы. М., Наука, 1964.- С.331.

15. Гегель Г.В.Ф. Эстетика. В 4-х т. Т.3. М., Искусство, 1971.-С. 21.

16. Генезис романа в литературах Азии и Африки : Нац. истоки жанра. / Сб. ст. М., Наука, 1980.- С. 288.

17. Гинзбург Л.Я. О психологической прозе. Л., Худ.лит., 1977.- С.443.

18. Гинзбург Л.Я. О старом и новом. Л., Сов. писатель, 1982.- С. 423.

19. Гринцер П.А. Поэтика слова И Вопросы литературы. 1984, № 1.

20. Давыдов Ю.Н. Поминки по экзистенциализму // Вопросы литературы. 1980. №4.
21. Долинина А.А. Заметки о египетской литературе нового и новейшего времени//Фольклор и литература Африки. М., 1970.
22. Долинина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени (Египет и Сирия). М., Наука, 1973.- С.272.
23. Долинина А. А. Предисловие И Арабская романтическая проза XIX-XX веков. М., 1981.- С. 5-22.
24. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. М., Прогресс, 1979.- С. 320.
25. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., Наука, 1977.- С. 407.
26. Зарубежный Восток и современность в 3-х т. М., Наука, 1980. - С.533, С.318, С.526.
27. Затонский Д.В. Искусство романа и ХХ век.М., Худ. лит. 1973.- С.535.
28. Затонский Д.В. Что такое модернизм?-Контекст.1974. М., Высш. шк.1975. - С.136.
29. Ибрагим Джавадат. О некоторых основных принципах критики арабской поэзии XX в. Тбилиси, изд. Тб.ун-та, 1990.- С.34.
30. Ибрагимов Н. Арабский народный роман. М., 1984.- С.257.
31. Идеологическая борьба и современные литературы зарубежного Востока. М., Наука, 1977.- С.238.
32. Избранные произведения писателей Ближнего Востока. М., Прогресс, 1978. - С.538.
33. Избранные произведения писателей Северной Африки. М., Наука, 1980.-С. 255.
34. З.Ю.Ивашева В. Реализм в движении Вопросы литературы. 1983, № 5.

35. Имангулиева А.Н. Роль литературных взаимосвязей в формировании новой арабской литературы (на материале творчества писателей сиро-американской школы). Автореферат диссертации. Тбилиси, 1988.- С. 48.
36. История русской литературы в 4-х т. Т.3. Расцвет реализма. Л., Наука, 1982,-С. 876.
37. Келдыш В. Приобретения и задачи. О некоторых проблемах русского литературного процесса конца XIX-начала XX столетия и их изучении //Вопросы литературы. 1983. №2.
38. Кирпиченко В.Н. В поисках своего лица (современный египетский роман) // Иностранная литература. 1983. № 9.
39. Кирпиченко В.Н. Возмужание героя (Заметки о египетском реалистическом романе второй половины 60-70-х годов) //Литература стран зарубежного Востока 70-х годов. 1982.-С. 311.
40. Кирпиченко В.Н. Выбор пути Предисловие // Нагиб Махфуз. Избр. романы. 1990.- С. 5-8.
41. Кирпиченко В.Н. Египетская проза 60-70-х гг. (В поисках путей и форм художественного освоения действительности). Автореферат диссертации. М., 1986.- С. 31.
42. Кирпиченко В.Н. Новеллистика «Новой волны в Египте»//Идеологическая борьба и современные литературы зарубежного Востока. 1977.- С. 274-295.
43. Кирпиченко В.Н. О путях развития реализма в египетской прозе // Народы Азии и Африки. 1976.- № 5.
44. Кирпиченко В.Н. Современная египетская проза.60-70-е годы. М., Наука, 1986. - С. 295.
45. Кирпиченко В.Н. Юсуф Идрис. М., Наука, 1980. - С. 207.
46. Комиссаров Д.С. Пути развития новой и новейшей персидской литературы. Очерки. М., Наука, 1982. - С. 294.

47. Конрад Н .И .Запад и Восток. Статьи. М., 1972. - С. 519.
48. Коран /Пер. И.Ю. Крачковского. М., 1966.- С. 367.
49. Кашелев В.С. Египет. Уроки истории. Борьба против колониального господства и контрреволюции (1979-1981 гг.). Минск, Университет, 1984. - С. 206.
50. Коцарев Н.К. Писатели Египта. ХХ век. М., Наука, 1976. -С. 344.
51. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.3. М. - Л., 1956.-С. 470.
52. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX - начало XX века. М., Наука, 1971. - С. 794.
53. Куделин А.Б. Пути развития современной арабской поэзии // Взаимосвязи африканских литератур и литератур мира. М., 1975.-УИ С. 7-24
54. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М., Наука, 1983.- С.261.
55. Кушкин Е.П. Альбер Камю. Ранние годы. Л., Изд. ЛГУ, 1982. - С.183.
56. Левин З.И. Развитие основных течений общественно- политической мысли в Египте и Сирии. М., Наука, 1972.- С. 268.
57. Левин З.И. Развитие арабской общественной мысли. М., Наука, 1984.-С. 223.
58. Литература зарубежной Азии в современную эпоху. М., Наука, 1975.-С. 336.
59. Литература стран зарубежного Востока 70-х годов. Реализм на новом этапе. М., Наука, 1982.- С. 311.
60. Лихачев Д.С. Развитие русской литературы X-XVII вв. Л., Наука, 1973.-С.203.
- 61.Лихачев Д.С. Литература - действительность - литература. Л., Сов. писатель, 1981. - С. 215
- 62.Лихачев Д.С. Служение памяти//Наш современник. 1983.- №3.
- 63.Маштакова Е.И. Турецкая литература конца XVII - начало XIX в. М., Наука, 1984.-С. 205.
- 64.Никифорова И.Д. Африканский роман : Генезис и проблемы типологии. М., Наука, 1977. - С. 238.
65. Полиевский П.В. Литература и теория. М., Современник, 1979.- С.283.
66. Проблемы современной советской арабистики. Проблемы истории и филологии. Ереван, 1990.- С. 303.
67. Проблемы становления реализма в литературах Востока. М., Наука, 1964.- С. 357.
68. Просветительство в литературах Востока. М., Наука, 1973.- С.318.
69. Прожогина С.В. Магриб: франкоязычные писатели 60-70-х годов. М., Наука, 1980.- С. 277.
70. Прожогина С.В. Рубеж эпохи - рубеж культур. Проблемы типологии литературы на французском языке в странах Северной Африки в 40-80-е годы. М., Наука, 1984. - С. 188.
71. Примаков Е.М. Восток после краха колониальной системы. М., 1982.- С.208.
72. Ржевская Н. Возвращение к человеку // Иностранная литература. 1979. - №6.
73. Романизм: вопросы эстетики и художественной практики. Сб. научных трудов. Тверь, 1992,- С. 143
74. Современная арабская литература. Сб. ст. М., Наука, 1960.- С.192.
75. Современный революционный процесс и прогрессивная литература (1960-1970-е годы). М., Наука, 1976.- С. 400.
76. Соловьев В., Фильшинский Н., Юсупов Д. Арабская литература. Краткий очерк. М., Наука, 1964.- С. 196.
77. Степанянц М.Т. Мусульманские концепции в философии и политике (XIX - XX вв.). М., Наука, 1982.- С. 190.
78. Сулейман Мунир. Арабская культура и современность // Иностранная литература. 1955.- №5.

79. Сучков Б.Л. *Лики времени*. Т.2. М., Худ.лит., 1976.-С. 367.
80. Тынянов Ю.Н. *Поэтика. История литературы. Кино*. М., Наука, 1977.-С. 574.
81. Современные проблемы реализма и модернизма. Сб. ст. М., Наука, 1966.- С. 615.
82. Урнов Д.М. Дж. Джойс и современный модернизм. М., Сов. писатель, 1966.- С. 269.
83. Урнов Д. Другая книга Джеймса Джойса. О романе «Портрет художника и юности» // Иностранная литература. 1976.- № 12.
84. Усманов Н.К. Проза Тауфика аль - Хакима. М., Наука, 1979.- С.114/
85. Успенская Н.А. Творчество Яхъя Хакки. К проблеме становления реалистического направления в египетской прозе. Автореферат докторской диссертации. М., 1982.- С. 20.
86. Утургаури С.Н. Турецкая проза 60-70-х годов: Основные тенденции развития. М., Наука, 1982.- С. 216/
87. Храпченко М.Б. Размышления о системном анализе литературы. // Вопросы литературы. 1975,- №3.
88. Челышев Е.П. Современная индийская литература. М., Худ.лит., 1981.- С. 351.
89. Черновская В. Формирование египетской интеллигенции в XIX - первой половине XX века. М., Наука, 1979.- С. 161.
90. Шамали Жанет. Образ женщины в романах узбекского писателя Айбека «Священная кровь» и «Ветер золотой долины» и египетского писателя А.Шаркави в романах «Земля» и «Феллах» (типологический анализ). Автореферат докт. дисс. -М., 1982.- С. 22.
91. Шерлаимова С. Когда современность становится историей // Вопросы литературы. 1983.- №6.
92. Шидфар Б.Я. Генезис и вопросы стиля арабского народного романа (Сиры). М., Наука, 1980.- С. 231.

93. Юнусов К.О. *Драматургия Тауфика аль-Хакима*. М., 1976.
- Араб тилидаги адабиётлар:**
1. د. حسام الخطيب، سبل المؤثرات الأجنبية أشكالها في القصة السورية. دمشق 1974 ص. 137–168.
 2. نبيل سليمان وعي الذات و العالم، دراسات في الرواية العربية. اللاذقية 1985 ص. 209–225.
 3. عدنان بن ذريل، أدب القصة في سوريا. بيروت. ص. 132–150، 151–171، 175–172، 197–176، 199، 209–330.
 4. فيصل سماق، الواقعية في الرواية السورية. دمشق، 1979. ص. 13–33، 199–238، 43–59، 83–119.
 5. نبيل سليمان، الرواية السورية. دمشق، 1982. ص. 17–27، 108–130، 161–162، 162–174.
 6. الموقف الأدبي عدد خاص، الرواية في سوريا. دمشق، شباط 1982. ص. 9–143، 116–129، 67–85، 41–21، 20.
 7. المصاصي الزرق. 1954 رواية.
 8. الشراح والعاصفة، 1966 رواية.
 9. الناج يأتي من النافذة، 1969 رواية.
 10. الشمس في يوم غائم، دمشق، 1973 رواية.
 11. الياطر، بيروت 1971 (1975) رواية.
 12. بقايا صور، بيروت 1971 (1975) رواية.
 13. المستيقع، دمشق، 1966 رواية.
 14. الابنوسية البيضاء، دمشق، 1976 قصص.
 15. المرصد، بيروت، 1975 (1980) رواية.
 16. حكاية بحار، بيروت، 1980 رواية.
 17. الدقل، بيروت، 1981 رواية.
 18. المرفأ البعيد، بيروت، 1983 رواية.
 19. الربيع والخريف، بيروت، 1983 رواية.
 20. ناظم حكمت، السجن، المرأة الحياة، 1978.
 21. ناظم حكمت، ثانر 1980.
 22. هواجس في التجربة الروائية، مجلة طريق أغسطس 1981. ص. 7–20.
 23. أدب الحرب (بالاشتراك مع د. نجاح العطار) 1975.

ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
I БОБ. Замонавий Суряя адабиёти тараққиётининг асосий тамойиллари	18
II БОБ. Ханна Мина романларининг бадиий тузилиши: Мавзу ва жанрнинг янгилиги	34
2.1. Ханна Минанинг бадиий олами	34
2.2. Ханна Мина романлари поэтикаси.....	73
III БОБ. Ханна Мина ижоди ва XX аср иккинчи ярми Суряя адабиёти	80
Хулоса	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	104

ҚАЙДЛАР УЧУН

АБДУЛЛАЕВ АБДУЛҲАЙ
БОЛТАБОЕВИЧ

**СУРИЯ РОМАНЧИЛИГИ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(монография)

Абдуллаев Абдулҳай Болтабоевич, Сурия романчилиги тараққиётининг хусусиятлари. – Т., 2020.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (*PhD*), доцент **Х.Х.Хамидов**

Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор **З.М.Исломов**
филология фанлари доктори, профессор **Ш.Шомусаров**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг
2020 йил 26 декабрдаги 8-сонли қарори билан
нашрга тавсия этилган.

Босишига рухсат этилди: 12.12.2020
Бичими 60x84 1/16 Шартли 7,25 б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №

徐
家
書
院



61435